

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА  
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ВЕТЕРИНАРИЯ”  
йўналиши**

**“ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР  
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ  
ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Самарқанд – 2020**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа** Олий ва ўрта махсус таълим ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18-октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган

Тузувчи (лар):

**Салимов Х.С.** Эпизоотология, микробиология ва вирусология кафедраси профессори.

**Т.И. Тайлоқов** –паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш кафедраси мудири, в.ф.н доцент

Такризчи (лар): Орипов А. О. Ветеринария фанлари доктори, профессор  
Даминов А.С. Ветеринария фанлари доктори, профессор

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>102</b>
<b>V. КЕЙС БАНКИ.....</b>	<b>111</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>116</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>117</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>131</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасида ветеринария таълими соҳасида фаолият кўрсатувчи педагог ходимларни малакасини ошириш мақсадида тузилган бўлиб, дастурни тузиш жараёнида чет давлатдан жалб этилган яъни Жанубий Корея давлатидан келган ветеринария соҳаси мутахассиси (ветеринария фанлари доктори) иштирок этди ва ушбу даструни тузишда жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибаларидан йўналишлар бўйича замонавий текшириш ва даволаш усусларидан фойдаланган ҳолда уларнинг тажрибаларидан намуналар киритилган ва республикамиз раҳбарияти томонидан таклиф этилган устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини таомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабўл қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тұтади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабўл қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар таомиллаштирилиши мумкин.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари.**

–Инфекцион ва инвазион касалликларни олдини олиш ва диагностикасининг замонавий усуллари фани ветеринария соҳаси бўйича малака оширувчи мутахассисларни чорва моллари, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг инфекцион ва инвазион касалликлари борасидаги назарий ва амалий билимлар йифиндиси билан қуроллантириб, уларни ҳар томонлама замонавий фан ва технологиялар ютуқлари билан тўлиқ танишган ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга имкон яратади.

–Инфекцион ва инвазион касалликларнинг қўзгатувчилари ва келиб чиқиши сабаблари билан таниширилиб, касалликларни аниқлашнинг замонавий усуллари, уларни даволаш, қарши курашиш ва олдини олиш чора тадбирларида жаҳон миқиёсида олиб борилаётган илғор тажрибаларни ҳамда бу касалликлар содир бўлган хўжаликларда ташкилий ишларни ҳал этишнинг замонавий йўлларини ўргатади.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билимига, қўникмаси ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.**

#### **Тингловчи:**

- ҳайвонларнинг касалликларига ташхис қўйиш ва даволашда ишлатиладиган замонавий асбоб ускуналар, реактивлар, даволаш воситалари ва препаратлардан самарали фойдаланиш **қўникмасига эга бўлиши**;
- ветеринария тиббиётида сўнгги йилларда пайдо бўлган инфекцион ва паразитар касалликлар ва уларни даволаш **қўникмасини эгаллаши**;
- замонавий дори воситаларини ишлатиш ва уларни сақлаш **қўникмасини эгаллаши**;

- ҳар хил юқумли ва паразитар касалликларни аниқлашда замонавий диагностика усуллари (ПЗР-полимераза занжирли реакция), (ИФТ-Иммуноферментли тахлил), реакцияларини, турли хил диагностик воситаларни қўллаш **малакаларига эга бўлиши керак**.

#### **Тингловчи:**

- ветеринария йўналиши фанларини ўқитишида сўнгги йилларда эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда инновацион технологияларни қўллаш **малакасига эга бўлиши**;
- намунавий биотехнологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- ҳайвонлар ва паррандаларнинг юқумли, инвазион касалликларини олдини олиш ва даволашда замонавий воситалардан фойдалана олиш **каби қўникмаларига эга бўлиши лозим**.

## **Тингловчи:**

- юқумли касалликларни диагностика қилишда замонавий лабораторик текширув усулларидан фойдалана олиш **компетенциясига эга бўлиши** лозим;
- ветеринария амалиётида ИФА, ПЦР реакцияларини ишлатаолиш **компетенциясига эга бўлиши**;
- замонавий диагностика ва даволаш усулларидан ветеринария амалиётида тўғри ва аниқ фойдала олиш **компетенцияларига эга бўлишлари** лозим

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.**

“Юқумли касалликларнинг диагностикаси ва олдини олишни замонавий усуллари” курси маъruzа ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъruzа дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.**

“Юқумли ва паразитар касалликларнинг олдини олиш ва дааволашнинг замоновий усуллари” модули мазмуни ўқув режадаги “Юқумсиз касалликларни олдини олиш ва диагностикасининг замонавий усуллари” ҳамда “Морфофизиологиянинг замонавий жиҳатлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касалликларни даволаш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни.**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар юқумли ва паразитар касалликларни олдини олиш ва диагностиканинг замонавий усулларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Кўчма машғулот	Мустакил таълим
			Жами	Назари	Жумладан йўнайтиш	Амалӣ машғулот	
1.	Инфекцион касалликларни диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари	4	4	2	2		
2.	Бруцеллез, туберкулез, сальмонеллез касалликларини кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш	4	4			4	
3.	Гемморагик иситма, қутириш, куйдирги касалликларни олдини олишнинг замонавий усуллари	2	2				2
4.	Трематодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари	4	4	2	2		
5.	Цистицеркоз, эхинококкоз, ценуроз касалликларини олдини олиш ва даволашда ривожланган хорижий давлатларнинг янги, самарали усулларидан фойдаланиш	6	6	2	4		
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	<b>2</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Инфекцион касалликларни диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари.**

Инфекцион касалликларни диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари фанининг вазифаси. Инфекцион касалликларни касалликларнинг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари фанининг бошқафанлар билан алоқаси. Инфекцион касалликларни иқтисодий зарари, инфекция инвазияга қарши чоратадбирлар самарадорлиги.

### **2-мавзу. Трематодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари.**

Трематодоз касалликларни тарқалиши қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида тарқалиши ва ушбу касалликларни одамларга юқишини олдини олиш чораларини ўрганади. Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли касалликларга диагноз қўйишда чет мамлакатлар тажрибасида қўлланилаётган диагностика усулларидан фойдаланиш. Замонавий диагностика усулларининг иқтисодий ва ижтимоий смарадорлиги ҳамда бу усулларин амалий ветеринария ишларига тўғри тадбиқ қилишни ўрганиш.

### **3-мавзу. Цистицеркоз эхинококкоз ва ценуроз касалликларини олдини олиш ва даволашда ривожланган хорижий давлатларнинг янги, самарали усулларидан фойдаланиш.**

Цистицеркоз, эхинококкоз ва ценуроз касалликларнинг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида тарқалганида келадиган иқтисодий заарар уларни олдин олиш ва профилактика чора-тадбирларин ўтказида замонавий самарали воситаларни ўрганиш ва бошқа зооантрапоноз касалликларни диагностикаси ва тарқалиш йўлларини замонавий усуллар асосида аниқлаш ва профилактика қилиш. Диагноз қўйишда замонавий усуллардан фойдаланиш. Касалликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда тўғри диагноз қўйишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорликлари

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Инфекцион касалликларни диагностикасининг замонавий усуллари**

Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли ва юқумли касалликлар. Профилактиканинг замонавий усуллари.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Бруцеллез касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.**

Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли ва юқумли касалликлар. Профилактиканинг замонавий усуллари.

### **3 амалий машғулот:**

#### **Туберкулез, сальмонеллез касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.**

Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли ва юқумли касалликлар. Профилактиканинг замонавий усуллари.

### **4- амалий машғулот:**

#### **Фасциолёз ва дикроцелиоз касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.**

Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли инвазион касалликларга диагноз қўйиш, касалликларни кечиш жараёнлари уларни олдини олиш. Профилактиканинг замонавий усуллари.

### **5- амалий машғулот:**

#### **Зооантропоноз касалликларидан цистицеркозни кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.**

Зооантропоноз касалликлани олдини олиш. Даволашда ривожланган мамалакатлар тажрибалари асосида яратилган илфор усуллар

## **6- амалий машғулот:**

**Эхинококкоз, ценуроз касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.**

Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли инвазион касалликларга диагноз қўйиш, касалликларни кечиш жараёнлари уларни олдини олиш. Профилактиканинг замонавий усуллари.

## **Кўчма машғулот:**

**Гемморагик иситма қутириш қўйдирги касалликларни олдини олишнинг замонавий усуллари.**

Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли ва юқумли касалликларни кечиш жараёнлари уларни олдини олиш. Профилактиканинг замонавий усуллари.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (мутахассисликка оид кейс вазиятлар яратиш, ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (кейслар яратиш ҳамда ечими бўйича далиллар ва асосли далиллар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари		1,2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2,5	0,5 балл
3	Амалий топшириқлар		0,8 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-тахлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** Юқумли ва паразитар касалликларга қарши кураш чора тадбирларини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Чорва ва уй ҳайвонларини юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш	Паразитар касалликлардан ҳимоя қилиш
<b>W</b>	Чорва ҳайвонларини турли хил юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш яхши йўлга қўйилган	Паразитар касалликларни олдини олиш яхши ташкил этилган
<b>O</b>	Юқумл касалликларни аниқлашда замонавий усуслардан фойдаланиш	Паразитар касалликларни аниқлش ва диагностикасида замонавий воситаларни қўллаш
<b>T</b>	Юқумли касалликларни аниқлашда нотўғри ташхис қўйиш ва даволаш	Паразитар касалликларнинг уй ҳайвонлари орасида кўпайиши

«ФСМУ» методи.

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнкимларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзууни сўрашда, уйга

вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

**Фикр:** “Юқумли касалликларни олдини олиш чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги асосий омиллардан биридир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катақдаги түғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

- 1.ИНФЕКЦИЯ қандай калит сүздан фойдаланилади?
- А.Юқумли касалликнинг тарқалиши  
В. Организмга касаллик қўзғатувчиси тушиши  
• С. Қоннинг касаллик



### Қиёсий таҳлил

- Инфекцион касалликларга қарши курашнинг ижтимоий аҳамияти



### Тушунча таҳлили

- Касаллик тарқалишини изоҳланг...
- Бактериологик текширишни изоҳланг...
- ИФА ва ПЦР текширишни изоҳланг



### Амалий қўниқма

- ИФА ПЦР касалликка диагноз қилишни айтининг?

## «ФСМУ» методи.

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўниқмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзууни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** “Трихоцефаллез касаллигини олдини олишда янги технологиялар ва усуллардан фойдаланишда нималарга эътибор бериш керак бўлади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассисмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Инфекцион ва инвазион касалликларни диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари.**

##### **Режа:**

- 1.1. Инфекция ва инфекцион касалликлар ҳақида маълуамот.
- 1.2. Инфекцион ва инвазион касалликлар диагностикаси.
- 1.3. Инфекцион касалликларни олдини олишнинг замонавий усуллари.

**Таянч иборалар:** юқумли, инфекция, субинфекция, инфекция дарвозаси, организм, эпизоотология, эпизоотик жараён, микроорганизм, макроорганизмы, соғлом, паразитология, диагностика.

#### **1.1. Инфекция ва инфекцион касалликлар ҳақида маълуамот.**

Инфекция (лот. *inficere* – заарламоқ; *inféctio* – заарланиш) – мураккаб биологик жараён бўлиб, бу жараён ташқи муҳитнинг маълум шароитларида ҳайвон организми ва касаллик қўзғатувчиси – патоген микроб ўртасида амалга ошади. Бу ўзаро муносабатнинг уч хил тури мавжуд: **инфекцион касаллик, микроб (вирус) ташувчанлик ва иммунловчи субинфекция**.

Макро ва микроорганизмлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг аниқ шакли – **инфекцион касаллик** ҳисобланади. Бу организмнинг шундай ҳолатики, бунда қўзғатувчининг таъсирига жавоб тариқасида, аниқ патологик жараёнлар намоён бўлади. Бу ҳолатнинг моҳияти химоя-мосланишга қаратилган бўлса ҳам, касаллик тўқималарнинг морфологик ўзгариши ҳамда функционал бузилишлар туфайли организмнинг мўътадил (нормал) ҳаёт фаолиятини бузади. Инфекцион касалликлар учун хос хусусият, бу касал организм инфекция қўзғатувчиси манбаи бўлиб қолади.

Макро- ва микроорганизм ўртасидаги ўзаро муносабатнинг кейинги шакли **микроб (вирус) ташувчанлик**, бунда ҳайвон аслида касал ҳисобланмайди. Бу ҳолатда инфекция бор, аммо касаллик йўқ. Чунки бу шаклда организмда патологик жараён ривожланмайди. Тўқималарнинг жароҳатланиши ва функцияларнинг бузулиши кузатилмайди. Организм маълум даражада қўзғатувчининг кўпайишини тўхтатиб туради. Микроб ташувчанликда ҳайвон инфекция қўзғатувчиси манбаи бўлиши мумкин, чунки инфекция қўзғатувчисини ташқи муҳитга секрет ва экскретлари билан ажратиб туради.

Макро- ва микро организм ўртасидаги ўзаро муносабатнинг учинчи шакли **иммунловчи субинфекция** (иммунизирующая субинфекция) дейилади. Бу шаклда организмга тушган қўзғатувчи антителолар пайдо бўлишига сабабчи бўлади ва микроблар ўzlари нобуд бўлиб, ҳайвон организми қўзғатувчи манбаи бўлмайди. Организмда морфологик ўзгаришлар ва функционал бузилишлар кузатилмайди. Иммунловчи субинфекцияга мисол тариқасида йирик шохли

ҳайвон организми ва лептоспироз қўзғатувчиси ўртасидаги ўзаро муносабатни келтириш мумкин<sup>1</sup>.

Юқорида айтиб ўтилган шакллар бири иккинчисига ўтиб туриши мумкин. Масалан, баъзан микроб ташувчанлик касалликка, касаллик эса микроб ташувчанликка ўтиб туради. Иммунловчи субииинфекция бўйича кўп маълумотлар етарли бўлмагани учун бу тўғрисида аниқ фикр айтиш қийин.

**Инфекцион касалликларнинг пайдо бўлиши шароитлари.** Инфекцион касаллик пайдо бўлиши учун вирулент қўзғатувчи ва унга мойил ҳайвон бўлишлиги керак. Қўзғатувчининг мойил ҳайвон организмига юқиш ва ўтиш йўллари ташқи муҳит омиллари орқали аниқланади. Ташқи муҳит омиллари макро- ва микроорганизмга таъсир қилиб, улар ўртасида ўзаро муносабат характеристини белгилайди.

Масалан, чўчқалар ва отлар гриппи, манқа (мыт) ва б. одатда ҳавонинг совуқ ва нам вақтлари жуда кенг тарқалади. Бунинг сабаби, бу касалликларнинг қўзғатувчилари куз ёки қиши ойларида касал ҳайвонлардан соғ ҳайвонларга ҳаво-томчи йўли орқали осонлик билан узатилади. Шу билан биргаликда совуқ ва намгарчилик ҳайвон организмига ёмон таъсир қилиб, уларда шамоллаш келтириб чиқариши, бу эса ўз навбатида организм резистентлигининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

**Инфекцион касалликлар қўзғатувчилари – патоген микроблар:** бациллалар, бактериялар, микоплазмалар, вируслар ва риккетсиялар.

**Микробнинг патогенлиги (тур белгиси)** дейилганда – микробнинг ҳайвон организмида касаллик пайдо қилиш ва макроорганизм ҳимоя воситаларини сусайтириш хусусияти тушунилади.. Патогенлик даражаси, уни **вирулентлик** ҳам деб атайди, бир турнинг турли штаммларидаги турлича бўлишлиги мумкин.

Вирулентлик қўзғатувчининг касаллик туғдирувчанлигини белгилайди. Касаллик туғдирувчанлик дейилганда, қўзғатувчининг макро организм ҳимоя тўсиқларини енгиди ўтиши, тўқима ва тана бўшлиғига кириб олиши, организмда кўпайиш хусусияти ва организм ҳимоя воситаларини бостириши, организмга ёмон таъсир этувчи токсинлар ишлаб чиқиши тушунилади. Патоген микробларнинг вирулентлиги сунъий ва табиий шароитларда ошиши ва пасайиши мумкин.

Касаллик қўзғатувчисининг юқумлилиги дейилганда, кам миқдорда ҳам касаллик чақириш хусусияти тушунилади.

**Инфекция дарвозаси** – бу организмга микробларнинг кириш жойи. Инфекцион касалликлар қўзғатувчилар тери, овқат ҳазм қилиш йўли, нафас олиш органлари ва сийдик – жинсий йўллар орқали организмга ўтиб олиши мумкин.

Инфекция дарвозасини билиш эпизоотояга қарши тадбирларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, отларнинг инфекцион анемия касаллигига вирус организмга ҳашаротларнинг чақиши натижасида тери орқали ўтиб олади. Ҳайвонларни ҳашаротларнинг чақишидан сақлаш –

<sup>1</sup> Veterinary Microbiology and Microbial Disease Diagnostic USA, 2012 year 7-10 Р

касаллик профилактикасида муҳим чора ҳисобланади. Эпизоотик лимфангоитда ҳам қўзғатувчи организмга тери орқали юқади, яъни жароҳат жойлари орқали. Бинобарин, ҳайвонлар териси бутунлигини сақлаш, бу касаллиқда профилактиканинг бош бўғини ҳисобланади.

Инфекция турлари.

**Сепсис** – (гр. *sēpsis* – гниение –чириш, бузилиш, айниш) – организм ҳолати, бунда микроблар инфекциянинг бирламчии манбаидан қонга ўтиб, у ерда ҳеч қандай тўсиқсиз қўпаяди ва барча орган ва тўқималарга тарқалиб, яллиғланиш ва дегенратив-некротик жараёнларни чақиради. Сепсис Сибирь куйдиргиси, пастереллез, чўчқалар ўлати ва сарамаси (рожа), стрептококкоз ва бошқа инфекцияларда кузатилади.

**Септицимия** (гр. *sēpticos* чиритадиган, чиритувчи (гнилостный) – *haima*-қон) – сепсиснинг шаклларидан бири бўлиб, ўткир кечади ва дегенратив – некротик ва геморрагик ҳолатлар устунлик қиласи.

**Пиемия** (*ruaemia*; гр. *rūon* – йириңг (гной) + *haima* - қон) – қоннинг йиринглаши, кўплаб йирингли яралар ҳосил бўлиши) – патоген микроорганизмларнинг қон ва лимфа йўллари орқали тарқалиб, алоҳида органларда йирингли ўчоқлар (метастазлар) пайдо бўлади. Пиемия кўпинча, стрептококкозларда, стафилококкозларда, хусусан отларнинг соқов (мыт) касаллигига учрайди.

Септицимия ва пиемия аралаш ҳолатда кузатилиши мумкин. Буни **септикопиемия** дейилади.

Айрим инфекцион касалликларда қон томирлари микробларнинг кўпайиш жойи ҳисобланмайди, аммо қон транспорт вазифасини бажаради. Қон воситасида инфекцион агент дастлабки тушган жойидан турли органларга тарқалади. Бундай ҳолат **бактериемия**(лот.*bacterium* – таёқча (палочка) + *haima* - қон), вирусли касалликларда **виреmia ёки вирусемия**(*virus(vira* – заҳар, вирус) + *haima* - қон)дейилади. Бактеримия туберкулёзда, манқа (сап) касалликларида, виреmia эса чўчқалар ва йирик шохли ҳайвонлар ўлатида кузатилади.

Айрим микроорганизмлар организмга кирган жойида токсинлар ҳосил қиласи, аммо ўzlари кейин тўқималар бўйича тарқалмайди. Организмга фақатгина токсин таъсир этади. Бу ҳолат **токсемия** дейилиб, касаллик токсикоинфекция деб аталади. Масалан, қоқшол (столбняк).

Келиб чиқиши сабабига кўра **экзоген** ва **эндоген** инфекциялар мавжуд. Экзоген инфекция қўзғатувчилари ҳайвон организмига ташқи мухитдан киради. Уларга оқсил, ўлат, куйдирги ва бошқалар мисол бўлади. Эндоген инфекция қўзғатувчилари эса одатда организм ичидаги бўлади ва бир дан организмнинг ахволи ёмонлашгандагина касалликни ривожлантиради. Бунга шартли патоген микроблар; ичак таёқчалари, сальмонеллалар, патент вируслар ва бошқалар қўзғайдиган касалликлар киради.

Организмга кирган қўзғатувчи турлари ҳамда миқдорига кўра **оддий** ва **аралаш** инфекциялар кузатилади. Бир тур қўзғатувчи қўзғайдиган касалликларга **оддий**, икки ёки ундан ортиқ тур қўзғатувчилар киришидан

пайдо бўладиганларига **аралаш инфекция** дейилади. Масалан, ҳайвон фақат туберкулёз микроби билан заарланганда туберкулёз билан касалланади - бу оддий инфекция, ҳайвон туберкулёз ва бруцеллёз қўзғатувчилари билан бир вақтда заарланганда - аралаш инфекция ривожланади. Аралаш инфекциялар доим оғирроқ ўтади.

**Иккиламчи ёки секундар** инфекция дейилганда, бирламчи инфекция кетидан (оқибатида) пайдо бўлувчи инфекция тушунилади. Иккиламчи инфекция қўзғатувчиси бўлиб, соғ организмларда комменсал сифатида яшовчи микроорганизмлар ҳисобланади. (*Комменсализм* (лот. *commensalis* – бирга овқатланувчи, ҳамтовоқ) – симбиоз турларидан бири бўлиб, бунда ҳар хил турга мансуб организмлар бири (комменсал) иккинчисига зарар келтирмай яшайди. Масалан, баъзи балиқлар голотуриялардан бошана сифатида фойдаланади).

Бирорта инфекцион касалликда организм резистентлиги пасайиб, заарсиз микроорганизмлар вирулентлигининг ошишига сабабчи бўлади. Масалан, ўлат чўчқалар организми резистентлигини сусайтиради. Кейинчалик асосий касалликка паратиф ёки пастереллёз қўшилади. Чўчқалар гриппи кўпинча иккиламчи стрептококк инфекцияси билан кузатилади.

Инфекция табиий равишда пайдо бўлиши мумкин ёки сунъий равишда чақирилиши мукин. Экспериментатор аралашувисиз вужудга келадиган инфекциялар, **спонтан** (лот. *Spontaneous* – (самопроизвольный) – ўз-ўзидан содир бўладиган, беихтиёр юз берадиган маъносини англатади) инфекция дейилади.

**Юқумли касалликларнинг юқумсиз касалликлардан фарки.** 1) касаллик аниқ қўзғатувчилар томонидан чақирилади. 2) касалланган организм инфекция қўзғатувчиси манбаи бўлиб қолиб, уни ташқи муҳитга ажратади ва соғ ҳайвонларни заарлайди. 3) касал ҳайвон организмida иммунологик жараёнлар кечиб, шу касалликдан соғайгандан кейин шу қўзғатувчи билан қайтадан заарланмаслиги мумкин. 4) юқумли касалликлар кечишида даврийлик хос бўлиб, аниқ муддатлар билан белгиланади.

Инфекцион касалликларнинг маҳсус хусусиятларидан бири унинг даврий ривожланиш босқичларидир. Организмда инфекцион жараён ривожланишининг биринчи босқичи **инкубационёки яширин** давр дейилади. У организмга микробнинг кирган вақтидан касалликнинг биринчи клиник белгилари пайдо бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврнинг давомийлиги ҳар хил бўлиб, бир неча соатдан бир йил ва ундан кўпроқча чўзилиши мумкин. Унинг қанча давом этиши қўзғатувчининг турига, унинг вирулентлигига, миқдори, организм резистентлиги ва бошқаларга боғлиқ. Масалан, қоқшол ёки ботулизмда инкубацион давр бир неча кунни ташкил этади.

Иккинчи давр - **продромал давр** (гр. *pródromos* – (предвестник) даракчи, хабарчи; нишона, алломат). У айрим инфекцияга хос, даракловчи умумий белгиларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Масалан, иситма, ҳолсизланиш, иштаха ва ҳайвон маҳсулдорлигининг пасайиши. Бундай белгилар ҳар бир касалликда бўлиши мумкин. Даракловчи давр

ривожланаётган касалликка хос бўлган учинчи босқич, аниқ ўзига хос клиник белгилари пайдо бўлган давр билан алмашинади.

Тўртинчи босқич – **пасайиш даври**, бунда аста –секин клиник белгилар ҳамда функционал бузилишлар йўқолади. Охиргиси **соғайиш** ёки **реконволисценция даври**. Бунда касал моллар соғаяди, лекин соғайган моллар организмида қўзғатувчи ҳали сақланиши мумкин.

**Инфекцион касалликларнинг кечиши ва намоён бўлиш шакллари.** Инфекцион касалликлар аниқ клиник белгилар билан ўтишлиги мумкин. Ёки клиник белгилар аниқ намоён бўлмаслиги мумкин.

Давом этиши ва характерига қараб инфекцион касалликлар **ўткир, яrim ўткир ва сурункали** кечади.

Касалликнинг ўткир шакли унчалик узоқ давом этмасдан, кучли клиник белгилар билан кузатилади. Шундай бўлса ҳам, узоқ давом этмаслик бу ерда нисбий тушунча ҳисобланади. Масалан, сибир куйдиргисида ўткир шакл 2-3 кун давом этади, оқсил (яшур) касаллигига 2-3 ҳафта, отларнинг инфекцион анемия касаллигига 30 кунгача давом этади.

Касалликнинг яrim ўткир шакли ўткир шаклига нисбатан узоқроқ давом этиб, клиник белгилар унчалик аниқ намоён бўлмайди.

Касаллик қўзғатувчиси юқори вирулентлик хусусиятига эга бўлмаганида, организм эса нисбатан чидамли бўлганида касалликнинг сурункали шакли кузатилади.

Инфекцион касалликлар **типик** ва **атипик** ҳолатларда кечишлиги мумкин.

**Резистентлик ва иммунитет.** Ҳайвонлар хар хил ҳимоя моддалари билан патоген микробларга қарши курашади. Улар йифиндиси умумий носпецифик ҳимоя, яъни резистентликдан иборат.

Инфекцион жараённинг пайдо бўлиши, сўнгра касалликнинг ривошланиши кўпинча организмда резистентликни ҳосил қилувчи системалар ҳолатига боғлиқ. Касаллик қўзғатувчи микробларнинг организмга кириш йўлидаги биринчи механик тўсиқ тери ва шилллиқ қаватлардир. Нормал ҳолатда микроблар ундан ўтолмайди. Бундан ташқари, тери бактерицид таъсир қилиш, унга тушган микроорганизмларни лизис қилиш қобилиятига эга.

Пайдо бўлган ва бўлиб ўтган ҳамма инфекцион касалликларнинг маҳсус ҳужжати (эпизоотик журнал, эпизоотия картаси, ветеринария ҳисоботлари) қайд қилиниши лозим. Бу ҳужжатлар ветеринария ходимлари учун эпизоотиянинг олдини олиш режаларини тузишга, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга, унга қарши тадбирларни ишлаб чиқишга катта ёрдам беради.

## **1.2.Инфекцион ва инвазион касалликлар диагностикаси.**

Инфекцион касалликларга диагноз қўйишда лабораторик текширишлар ўтказилиб уларни замонавий усууларидан фойдаланилади. Бунда хориж тажрибасида кенг қўлланиб келинаётган усууллар полимераза занжирли реакция (ПЦР), иммуноферментли таҳлил усууларидан кенг қўлланилиши юқори самара

бериши тажрибалар ва амалий ишларда ўз аксини топган яъни бу усуллар билан текширув ўтказилганда тез ва аниқ 100% ли натижалар яъни инфекцияни аниқлашнинг имкони жуда юқори бўлади. Бунда организмга тушга инфекцияниг яширин даврида аниқлаш имконияти юқорилиги ва уни таснифлаш имконияти мавжудлиги ушбу усулларнинг самаралигидан далолатдир. Ушбу текширишлар микробиологик лабораторияларда микроскопик, микробиологик ва серологик текширишларнинг узоқ муддат кутиш жараёнларин минимал даражагача қисқариш ва хар диагностика воситаларининг меъёридан ортиқ ишлатилишининг олдини олади.

### **1.3. Инфекцион касалликларни олдини олишнинг замонавий усуллари.**

Хўжаликни эпизоотик текширгандага қўйидагиларга аҳамият берилади:

1. Хўжаликдаги молларнинг тури ва юқумли касаллика мойил моллар сони аниқланади.
2. Ем-хашаклар миқдори, уларнинг таркиби, чорва молларини боқиши, сугориш тартиби, молхоналарнинг тозалиги, режими, асбоб –ускуналар билан таъминланганлиги, молхона ва улар атрофининг тозалиги, молнинг жасади ва тезагини зарарсизлантириш усули, изолятор, карантин, туғруқхона, профилакторий, молларни сўйиш майдончалари ҳамда ветеринария – санитария обектларининг мавжудлиги ва уларнинг аҳволи текширилади.
3. Чорва комплекси, ферма, яйлов, қишлоқнинг умумий эпизоотик ҳолати; қаерда, қачон ва қандай юқумли касалликлар қайси тур моллар орасида ва қандай шаклда бўлганлиги, хўжалик территориясининг географик, топографик иқлим шароити.
4. Бу хўжалик қайси комплекс, ферма, қишлоқ билан чегарадош, уларнинг эпизоотик ҳолати.
5. Хўжаликнинг мол бозори, гўшт, сут, териларни қайта ишлаш корхоналари билан алоқаси.
6. Қачон, қайси комплексда фермалардан қандай мол хўжаликка олиб келинганлиги, уларнинг карантинда сақланганлиги, маҳсус текширишлардан ўтганлиги.
7. Мазкур инфекцияни илгари пайдо бўлган вақти.
8. Ҳозир пайдо бўлган инфекцияниг характерлари: а) инфекция манбаи; б) илгари касалланган ва ҳозир касалланган моллар сони; в) эпизоотияниг ривожланиш характеристи, унинг моллар орасида тарқалиши.
9. Инфекцияниг кечиши шакллари, ўлган моллар сони.
10. Эпизоотияга қарши қандай чоралар кўрилган, уларнинг самарадорлиги.

11. Эпизоотияни йўқотиш учун ўтказилиши лозим бўлган комплекс чоралари. Инфекцияни қўшни хўжаликларга тарқатмаслик тадбирлари.

12. Умумий хулосалар чиқарилади.

Юқумли касаллик аниқлангандан кейин уни бошқа молларга юқтириласлик ва қўшни хўжаликларга тарқатмаслик чоралари юзасидан қўйидаги асосий тадбирлар амалга оширилади.

1. Касалликнинг хусусияти ва бу соҳада фан ва амалиётнинг эришган ютиқларига асосланган ҳолда эпизоотияни йўқотиш тадбирларининг режаси ишлаб чиқилади. Бунда хар қайси маҳсус ёки умумий чораларнинг бажарилиш имкониятлари ва усувлари алоҳида кўрсатилган бўлиши керак.

2. Карантин эълон қилинади. Хўжаликда ўтказиладиган маҳсус ветеринария ва умумий санитария ишлари, инфекция тугатилгандан кейин кўриладиган комплекс тадбирлар (якунловчи дезинфекция ва хоказо) ишлаб чиқилади ва улар амалга оширилади.

3. Касал моллар бошқа моллардан ажратилади ва уларни бокиш усувлари кўрсатилади.

4. Юқумли касаллар пайдо бўлган хўжаликлардаги хар қайси категория моллар (касал) касалликка шубҳали ва соғ ҳайвонлар учун ўтказиладиган маҳсус ва умумий тадбирлар ишлаб чиқилади.

5. Юқумли касаллик хавфи бўлган хўжалик (комплекс, ферма, қишлоқ, отар) ларда ўтказиладиган умумий ва маҳсус чоралар ишлаб чиқилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Қандай касаллик юқумли касаллик ҳисобланади?
2. Инфекция ташувчи ҳайвон ҳақида қисқача маълумот беринг.
3. Иммунловчи субинфекция нима?
4. Қўзғатувчининг патогенлиги нима?
5. Инфекция турларини санаб беринг.
6. Юқумли касалликнинг юқумсиз касалликдан фарқини айтинг

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Tobias Schwarz – Veterinarycomputed tomographi -2011 Германия
2. P. J. Quinn - Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. – 2013. Australia
3. Charles M. Hendrix- Diagnostic Veterinary Parasitology.2013 United Kingdom.

### **Сайтлар:**

1. Domen.[www.vkb.ru](http://www.vkb.ru).
2. Forum.[vetdoefor.ru](http://vetdoefor.ru)

**2-мавзу:Бруцеллез, туберкулез, сальмонеллез касалликларини кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.**

**Режа:**

- 2.1. Бруцеллез.
- 2.2. Туберкулез касаллигининг пайдо бўлиши шароитлари.
- 2.3. Сальмонеллез касаллигининг организмга тъсири.
- 2.4. Резистентлик ва иммунитет.

**Таянч иборалар:**бруцеллез, туберкулез, сальмонеллез,инфекция, вирус, субинфекция, патогенлик, вирулентлик, инфекция дарвозаси, экзотоксиналар ва эндотоксиналар, сепсис, септицимия, пиемия, инкубацион ёки яширин.

**2.1. Бруцеллез.**

Бруцеллёз одам ва чорва молларга хос асосан сурункали утувчи инфекцион касаллик бўлиб, Бруцелла авлодига мансуб бактериялар томонидан кузгалади. Касаллик гунажинларнинг бола ташлаши, йулдошининг тезда ажралмаслиги билан намоён бўлади. аммо купгина ҳайвонларда бруцеллёз клиник белгисиз ўтади.

**Таркалиши.** Бруцеллёз Европа, Америка, Осий ҳамда Африка мамлакатларида таркалган.

**Кузгатувчиси.** Касалликни спора хосил килмайдиган анилин буёклар билан буяладиган, харакатсиз, Грамманфий, жуда майда кокксимон бруцелла бактериялари кузгайди. Хозирги вақтда олтига бруцелла тури мавжуд бўлиб, касалликни куй ва эчкиларда Бруцелла мелитензис, қорамоллардаб.абортус, чучкалардаб.сусис, итларда *B. Канис*,кучкорларда *B.овис* ва сичконларда *B.неотомекузгайди*. Лаборатория ҳайвонларидан денгиз чучкаси ва оксичкон бруцеллёзга купрок сезувчан бўлади. ҳар кайси бруцелла микроби факат узига хос ҳайвон учун эмас, балки бошка ҳайвонларга ҳам юкади. Масалан, куй ва эчкиларда қорамол, чучка учун хос бўлган бруцеллалар топилган. Одам ҳамма турдаги бруцелла микроблари билан заарланиши мумкин, лекин куй-эчки бруцеллалари одамга айникса юқумли бўлади.

Бруцеллалар ташки мухит тъсирига чидамли бўлади. Масалан, улар нам тупрокда, сувда 3-4 ойгача, қорамол тезагида паст хароратда 160 кунгача, куй териси жунида 1,5-5 ойгача, тугри тушган куёш нурида 2,5 соатгача яшайди. Бруцеллалар сутда 8 кунгача, бринза ва пишлокда 45 кунгача, ёгда 60 кунгача, совуқда сакланган гуштда 20 кунгача яшай олади.

Сут  $70^0$  гача киздирилганда бруцеллалар 30 дакикада, кайнатилганда эса 1-2 дакикада нобуд бўлади.

**Клиник белгилари.** Бруцеллёзниң яширин даври 2-Зхафта давом этади. Бруцеллёз касалининг асосий белгиси - бугоз моллар бола ташлайди ва аксинча, сигирлар олдиндан касал бўлса, улар бола ташламайди, инфекция

яширин ривожлана бошлайди. Касал сигир бугозликнинг 5-8 ойларида, куй-эчкилар 3-5 ойлигига, чучкалар 4-12 хафтасида, биялар 1-2 ойлигига, туялар эса 6-7 ойлигига бола ташлашади. Бола ташлашдан олдин молнинг жинсий органлари шишади, шилимшик суюклик окади ва елини шишиади. Бола ташлаган молнинг йулдоши кеч ажралади ҳамда уларнинг елини яллигланиши мумкин. Сероз бурсит ҳам бруцеллёзнинг характерли белгисидир. Кайтадан бола ташлаш кам учрайди. Эркак молларда орхит, эпидемит пайдо бўлади.<sup>2</sup>

Олдини олиш ва қарши кураш чоралари. Чорвачилик хўжаликларини бруцеллёз касалидан асраш муҳим аҳамиятга эга. Бундай хўжаликка факат бруцеллёз касалидан ҳоли бўлган хўжаликлардан соғлом ҳайвонлар келтирилиши, хўжаликка келтирилган мол 30 кун карантинга куйилиб, бруцеллёзга қарши текширилиши ва сўнгра молларга қўшиб куйилиши мумкин.

Бруцеллёз мавжуд хўжаликдаги ҳамма моллар ҳар 20-30 кунда бир марта бруцеллёзга текшириб борилади. Бундай ҳолларда асосан соғлом, ёш моллар касалликка қарши эмланади, улар алоҳида пода қилиб бокилади. Агар бруцеллёз касали бўлган хўжаликдаги барча моллар бруцеллёзга икки марта манфий реакция берса, улар олти ой давомида яна икки марта контрол текширилади. Текшириш натижасида улар яна манфий реакция берса, хўжалик соғлом деб хисобланади. Бундан ташқари, ветеринария конунчилигига биноан санитария қоидаларига мувофиқ комплекс санация ишлари бажарилиши зарур.

- Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва кемирувчилардан ажратилган культуураларниниг

- 31% Бруцеллёз абортус
- 64% Бруцеллёз мелитензис
- 2% Бруцеллёз суис
- 1,2% Бруцеллёз канис
- 1% Бруцеллёз овис
- 0,8% Бруцеллёз неотома ташкил этади.

- Биоварлар сони:

- Бруцеллёз Абортус -9 та, шундан 1,2,6,7 вирулентли
- Бруцеллёз Мелитензис- 3 та, шундан 1 чи 71%, 2 чи 4,5% ва 3-биовар 20,6% учрайди. 1- биовар вирулентли, 3- биовар жуда вирулентли.

Текшириш натижалари

• Ўзбекистонда Бруцеллёз мелитензис нинг 1- ва 3 биоварлари Фаргона вилоятидан ташқари ҳамма жойда учрайди. Шу сабабли Фаргонада Бруцеллёз кам учрайди.

• **Бруцеллёз мелитензис** кўп ҳолларда (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Қорақалпоғистон) маҳаллий ва йирик шоҳли ҳайвонлар орасида айланиб юради, шунинг учун ушбу ҳудудларда касаллик кенг тарқалган (к-книнг 80-85%) ва эпизоотик ва эпидемиологик вазият мураккаб.

• Бруцеллезнинг аралаш ўчогида бир вақтнинг ўзида ҳам мелитензис ҳам абортус учрайди.

<sup>2</sup> Veterinary Microbiology and Microbial Disease Diagnostic USA, 2012 year P 56-57

- Бруцеллез шаҳарда 30-35, қишлоқда 70-75%, аммо Тошкент, Сирдарё, Жиззахда аксинча шаҳарда 2 баробар кўп. Касаллик 70,9% ҳолатда м.ш.ҳ. билан контактда бўлганда, 73,7% ҳолатда й.ш.ҳ. дан алиментар, 45% ҳолатда м. ва й.ш.ҳ. дан алиментар, контактда бўлганда юқади.

#### Бруцелланинг чидамлилиги

- Физик ва кимёвий таъсирларга чидамсиз
- 60градус иссиқда 30мин, 70<sup>0</sup>С да-5-10 мин, 90-100<sup>0</sup>С да дарров фаолсизланади.

• Сутда, қаймоқда 4-87 кун, кийим-кечакда -14 кун; пишлок, ёғда, бринзада ва тузланган терида 67кун, тузланган гўштда 3 ой, музлаган гўштда ва жунда 5 ой; Тўпроқда, сувда, гунгда, хашакда-4 ой ўз фаоллигини сақлади.

- 1% ли креолин, фенол, формалин -1 соатда, 5% сундирилган оҳак 2 соатда фаолсизлантиради.

#### Эпизоотологияси

• Барча қишлоқ хўжалиги. ҳ-нлари мойил. Бруцеллёз мелитензис нинг қўй-эчкидан қорамолга ва чўчқага ўтиши исботланган, Суис эса қўй-эчкига ўтади

• Қорамолда, қўй-эчкида, чўчқада, шимолий буғуларда эпизоотик ҳолатда, от, итда спорадик.

• **Касаллик қўзғ. манбай** – касал ҳайвонлар, айниқса клиник белгилари бўлганда, бола ташлаганда ҳомила суви, ҳомилани ўзи, жинсий аъзолардан оққан шиллиқ моддалар, сути, сийдиги, фекали, уруғи.

• Сигир елинида 7-9 йил, қўй елинида 3 йил сақланади, сут билан ажралади

• Барча қишлоқ хўжалиги. ҳайвонлари мойил. Бруцеллёз мелитензис нинг қўй-эчкидан қорамолга ва чўчқага ўтиши исботланган, Суис эса қўй-эчкига ўтади

• Қорамолда, қўй-эчкида, чўчқада, шимолий буғуларда эпизоотик ҳолатда, от, итда спорадик.

• **Касаллик қўзғ. манбай** – касал ҳайвонлар, айниқса клиник белгилари бўлганда, бола ташлаганда ҳомила суви, ҳомилани ўзи, жинсий аъзолардан оққан шиллиқ моддалар, сути, сийдиги, фекали, уруғи.

• Сигир елинида 7-9 йил, қўй елинида 3 йил сақланади, сут билан ажралади

#### Клиник белгилари:

• Агар буғоз ҳ-нлар бўлмаса белгисиз кечади, уни серологик ва аллерг. билинади

• Буғозликнинг 2 даврида: сигир 5-8- ойида, қўйлар 3-5 ойида ҳомила ташлаш кузатил.

• Чўчқалар 1 ва 2 -даврда ҳомила ташлайди

• Итлар 40-50 кунларда

• Қорамоллар ва қўйларда қайта ҳомила ташлаш жуда кам бўлади, чўчқаларда кўп

- Ҳомила ташлашдан сўнг йўлдош ўшланиш, эндометритлар кузатилади.

• Айрим ҳайвонларда эндометрит эвазига мастит, тухумдонларни яллиғланиши, иситма, сутни кескин пасайиши, озиш, қисир қолиш, бепуштлик кузатилади

• Айрим ҳ-нларда бурсит, гигрома, артрит, тендовагинит, эркакларида орхит, эпидидимит, уруғдонларни шишиши кузатилади.

#### Диагностика

- Клиник белгилар.
- Эпизоотологик маълумотлар: янги келган моллар, карантин давридаги тек-иш, ҳисоб-китоб ишлари, олинган бузоқлар, қисир сабаби текшириш.
- Пат. материал-ҳомила, ширдон, қон, зардоб, сут (10мл га 1 томчи формалин)
- Бактериологик текшириш – культура суртмасини микроскопия қилиш.
- Биопроба денгиз чўчқасига 10, 20, 30 кундан серологик текш. РА да титр 1:10 ва ундан юқори бўлса бруцеллез.
- Денгиз чўчқалари зардобидаги титридан қатъий назар 30 кундан сўнг сўйилади ва уларнинг л.у., талоқ, қони, суяқ илиги, жигар, буйрагидан озуқа муҳитга экилади
- Сер. текшириш РБП, АР, КБР, сут билан кольц реакция ва ИФА.

#### **Ягона бруцеллёз антигени, АР, КБР, РБП ва сут билан кольц реакция учун**

- Аллергик тек-иш
- ПЦР

#### Иммунитет

- Ностерил-фақат бактерия организмда бўлганда мавжуд.
- Организмда бруцеллёзга қарши агглютинин ва қб антителолар ҳосил бўлади, аммо улар организми қайта заарлашдан сақламайди
- Организмни ҳимояси асосан ҳужайралар иммунитети ҳисобига амалга ошади

- Бруцеллезда иммунитет нисбий.

#### Профилактика

- Соғлом хўжаликларни, фермаларни Бруцеллёз дан ҳимоя этиш – соғлом мол олиш
- Соғлом пунктдан келтирилган молларни 30 кунлик карантинда текшириш
- Бошқа ҳ-нлар билан ҳаттоки яйловда, сугоришда қўшмаслик
- Режали диагностик текшириш
- Бузоқлар пастерланган сут ичиши, мунтазам дезинфекция, дератизация, тўйимли озуқалар бериш
- Вакцинация: Бузоқлар 5-6 ойлигига ШТ.19 вакцинаси билан бутун дозада эмланади, 1 ойдан кейин қон зардоби, яна 12 ойдан сўнг, яъни 18

ойлигиди РА да текширилади. Манфий натижада олинган молларга кичик дозада (2 мл да 3 млрд микроб.

Турли ҳайвонлардан кон олиш, аллерген вакцина юбориш. Бруцеллөз бўлган хўжаликда соғломлаштириш чора-тадбирлар режасини тузиша хўжаликда (брюцеллөз бўлмаган) профилактик тадбир режасини тузиши.

## **2.2. Туберкулез касаллигининг пайдо бўлиши шароитлари.**

**Сил(Tuberculosis)** -уй ва ёввойи ҳайвонлар, жумладан, паррандалар ва одамларнинг сурункали юқумли касаллиги бўлиб, хар хил орган ва тукималарда маҳсус тугунлар (туберкула) хосил бўлиши билан намоён бўлади.

**Таркалиши.** Касаллик ҳамма жойда таркалган, лекин катор мамлакатлар (Дания, швеция, Финляндия, Голландия) ушбу инфекциядан холи хисобланади.

Кузгатувчиси. Хозирги вақтда 5 турдаги туберкулөз кузгатувчиси маълум: одамларда микобактериум туберкулөзис, йирик шохли ҳайвонларда (М.Бовис), паррандалар (М.Авиум), сичконларда (М.Микроти) ва совуқконлиларда (М.Тамнофес) кузгайди.

Туберкулөз таёқчалари физик ва кимёвий таъсирларга анча чидамлидир. Бактериялар куриган балгам ва чангда 7-10 ой, чириган органларда 2-6 ой, гунгда 7 ой, сувда 2 ойгача, тупрокда 2 йилдан ортик яшайди. Сут  $85^0$  киздирилганда ундағи бактериялар 30 дакикада, кайнатилганда эса 3-5 дакикада улади.

Туберкулөзда дезинфекция қилиш учун 5% ли карбол кислота эритмаси, 20% ли янги сундирилган охак, 3,5% ли лизол эритмаси кулланилади.

**Эпизоотологияси.** Туберкулөз билан барча ҳайвон турлари ва одамлар касалланади. Касалликнинг манбаи касал ва касалланиб соғайган ҳайвонлар хисобланади. Улар сийдик, тезак, балгам билан бирга туберкулөз кузгатувчинини чикариб ташки муҳитни, ем-хашақ, сув турар жойни зарарлайди. Касаллик ҳайвонларга нафас олиш органи ва ошкозон ичак йуллари оркали юқади. Туберкулөз таёқчалари шикастланган тери ёки шилимшик пардалар оркали ҳам юқиши мумкин. Хўжаликка туберкулөз аввало касал ҳайвон билан бирга келади, кейинчалик хар хил омиллар иштироқида таркалади.

Бузок ва чучка болаларига туберкулөз касал ҳайвоннинг зарарсизлантирилмаган сути ёки ундан тайёрланган маҳсулотлар ва чанг оркали юқади. Чорва моллари тор, коронги, совуқ ёки жуда иссиқ, вентиляцияси ёмон, ифлос молхоналарда бокилса ёки улар очикхавога кам чикарилса тубекрулөз билан купрок касалланади. Туберкулөзкасали ҳайвоннинг барча ички органлари, безлар, тери, жинсий аъзолари, ичак, корин, юрак, сужук бугинлари ривожланади. Бўларнинг ичида упка туберкулөзи купрок учрайди.

**Клиник белгилари.** Туберкулөзнинг яширин даври 2-6 хафта, ундан ҳам купрок. Патологик жараён секин ривожланиб, айрим холларда катор йилларга

чузилиши мумкин. Шартли равища туберкулёз актив (очик) ва яширин шаклга бўлинади. Актив шакли ичак, елин, бачадон ва упканинг заарланиб бронхларга кушилиши билан намоён бўлади, кузгатувчини организмдан ташки мухитга ажартиб туради.

Туберкулёз билан упка заарланганида узгарувчан иситма пайдо бўлиб, тана харорати бирмунча кутарилади ( $39,5-40^{\circ}$ ) киска ва курук йутал, кейинчалик нам йутал пайдо бўлиб, совуқ сув ичирганда, чанг таъсирида, харакат килганда шиллик пардалар таъсирланиб, йутал кучая боради. Касаллик авж олганда йутал тез-тез такрорланиб, огриди, нафас олиш кийинлашади, тезлашади, сикилади, айrim холларда бурун бушлигидан йирингли шилимшикли экссудат ажралиб туради. Организмда умумий бузилишлар ҳам кузатилади. Упка аускультация килинганда курук ёки нам хириллаш, перкуссия килинганда эса товушнинг узгарганлиги ҳамда «каверна» нинг борлиги аникланади.

Туберкулёз билан ичак заарланганда унинг фаолияти узгариб, ич кетиши, кучсизланиш ва ҳайвоннинг ориклashi кузатилади. Туберкулёз елинда ривожланганда заарланган жой каттилашади, агар у бирмунча кенгрок заарланган бўлса, елин конфигурацияси, айникса орка томон узгаради, куп холларда елин заарланса ҳам у сездирмасдан, сут беришини камайтирмаслиги мумкин. Аммо пальпация ёрдамида елин усти лимфа тугунларининг катталашганлиги аник намоён бўлади. Патологик жараённинг елинда ривожланиб, кучайганда унинг без тукималари атрофияга учраб, сут ажратиш камайиб кетади. Чучкаларда туберкулёз купинча қорамолчилик ва паррандачилик фермаларида туберкулёз учраб турадиган хўжаликларда учрайди. Касаллик яширин ўтади. Айrim холлардагина лимфа тугунларининг (жаг ости, томок, буйин тугунлари) катталашганлиги аникланади.

Куй, эчки ва бошка турдаги ҳайвонларда туберкулёз кам учрайди, касаллик одатда яширин ўтади. Паррандаларда ҳам туберкулёз латент шаклда ўтади, аммо инфекция генерализацияшган бўлса, холсизланиш, кам харакат қилиш, иштаханинг пасайиши, ич кетиш, ориклаш, камконлик, кам тухумлик каби умумий узгаришлар пайдо бўлади. Пальпация килинганда жигарнинг катталашганлигини аниклаш мумкин. Касаллик узок давом этганда туш мускулларининг атрофияланганлиги намоён бўлади.

Олдини олиш ва қарши кураш чоралари. Туберкулёзга йуликкан ҳайвонларни даволаш усули хали ишлаб чиқилмаган ҳамда бундай ҳайвонларни даволаш жуда кимматга тушади. Касалликнинг пайдо бўлиб таркалишига йул куймаслик учун уй ҳайвонлари ва паррандалар зоогигиена қоидаларига амал килинган холда боқилиши ва парвариш қилиниши шарт.

Моллар тоза ва ёруғ молхоналарда, ёзда эса лагерь шароитида боқилиб, киш кунлари 2-3 соат очик ҳавога чиқарилса (жуда совуқ ва шамол кунлардан ташқари) ва минерал ҳамда оксилли, витамини куп ем-хашак билан етарли даражада таъминланса, ҳайвонлар бакувват ва турли касалликларга бардошли бўладилар. Молхоналар вақт-вақтида дезинфекция қилиниши шарт. Бошқа жойдан келтирилган моллар бир ой мобайнида алохида жойда боқилиши, шу

давр ичидә туберкулинизация қилиниши, касалланган моллар соғлом моллардан тезлик билан ажратилиши, шунингдек, туберкулёзи бор кишилар чорва молларидан четлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Хўжаликдаги туберкулёздан холи бўлган моллар ҳам йилда бир марта туберкулинизация қилиниши лозим. Модомики хўжаликда мусбат реакция берган моллар топилса, хўжалик туберкулёзга нисбатан хавфли хисобланади. Бундай хўжаликда моллар уч гурухга бўлиниб, касал ва мусбат реакция берган мол ва паррандалар бошкаларидан дархол ажратилади, зоти ҳамда маҳсулотига қарамасдан сўйилади. Учинчи гурух моллар соғ хисобланиб, назорат қилиб борилади.<sup>3</sup>

Суртма тайёрлаш, бўяш. Туеркулинизация қилиш учун ҳайвонларни тери остига, кўзига туберкулин томизиши. Туберкулинизация ўтказилгандан сўнг хужжат тайёрлаш. Сил бўлган хўжаликда соғломлаштириш режасини тузиш ишлари амалга оширилади.



**Туберкулёзга аллергик  
текшириш реакцияси  
натижаси**

**Маллинизация ўтказиш  
натижаси**



<sup>3</sup> Veterinary Microbiology and Microbial Disease Diagnostic USA, 2012 year p.p57-58

**Иммунитет-** лотинча сўз бўлиб, иммунитас-озод бўлиш ёки кўтказиш маъносини билдиради.

Бу мураккаб физиологик мослашиш комплексидир. Шу мослашиш комплекси организмга ташқаридан бегона генетик информацияни ташувчи тирик организм ёки моддаларни киришга тускинлик қилиб йул бермайди. Организм факат юқумли касал кузгатувчиларга ва улар ишлаб чикарган захарли моддаларгагина қарши турмасдан, у бегона тукималарга ҳамкарши туради. Организмнинг бегона тукималарга бундай қарши туриш кобилияти трансплантацион деб ном олган.

Иммунитетни ўрганадиган Фан иммунология дейилади.



Луи Пастер Эдуард Дженнер кашф этган ходисанинг шарафига юқумли касалга қарши эмлашни «вакцинация» деб аташни тавсия этган. Яъни организмга микробларни юбориб, уларга қарши иммунитет хосил қилдириш мақсадида эмлаш вакцинация де аталган. Вакцинация лотинча «вакка» - сигир сўзидан олинган. 1881 йилдан бошлаб Л.Пастер томонидан иммунитет таълимоти янада ривожлантирилди. Л.Пастер куйдирги, товукларнинг вабо касалликлари кузгатувчиларини кучсизлантириш йулларини топиб, шу кучсиз штаммлардан вакцина тайёрлашга муваффак бўлди. Бу вакцинанинг яратилиши кизикходиса билан боғлик. Л.Пастер товуклар вабо касалини кузгатувчи микроорганизмлар билан ишлашни лабораториядаги лаборантларга топшириб, дам олишга кетади.

**Иммунитетнинг турлари.** Иммунитетнинг пайдо бўлишига караб уни бир неча турларга бўлиш мумкин. Бўлар:

инфекцион иммунитет ва инфекцион бўлмаган, яъни трансплантацион иммунитет.

Инфекцион иммунитет специфик ва специфик бўлмаганларга бўлинади. Специфик бўлмаган иммунитет табиий ёки туғма ва организмни химоя қилиш анатомо-физиологик факторли бўлади. табиий ёки туғма иммунитет уз навбатида иккига: абсолют ёки мутлок ва нисбийга бўлинади. Специфик иммунитет ҳам икки хил: табиий ва сунъий бўлади. улар ҳам актив ва пассивга бўлинади. Актив иммунитет стерил ва стерил бўлмаганга бўлинади.

Специфик бўлмаган иммунитет иккига бўлинади:

- а) табиий ёки туғма
- б) организмни химоя қилиш анатомо-физиологик факторлари.

Табиий ёки туғма иммунитет эволюция жараёнида ҳосил бўлиб, наслдан-наслга ўтади. Масалан, қорамоллар, отларнинг манинка касаллигига, отлар, итларнинг тоун касаллигига, одам эса чучкаларнинг ва итларнинг тоун касаллигига сезгир эмас.

Нисбий иммунитетда эса организм физикавий-химиявий ва биологик факторлар ёки ташки мухитнинг таъсирида кузгатувчи микроорганизмларнинг катта микдори билан захарлантирилса, шу кузгатувчи микроорганизмларга организмнинг қарши туриш кобилияти йуколади. Масалан, табиий шароитда каптар куйдирги касалини кузгатувчи микроорганизмларга чидамли. Лекин унга аввал алкаголь бериб, кейин микроорганизмлар юборилса, у албатта куйдирги билан касалланади.

**Антигенлар** – антиген грекча сўз бўлиб, анти-қарши, ва генис – авлод деган маънони билдиради. Организмга тушиб, иммунологик реакцияни пайдо киладиган хар қандай моддалар узига хос маҳсус антителалар ҳосил қилиши билан ифодаланади. Антиген номи 1899 йили венгриялик олим Ладислау Дойч томонидан тавсия этилган. Антигенларнинг молекуляр массаси нихоятда юкори. Шу сабабли антителлаларни ҳосил қилиш хусусиятлари ҳам юкори.

Сифатли антегенларнинг химиявий тузилишида ароматик группалар радикал бўлиб иштирок этади. Улар организмга киритилса, узига қарши маҳсус иммун моддалар ҳосил бўлади ва шу иммун моддалар билан пробиркада ҳам специфик бирлашади олади. Оксил моддалардан бундай хусусиятга эга бўлмаганлари гемоглобин ва желатиндир.

Сифтсиз антигенлар ёки гептонлар организмга парэнтерал йули билан юборилганда, узига қарши маҳсус иммун моддалар ҳосил кила олмайди. Гептон номини 1936 йили Ландштнер деган олим тавсия этган. Сифтсиз антигенларга ёки гептонларга мурккаб углеводлар, липидлар ва бошка моддалар киради. Агарда гептонларга кам микдорда бўлса ҳам оксил кушилса, улар сифатли антигенларнинг хусусиятларини оладилар.

Антителлалар – бу ҳайвонларнинг организмига антигенлар таъсир килгандан сўнг ҳосил бўладиган маҳсус оксиллар иммуно-глобўлинлар (гамма-глобўлин) дир. Антителлалар термолобил бўлиб, молекуляр массаси нихоятда катта (160000-195000). Антителлаларнинг асосий хусусияти улар ҳосил килган антигенларга сезгирлигидир. Антитела билан антигенларнинг узаро таъсир этиши оркали антиген заарсизлантирилади. Ҳамма антителлалар учта катта группага бўлинади: антимикробли, антитоксинли ва анти хужайрали.

Антителлалар уртас ида вужудга келадиган иммун реакциялар уз специфиллигига кура ветеринария ва медицина практикасида кенг кулланади. Иммун реакциялардан куйидагилари купрок ишлатилади:

- 1.Аглютинация реакцияси.
- 2.Преципитация реакцияси.
- 3.Комплемент боғлаш реакцияси.

Агглютинация реакция шундан иборатки, микроблар суспензиясига иммун зардоб кушилганда улар бир-бирига ёпишиб, ипир-ипир ёки дона-дона бўлиб тудалана бошлайди, пробирканинг тубида эса зонтик шаклида чукма хосил килади.

Агглютинация реакциясини буюм ойнасида (микроагглютинация) ўтказиш мумкин.

Преципитация реакциясида иммун зардоб тегишли антигеннинг типик эритмаси билан узаро таъсир этиб, иккита суюкликтинг чегарасида окхалка хосил бўлади. бу реакция ветеринария, медицина ва саноатда кенг кулланади. Ветеринарияда реакция ёрдамида куйдирги касали аникланади. суд-медицина экспертизасида коннинг доги одам, ҳайвон ёки кушники эканлиги аникланади. озик-овкат саноатида ҳам преципитация реакцияси ёрдамида хар кандай калбакиликларни фош қилиши мумкин. Микробиологияда преципитация килувчи зардоб ёрдамида бактерияларнинг антигенларини текшириб, якин авлод бактерияларни бир-биридан ажратиб олиш имконияти бор.

Комплмент боглаш реакцияси барча реакциялардан мураккаброк, лекин нихоятда сезгир ва узига хос бўлгани учун ветеринария ва медицинада кенг кулланади. У Борде-Жангу дейилади. Унинг ёрдамида бруцеллёз, манка, менингит ва бошқа касалликларни аниклаш мумкин.

Вакциналарни табиати ва таркиби жихатидан турларга бўлиш мумкин:

1. Тирик вакциналар. Кучсизлантирилган микроблардан килинган.
2. Улдирилган микроблардан тайёрланган вакциналар.
3. Кимёвий вакциналар.
4. Ассоциацияланган вакциналар.
5. Анатоксинлар.

**Улдирилган микроблардан тайёрланган вакциналар** ёки инактивация килинган вакциналар химиявий йул ёки юкори температура билан улдирилган микроорганизмлардан тайёрланади. Тирик вакцинага караганда бундай вакциналар унча хавфли эмас, аммо таъсири ҳам пастрок бўлади. Шунга карамай хозирги пайтда бу турдаги вакциналар бошкаларига караганда купроккулланмоқда. Бўларга корасон, геморрагик септицимия ва ёш ҳайвонларнинг диплококк септицимия касаллигига қарши ишлатиладиган вакциналар киради.

**Кимёвий вакциналар.** Бўлар алюминий гидроксидида адсорбация килинган микробларнинг хужайрасидаги антиген комплекслардан иборат. Бу турдаги вакциналар турли юқумли касалликлар учун ишлатилади. Улар тирик ёки инактивациялашган бўлади. бундай вакциналарга мисол қилиб, чучкалар сарамас касалига қарши ишлатиладиган вакциналарни курсатса бўлади.

**Ассоциацияланган вакциналар.** Бу турдаги вакциналар юқумли касалликларнинг бир неча турига иммунитет хосил килади. Шунинг учун бу вакциналар бир неча турдаги юқумли касални кузгатувчиларни тайёрланади. Бу ассоциацияга факт бир-бирига қарши туриб, лекин бир-бирларининг иммуноген хусусиятларини йукотмайдиган микроорганизмларни киритиш мумкин.

**Анатоксинлар.** Организмни сунъий йул билан иммунлаш учун микроб эмас, балки анатоксин ишлатилади. Бунниг учн микроб токсинидан унга 0,4% формалин қўшиб, сўнгра 30-40 даража иссиқни бир неча кун таъсир қилдириб, анатоксин тайёрланади. Формалин таъсирида захарлилигини йукотган модда анатоксин дейилади. Анатоксин юбориши натижасида актив иммунитет хосил бўлади. анатоксинлар захарли хоссаларини томомила йукотган, лекин антиген хоссаларини тула саклаган бўлади. анатоксин юборилган организмнинг иммунитети узок муддатли бўлади.

### 2.3. Сальмонеллез касаллигининг организмга таъсири

**Салмонеллез -** касаллигини қўзғатувчисига умумий характеристика.

Берги рахбарлигида берилган маълумотларга кўра Сальмонеллёз энtribактериялар оиласига мансуб бўлиб бу гурух 5 та типга бўлинган Escherichical, Hlebsielleae, Proteeae, Versenieae, Erwinieae. Сальмонелла авлоди Escherichical типига мансуб.

Enterobacteriaceae оиласига мансуб микроорганизмлар унча катта бўлмаган грамманфий таёқчалар бўлиб, уларининг баъзилари харакатчан, бошқалари харакатсиз, баъзилари капсула хосил қиласи, бошқалари капсуласиз, спора хосил қилмайдиган, кислоталар таъсирига сезувчан аероб ва факултатив анероблардир. Улар гўшт экстракидан тайёрланган мухитларда яхши ўсади, баъзилари эса ўсиши учун маҳсус мухитлар талаб қилинади.

Микролар одатда газ хосил қилувчилар хисобланади лекин газ хосил қилмайдиган гурухлари ва мутантлари ҳам учрайди. Бактерияларни тирик мери, авлодлари ва турлари бактериялари биохимик усуллари билан аниқланиб сўнг серологик белгиларига қараб типларга ажратилади. Авлод ва турни ўз навбатида серологик усуллар ёрдамида тип ва гурухларга ажратиб антиген характеристи ўрганилади.

Сальмонелла таёқчаларини перетрихиал хипчинли харакат қилувчи харакатсиз мутантлари мавжуд. Масалан: *S. Gallinerium* доимо харакатсиз таёқча. *S. Tephī* дан бошқа барча штамблар газ хосил қилувчи, газ хосил қилувчилар орасида ҳам газ хосил қилмайдиган вариантлар мажуд бўлиб бунга *S. Dublinnu* кўрсатиш мумкин.

Сальмонелла бактериялари *S. Gallineerum pullorumgan* ташқари барчаси харакатчан, громманфи таёқчалар бўлиб охири айлана шаклида бўлган шаклда бўлган стрептакоклар ва кокобактериялар кўринишидаги баъзан овал шаклида бўлади. Узунлиги 2 – 4 мкм, эни 0.5 – 0.8 мкм. Агар – агарда ўсган таёқчалар бўльонда ўсган таёқчаларга нисбатан кичик бўлади. Улар аероб ва анаэроб шароитда яхши ўсади. Капсулалар спора хосил қилмайди, ўсиши учун кучсиз ишқорли мухит (<sub>p</sub>H) 7.2 – 7.6), 37 °C харорат оптимал харорат хисобланади.

Кўпчилик сальмонеллалар агар – агарда *S* шаклидаги нозик яrim ялтироқ ўртаси босик ва сернам колониялар хосил қиласи култура эскириши билан колониялар хиралашади. Баъзан ғадур – будур *R* шаклидаги колониялар хосил қилиб қуруқ бўлади. Сальмонеллаларни айрим вакиллари *S. parahaemophilis*, *B*, *S.*

*abortus equi* ва бошқалар қулоқ планкинасимон мухитида шилмишиқ валик хосил қилиб ўсади. *S. tephimurium* зич озуқ мухитида шилмшиқ валик хосил қиласи. Лекин ўстириш шароитида ўзгартирилса ( $\text{pH}$  ортирилса,  $\text{NaCl}$  қўшилса) шакли ўзгарадио айрим холларда *S. Paratephī B* ва *S tephimurium* лар асосий колонияларга қўшимча колониялар хосил қилиб ўсади. *S. abortus ovis*, *S. abortus equi*, *S. Tephī suis* в а бошшқалар зич озуқа мухитида жуда майдада диаметрда 1ммл бўлган колонияни хосил қиласи. *S. abortus ovis* бўйлонларида бошқа салманеллалалга нисбатан сезирарли даражада секин секин ўсади. А. М. Ахмедов бола ташласа қўедан олинган сальмонеллэз сақловчи материаллардан ўстириш мақсадида қўён ва кўйқон зардоби аралаштирилган ПА ҳамда эндо мухитидан фойдаланганда уларни яхши ўсганини кузатган. Суюқ озиқ мухутларда салмонеллалар индол хосил қилмайди желешинани бижғитмайди . Гўшт

Пептон бўлёнида ўсанда улар мухитни бир хилда лойқалантиради, Лекин устида плёнка хосил қилмайди, аммо 1951 йилда И. И. Архангельский бўлюн устида плёнка хосил бўлишини кузатган. М. М. Иванов тажрибаларида сацмакеллалер 24-48 соат ўстирилганда озиқ мухити  $\text{pH}$  7,4- 7,6 дан 7,0-6,8 гача пасайишини кузатган. Р шаклидаги калониялардан Г П Б га экилганда бўлюнда чщқма хосил бщлиб мухит бироз хиравлашади.

Юқоридаги малумотлардан малум бўладики сальмонеллалар морфологик ва культурал жихатдан бир-бирига яқин Шундай екан оддий озиқ мухитлар ёрдамида бундай сифатга эга бўлган сальмонеллаларни бир- биридан фарқлаш ҳамда типизация қилиш имконияти йўқ.

Сальмонеллаларни биохимик хусусиятлари.

Сальмонелла бактериалари авлодлари ичидаги типизация қилишда марфологик ва культурал хусусиятлари ёрдам бермагандага уларни биохимик хусусиятлари асосида типизация қилинади. Бунда таркибида углеводлар, кўп атомли спиртлар, органик кислаталар, хар- хил индикаторлар аралаштирилган турли- туман озиқ мухитлар тавсия қилинади. Озиқ мухитларни биохимик сифатини ошириш мақсадида уларни сифатини ошириш мақсадида уларни таркибига пептин суви, нутроза эритмаси, металром, бром кризолпуриур, уруғдон бўлони ва турли синтетик моддалар, индикаторлардан товланувчи фусин, бромтимолблау, лакмус эритмаси метилром ва бошқалар қўшилада,

Бактериаларни культурал биохимик хусусиятлари, сальмонелла актерияларини гурухдаги бошқа бактериялардан ва ичак инфекцияларидан фарқлашга имконият яратади. Бундай фарқлашда бактериаларни сутни ивтииш, желашикани бижғиши, индол хосил қилиши, сахароза ва лактозани парчалаш хусусиятларига этибор қилинади, Масалан *S lastbourne* индол хосил қиласи. *S anatum* лактозани парчалайди. *S derssalaam*, *S.abortus-bovis* желатинани бижғитади.

Биохимик хусусиятларга қараб сальмонеллалар турли гурухларга ажратилар эди. Хозирги вактда уларни бир-биридан фарқлаш учун

бешта тестдан фойдаланилади, бўлар желатиназани аниқлаш, мукатни утилқилиш, лактоза ферментацияси, глецирин ва лизинни декарбоксиллаш хусусиятларига этибор берилади.

Сальмонеллаларни эшерихийлардан озиқ мухитларга экилган тезак ва ўлган ҳайвон органидан олинган материалда лактозани ферментацияси характерлидир. Бунда маҳсус мухитлар эндо, пластиров бактоогери, бромтимол қўшилган мухит ва бошқалардан фойдаланилади. Бунда колибактериялар у ёки бу индикаторлар ёрдамида лактозани ферментация қиласи ва ундан кислата ҳамда бошқа маҳсулотлар ажралиб чиқади натижада колопиянинг ранги ўзгариади.

Эндо мухитида сальмонеллалар ялтироқ рангиз ва кучсиз бинафша рангли нолония ҳосил қилиб ўсади, ичак инфекциялари эса тўқ қизил рангли ёрқин ёки қизил хира рангли колониялар ҳосил қиласи. Плостирев бактерияларида сальмонеллалар тилларанг колониялар ҳосил қилса, ичак таёқчалари қизил малинасимон рангли колония ҳосил қиласи. Бромтимолм электив мухитда ичак таёқчалари қизил колония ҳосил қилса, сальмонеллалар яшил- ҳаворанг колониялар ҳосил қиласи. Бўларни бир-биридан фарқлашда Плоскирев бактериялари самаралироқ ҳисобланади.

И.В. Шуранинг хабар беришича Германия давлатида дифференциал ташхис қўйишда Кристенсен агари самарали ҳисобланади, бу мухитда қизил фенол ва брилиант яшили бўёғи ингибитор сифатида хизмат қиласи. Бу мухитда салмонеллалар бир текис қизил рангли колония ҳосил қиласи, ичак таёқчалари эса сарғимтирик яшилда оқини яшилгача бўлган рангли колониялар ҳосил қиласи.

Сальмонеллаларни биохимик хусусиятларини ўрганиш ва уларни дифференция қилишда дифференциал –синтетик мухит, нутроза мухити,  $\alpha$  – тартарели мухит, лактоза ва триптофанинг синтетик мухити, бромтимол ва бромкрезол сирти, лакмусли сут ва бошқа мухитлар ишлатилади. Лекин уларни баъзиларини тайёрлаш мурккаб жараён бошқаларига реактивларни камёблиги ветеринария ҳамда медицина ходимлари олдига ҳали-ҳануз муаммо келтириб чиқаради. Лекин охирги йилларда углеводларни рангли қуруқ мухитлари амалиётда ишлатиш учун чиқарилмоқда ва уларни тайёрлаш ҳам анча содда.

Сальмонеллаларни токсин ҳосил қилиши.

W.Gartneri (1888) биринчи бўлиб, S.Dublin ҳароратига чидамли токсин ҳосил қилишини аниқлаган. Бу модда орал ёки парентерал юборилганда ҳайвонда ич кетиш, қалтираш, паралич ҳоллари ва 12-14 соатдан кейин ўлим қузатилган. Кейинчалик кўпгина олимларнинг текширишларидан маълум бўлди Сальмонеллалар юқори ҳароратга чидамли токсин ажратиб чиқаради.

М.М.Ивановнинг таъкидлашича юқори рНда *S.Cholerae-suis* токсин ажратиб чиқариш хусусияти секинлашади ва 15 – 20 кундан кейин пасаяди, токсинларни  $75^{\circ}\text{C}$  45 минут қиздирилганда ҳам унинг заҳарлилик хусусияти камаймайди.

Сальмонеллаларни барча штаммлари ҳам заҳар ҳосил қиласвермайди. И.В. Шуранинг тажрибаларида аниқланишича *S.Cholerae-suis* нинг 21 та янги культураларидан 6 та штаммигина заҳар ҳосил қиласланган.

Е.М. Фрейдлина *S.Cholerae-suis* токсигенлигини ўрганиш пайтида унинг 128 та штаммидан атиги 12 та штамми заҳар ҳосил қилиниши аниқланган.

Сальмонелла токсинлари нафақат юқори ҳароратга чидамли балки улар сут кислотаси, уксус кислотаси, ош тузи ва бошқаларга ҳам чидамлидир.

М.Г. Думешнинг кузатишича *S.dublin* ва *S.typhimurium* стерил гўштда 24-48 соатдан кейин заҳар ҳосил қиласди. У тажриба натижасида (янги гўштдан) олинган фильтратдан 5-10 марта суюлтирилганини сичқонлар қорин бўшлиғига юборганда уларда касаллик пайдо бўлиб ўлим кузатилган.

А.В. Селиванова тажрибаларида кузатилишича *S.abortus-ovis* қўзгатувчисини токсигенлиги 18-24 чи куни энг юқори даражага етган.

Отларни сальмонеллёз касаллиги қўзгатувчиши *S.abortus-edui*ни Б.Г.Иванов, И.В.Поддубский, М.Д.Полыковский, С.Д.Морозовлар токсигенлигини турли йилларда ўрганганлар.

И.В.Поддубский тажрибаларида у 15 мл сальмонеллалар заҳаридан вена ичига юборганда ўлим кузатилган. Худди шу фильтратдан қорин девори орқали бўғоз от бачадонига юборганда 10-12 кундан кейин бола ташлаш кузатилган. Сальмонеллалар томонидан ишлаб чиқариладиган заҳарлар нисбати тўлиқ аниқланмаган.

### **Сальмонеллаларнинг патогенлик хусусиятлари.**

Ёш ҳайвонларда касаллик чақиравчи айтарли барча сальмонеллалар лаборатория ҳайвонлари учун вирулентлилиги аниқланган. Штамминг вирулентлиги бактерия турига, янгилигига, мухитдаги шаротига боғлиқ. М.М.Иванов маълумотига кўра бузоқларда сальмонеллёз касаллигини чақиравчи *S.dublin*ни 10 млн микроб танасини сақловчи 1 суткалик агарда културасидан ювиб олинган эритмасида 15-16 г сичқонга 1 мл юборилганда 3-7 кундан кейин ўлим кузатилган.

А.В. Сизованинг текширишидан маълум бўлдики, унинг тажрибаларида *S.dublin*нинг бузоқлардан ажратиб олинган 40 та штаммидан 70 % и юқори вирулентликка эга эканлиги аниқланган, 15 % вирулентли ва 5 % кучсиз вирулентликка эга бўлган, 10 % и вирулентсиз бўлган. Штаммларни узоқ вақт сақлаш уларни вирулентлигини пасайтиради.

*S.dublin*ни денгиз чўчқалари учун ҳам патогенлиги аниқланган. И.И.Архенгельскийнинг кўрсатишича 250 мингдан – 1 мингача *S.dublin* микроб таналарини сақловчи инфильтрат денгиз чўчқаларида касаллик чақиради ва некроз чақиради охир – оқибатда ҳайвон нахекциядан нобуд бўлади. ёш денгиз чўчқаларига 25-30 минг *S.cholerae – suis* микроб таначаларидан тери остига юборилганда ҳеч қандай ўзгаришсиз нобуд бўлган. Сальмонеллаларни патогенлиги қуёнлар устида ўтказилган тажрибаларда ҳам ўрганилган. Бундан ташқари кантерларда ўтказилган тажрибалардан маълум бўлишича улар ҳам бир неча сальмонеллаларга берилувчан бўлади. Уларда мускул орасига

*S.cholerae-suis* микроб таналаридан 1-2 мляр юборилганда айтарли доимо ўлим кузатилган.

Е.И.Корюнинг 1-2 мляр *S.dublin* микроб танаачаларидан бузоқларга сут билан ичирганда 8-9 суткадан кейин ҳайвонларда ўлим қузатилган.

*B.Smith* 21 бош бузоқни (3-9 ҳафталик) оғиз орқали *S.dublin* билан заралаганда 15 бошида касалликни клиник белгилари пайдо бўлиб, 11 боши нобуд бўлган.

Касалликнинг мавсумийлиги.

Бузоқларни сальмонеллёз касаллигини мавсумийлиги тўғрисида турли авторлар турлича фикр билдиради, бир гурухи касаллик баҳорда кўпроқ тарқалади деса бошқаси ёзда кўпроқ учрайди деган фикрни билдиради.

Текширишлардан маълум бўлишича сальмонеллёз касаллиги йилнинг барча фаслларида учрайди, фақат уларнинг интенсивлиги турлича бўлади. касаллик ўчоқлари февралдан июн ойигача бошқа ойларга нисбатан кўпроқ бўлади.

Р.А.Ционнинг таъкидлашича сальмонеллёз касаллиги баҳор ва ёз ойларида қайсики ҳайвонларни туғилиши кўпроқ бўлган даврда кўпроқ бўлади, қиши ойларида эса жуда нам.

И.И.Архангельский бузоқлар сальмонеллёзи тўғрисида маълумот берганда касаллик кўпроқ ёз ойларида учрашини бунинг асосий сабабчиси ёғи олинган сутлигини касаллик ҳайвонларни ёғли сутдан ёғсиз сутга ўтказилиши пайтида кўпайишини таъкидлайди. Чунки ёз даврида сутни *S.dublin* билан зарарланиши кўпроқ учрайди. Д.А. Брылованинг тахминича ёз даврида сальмонеллаларни кўпайишини асосий сабаби температура ва намликни бирданига ўзгариши деб ҳисоблайди.

Шу сабабдан у бузоқчаларни ёзги типларини ветеринария-санитария ҳамда зоогигиеник томондан талаб даражасида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлайди.

Р.Дженсен ва Д.Маккилар ҳам сальмонеллалар ўчоқларини май ва октябрь ойларида кўпайиши тўғрисида маълумотлар берган.

Сальмонеллёзни мавсумийлиги тўғрисида турли авторларнинг турлича фикр бериши уларни ўз текширишларини турли географик ва экологик зоналарда ўтказилганлигидир. Сальмонеллалар мавсумийлиги турли экологик зоналарда турлича кечади ва характерланади.

Касалликни мавсумийлиги З хил тоғли, тоғолди ва текислик ерларда турлича бўлади, яъни баҳор ва ёз ойларида касаллик тоғ ва тоғолди зоналарда анча салмоқли бўлса, кузда текис суғориладиган ерларда кўпроқ учрайди. Мавсумийликни бундай турли бўлишини ташқи муҳитни бузоқлар организмига турлича экологик зоналарда турлича бўлиши билан боғлаш мумкин.

Чўчқаларда сальмонеллёз касаллиги ҳамма фаслларда бир хил даражада учрайди, бу касаллик чақиравчи инфекциянинг вирулентлигига боғлиқ деган фикрлар кўпроқ билдирилади. Бошқа авторлар гурухи эса чўчқалар сальмонеллёз ўроғи салмоғи қиши-баҳор ва куз ойларида ошишини таъкидлаб, буни шу даврдаги юқори намлик ва ўзгарувчан ҳарорат билан боғланади.

Р.А.Ционнинг кузатишича чўчқалар орасида сальмонеллёз эпизоотия кўринишида, кенг масштабда чўчқалар 2-4 ойлигида қайсики ёз-куз ойларида чўчқаларни болалаш даврида кўпроқ учрайди.

И.Д.Бурлицкий сальмонеллёз ва колибактериоз чўчқа болалари орасида иссиқ иқлим шароитида, ёз ойларида юқори ҳарорат билан боғлиқ деган фикрни беради.

Ф.А.Султановнинг тажрибалари, текширишлари ва кузатишларидан маълум бўлишича чўчқа болалари орасида сальмонеллёз касаллиги баҳор ойларида 37,6 %, ёзда – 25,2 %, кузда 20,4%, қишида 16,8 % учраши аниқланган. Навбатдаги якунловчи фикрни берадиган бўлсак (бузоқлар) чўчқалар орасида касаллик баҳор-ёз ойларида 62,8%, қиши ва куз ойларида 37,2 % гача учрайди.

Йилнинг ҳамма вақтида ҳам касалликни тарқалиши учун шароит яратиб берувчи омиллар яъни елвизак, намлик ва хароратнинг бирдан ўзгариши, ҳайвонларни сақлаш шароити, мавжуд бўлса касаллик доимо учраб туради.

Кўзилар орасида сальмонеллёз касаллигини тарқалишини мавсумийлиги яққол кўзга ташланади. Касаллик асосан она қўйлар бўғозлигининг 2 чи ярмида ва қўзилаш даврида кўп учрайди.

Шундай экан бу давр кўпинча феврални бошланишдан 10 мартача давом этади.

Кузатишлардан маълум бўлишича февралнинг 1 декадасида бўғоз қўйларда 21,1 % бола ташлаш, 2 чи декадасида 39,4 % ва 3 чи декадасида 18,4 % бола ташлаш регистрация қилинган. Мартнинг биринчи декадасига бориб эса бу кўрсаткич 15,7%га тўғри келган бўлсабошқа вақтларда айрим-айрим бола ташлашлар кузатилган.

Гударку, Ионнке, Дречич ва Водаричларнинг аничлашича бўғозликини охиргиёй 1 мартадан 25 мартача 824 бош она совлиқдан 41 бош ёки 4,91 % ҳайвон бола ташлаган, 57 қўйдан ўлик қўзилар туғилган ёки туғилишини 1 чи куни ўлган.

Д.Н.Набиев ва М.Д.Раджабовларни аниқланишича қўйларда сальмонеллёзли бола ташлаш фақатгина қиши-баҳор мавсумида кузатилган бошқа ойларда бундай ҳолат такрорланмаган

Касалликнинг манбай

Сальмонеллёз ткасаллигининг асосий манбай бўлиб, касал ва касалланган ҳайвонлар ҳисобланади.

Касалланган бузоқлар ташқи муҳитга бурундан оқаётган суюқлик, сийдик, сўлак ва бошқалар билан доимий равишида сальмонеллёз касаллиги қўзгатувчисини чиқаради ва тўшама, бино деворлари, асбоб-ускуналарни, бошқарувчиларни кийим-кесчакларини ифлослантиради.

Бундан ташқари сальмонеллёз касаллигини тарқалишида касалликни ташувчи ҳайвонлар катта роль ўйнайди. Бўлар узоқ муддат сальмонеллёз қўзгатувчиларини ташқи муҳитга тезак, сийдик, қиндан оқаётган суюқлик ва айрим холларда сут билан ажратиб чиқариб туради.

Кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича бузоқлар асосан сальмонеллёз касаллиги қўзгатувчиси билан озиқа ва сув орқали заарланади. Уларнинг

маълумот беришича шаҳар ва қишлоқларда оқава сувларни заарсизлантириш имкониятлари ханузгача мавжуд эмас.

Адабиёт маълумотларидан маълум бўлишича йилнинг турли мавсумларида гўшт комбинатидан чиқаётган оқава сувларни текширишлар натижасида маълум бўлганки 61 та олинган намунанинг 60 тасидан (98,3 %) сальмонеллалар топилган, бошқа бир 2 чи комбинатдан олинган 80 та намунадан 48 тасида сальмонеллёз қўзғатувчиси топилган. Топилган сальмонеллалар турли серологик типларга мансуб бўлган.

W.Adam, W.Winchle, W.Adamларнинг маълумот беришича Германияда сальмонеллалар билан заарланиш 11-36 % кит гўшти, қон ва суяк унига тўғри келади.

W.Muhlenbergнинг таъкидлашича эса Германияда 70 % ҳолларда балиқ уни сальмонелла сақловчи ҳисобланади. А.А.Полянов ва И.Г.Усачевалар ушбу ҳолатдан келиб чиқиб 42501 та турли мамлакатлардан келтирилган намуналарни текширганда 484 намунадан сальмонеллала топилган бўлса, 5037 соя унидан олинган намуналарни 50 тасида сельмонеллалар топилган.

Турли озиқалардан олинган намуналарни текшириш тажрибалардан аниқланишича умуман уларда 49 та сальмонелла штаммлари топилган, улардан 32,7 % *S.gallinarum-pullorum*ga, 30,6 % *S.dublin* 12,2 % *S.decby* ва *S.mission*ga, 6,1 % *S.cholerae-suis*ga, 2 % *S.heidelberg*, *S.cholerae-suis* Kunzendor ва *S.Virchow*га тўғри келган. Сальмонеллаларни организмдан ажралиш нисбатини ўрганиш мақсадида 286 бош сигирдан қон, 196 бошидан тезов, 85 тасидани сут, 89 тасидан қин ва хомила олди суюқлигидан, худди шундай сальмонеллёз билан касалланган бузоқлардан ҳам материал олиб текширганда натижада энг кўп сальмонеллалар мезин билан ажралиши маълум бўлган. Қолган ҳолларда қин суюқлиги, ҳомила олди суюқлиги ва сут билан ажралиши жуда кам ҳолларда кузатилган. Бундан маълум бўладики, бузоқларни ўстириш даврида сальмонеллалар билан заарланиш эмадиган бузоқларга сут орқали эмас, ифлос елин орқали ўтади. Бундан ташқари соғлом пайтида тезак билан сутни ифлосланиши ёки сут соғиладиган идишларни тезак билан ифлосланиши ҳам касалликни тарқалишига имкон яратади.

Каратен ўзининг монографиясида ёш ҳайвонларни сальмонеллалар билан заарланиши амфологен ёки она қорнида киндик орқали амалга ошиши тўғрисида маълумот беради. Шундай экан киндик йўли сальмонеллаларни ёш организмга кириш учун дарвоза деб айтади.

Ҳомилани она қорнида сальмонеллалар билан заарланиши Козмиская, Захаров ва бошқалар ўрганишиб бориши навбатда киндик орқали заарланиш бўлишини яъни ҳайвон боласи туғулгунча сальмонеллалар билан заарланиб бўлишини бошқа ҳоллар сут билан, озуқа билан касал ҳайвон билан бевосита алоқада бўлиш ҳоллари 2 чи даражали экинлигини таъкидлайди. Сальмонеллёз касаллигининг мавсумийлиги ҳам шунга боғланади яъни ҳайвонларни ёмон шароитда қишлиши ёки баҳордаги озуқа етишмаслиги баҳор ва ёз ойларида туғилган бузоқларда сальмонеллёз касаллиги билан касалланишига шароит яратади.

## **Назорат саволлари:**

1. Бруцеллез касаллиги кўзғатувчиларин айтиб беринг
2. Бруцеллезнинг қайси тури одам учун хавфли ва сабаби нимада?
3. Сил касаллигнинг олдини олиш учун ўтказиладиган тадбирларни санаб беринг
4. Туберкулез кўзғатувчиси қайси ички органларда кўпроқ учрайди?
5. Салмонеллез қайси ҳайвонларда кўпроқ иқтисодий зарар келтиради?

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Tobias Schwarz – Veterinarycomputed tomographi -2011 Германия
2. P. J. Quinn - Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. – 2012. Australia
3. Charles M. Hendrix- Diagnostic Veterinary Parasitology.2013 United Kingdom.

## **Сайтлар:**

1. Domen.[www.vkb.ru](http://www.vkb.ru).
2. Forum.vetdoefor.ru

## **3- мавзу: Гемморагик иситма, куйдирги, қутириш касалликларни олдини олишнинг замонавий усуллари**

### **Режа:**

- 3.1. ҚКГИ касаллиги ҳақида умумий маълумотлар.
- 3.2. Касалликнинг юқиши механизмлари.
- 3.3. Куйдирги касаллигини олдини олиш чоралари.
- 3.4. Қутириш касаллиги ва унинг ижтимоий асоратлари.

**Таянч иборалар:** геморрагия, иситма, иксод ва аргас каналари, инфекция, микроб, антракс, куйдирги, иситма, пифакчалар, гидрофобия, қутириши, касаллик, вакцина, эпизоотия, диагноз, клиник, бактериологик, вирусологик.

### **3.1. ҚКГИ касаллиги ҳақида умумий маълумотлар.**

Крим – Конго геморрагик иситма касаллиги тўғрисида  
Вирусли геморрагик иситмалар таснифи

<i>Гурұхлар</i>	<i>Касалыклар номлари</i>
I. Каналар орқали юқадиган ВГИ	Крим, Омск, Къясанур геморрагик иситмалари
II. Чивинлар орқали юқадиган ВГИ	Сариқ иситма, Чукунгунья Денге, Рифт водийси геморрагик иситмалари
III. Контагиоз ВГИ	Буйрак синдроми билан кечадиган ГИ, Аргентина, Боливия, Ласса, Эбол, Марбург геморрагик иситмалари, Макак, Кийик эпизоотик ГИ ва бошқалар.

Каналар – ҚКГИ вируснинг асосий резервуарлари ва ташувчилари

Hyalomma



Dermacentor



Ixodes








### 3.1. Касалликнинг юқиши механизмлари

ҚКГИни асосий юқиши йўллари






### ҚКГИнинг айрим эпидемиологик хусусиятлари

- Мавсумийлик – апрел-июл ойлари, касаллик асосан қирқим даврида рўйхатга олинади
- 20-60 ёшдагиларда кўпроқ учрайди
- 85-90 фоиз ҳолатларда эркаклар касалланади
- Аксарият ҳолларда айрим касб эгаларида учрайди (чўпонлар, мол боқарлар, қирқимга жалб этилганлар, чўл зонасида ишлайдиган бошқа касб эгалари, ветеринария ва тиббиёт хизматлари ходимлари)


Кўз склерасига қон қўйилиши



Милқдан қон кетиши



Ошқозондан қон кетиши



Ичақдан қон кетиши



## Профилактикаси

- I. Ветеринария тадбирлари: Қишлоқ хұжалик ҳайвонларини канага түлиқ текшириш, канага қарши ишлов бериш, моллар ётган жойларда дезинсекция тадбирларини үтказиш
- Қишлоқ хұжалиги ҳайвонларини миграцияси устидан қатъяян ветеринария назорат үрнатиш



- II. Тиббий тадбирлар: Тиббиёт ходимларини, айниқса табиий үчоқлы худудлардаги ДПМ ходимларини билим савияси ва хүшёргигини ошириш
- Лаборатория мониторингини олиб бориш

- ҚКГИни шифохона ичи инфекцияси сифатида қайд этилишининг олдини олиш бўйича эпидемияга қарши режимларга қатъян амал қилиш
- СНП иш фаолиятини қучайтириш
- Аҳоли ўртасида санитария-тарғибот ишларини кенг кўламда ўтказиш

Крим-Конго геморрагик иситмаси касаллигини олдини олиш борасидаги муаммолар

- Республиkaning салкам 3/2 майдони ҚКГИ касаллиги бўйича табиий ўчоқли худудлар ҳисобланади
  - Майда шохли моллар миграцияси кўлами борган сари ошиши натижасида иксод каналарининг кенг тарқалиши кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида ҚКГИ касаллиги қайд этилаётган худудларнинг кенгайишига олиб келмоқда
    - Қирқим мавсумида қирқим ишлари марказлашган холда ташкил этилмаслиги. Қирқимга вақтинчалик жалб этиладиган ишчилар устидан назорат йўлга қўйилмаганлиги
    - Табиий ўчоқли худудларга эга бўлган туманларда ҚКГИ эпидмавсум олдидан ва эпидмавсум даврида чорва молларини канага қарши ишлов бериш (дезинсекция) ишлари учун дезинсекция воситалари билан қониқарсизлиги

### **3.5. Куйдирги касаллигини олдини олиш чоралари**

- Куйдирги – ўткир кечувчи ўта хавфли юқумли касал-лик бўлиб, у билан барча турдаги қишлоқ хўжалиқ, уй ва ёввойи ҳайвонлар касалланади ва у одамлар-га асосан ҳайвонлар орқали енгилгина юқади.
  - Касалликни организмда ва маҳсус озуқа муҳитларда капсула, ташқи кислородли муҳитда эса спора ҳосил қилувчи микроб-бацилла қўзғатади.

Ўлган, аммо ёрилмаган ҳайвон мурдасида кислород бўлмагани учун спора ҳосил бўлмайди

Долзарблиги

- Ҳар йили дунёда ўртача 160 минг куйдирги ўчоғида қарийб 2 млн бош ҳайвон нобуд бўлади. **40 минг киши** ҳайвонлар маҳсулотлари орқали куйдирги билан касалланади.

- ХЭБ берган маълумотлар бўйича куйдирги ер юзининг барча қисмларида ҳайвонлар орасида кенг тарқалиб, чорвачиликка катта иқтисодий зарар келтиради.


- Ер юзида рўйхатга олинган куйдиргининг 42,6% Европа, 18,6% Америка, 8,8% Африка ва 30,5% Осиё қитъаларига тўғри келади.

- Ўзбекистонда 1-маъл. 1869 й. Туркистон ҳ.о. Сирдарё вилояти худудида 5 бош отда қайд қилинган. Ўзбек олимлари маълумотлари бўйича 1930-1970 йиллар давомида 4,5 минг стационар носоғлом пункт рўйхатга

олинган. Касалланган ҳайвонларнинг 59,5 % ни қўй-эчки, 29,6% ни қорамол, 7,5% ни чўчқа, 2,8% ни от ва 0,3% ни туялар ташкил этади.

#### Касаллик қўзғатувчисининг чидамлилиги

- Куйдирги қўзғатувчисининг спорасиз шакли ташқи муҳит таъсиrlарига нисбатан чидамсиз. Қўёш нурида 60<sup>0</sup>C дан юқори ҳароратда, чириган мурдада ва кучсиз дезинфекторлар таъсирида тез фаолсиз-ди.
- Пенициллин, биомицин, стрептомицин, левомицетин ва тетрациклин каби антибиотикларга чидамсиз.
- Куйдирги қўзғатувчисининг спорали шакли ташқи муҳит таъсиrlарига жуда чидамли.
- Тупроқда 80 йил ва ундан кўпроқ муддатларда ўзининг касаллик қўзғатиш қобилиятини сақлайди.
- 100-110 С ҳароратга чидамли, паст ҳарорат, ошқозон шираси унга умуман таъсир этмайди.
- 3% ли креолин, 5-10%ли уювчи натрий, 10-20% ли хлорли оҳак, 3-5 % ли формальдегид билан дезинфекция қилинса, қўзғатувчига яхши таъсир этадива уни фаолсизлантиради.



#### Эпизоотологияси

- Касалликка энг сезгир қорамол, қўй-эчки, от, эшак, тuya, кийик ҳисобланади. Қорамоллар касалликнинг 69% ни ташкил этади, ундан кейин қўй-эчки туради.
- Чўчқа камроқ мойил. Гўштхур ҳайвонлар, жумладан ит, мушукнинг сезгирлиги паст, фақат катта дозада заарлантирилса касалланади.
- Айик, шер, бўри, фил ва бошқа ёввойи ҳайвонларнинг касалланиши тўғрисида маълумотлар мавжуд.
- Денгиз чўчқалари, оқ сичқон ва қуёнлар тез касалланади.
- Касаллик қўзғатувчи манбаибўлиб касал ҳайвон, унинг ахлати, сийдиги, сўлаги билан ажралган бактериялар – кислородли муҳитда спорага айланади ва спора билан ифлосланган ташқи муҳит предметлари (тупроқ, хашак, дон маҳсулотлари, яйловлар, сув хавзалари ва х-золар) касаллик ўчоқлари ҳисобланади.

- Баъзан бошқа жойдан келтирилган куйдирги билан касалланган ҳайвон маҳсулотлари: гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тери, жун, суяқ ва гўшт уни ҳам касаллик манбаи бўлиши мумкин.

• Куйдиргининг тарқалишида к-кдан ўлган ҳайвон ётган жой, яйлов, сув хавзаси катта роль ўйнаши мумкин. Ўлган ҳайвонлардаги касаллик қўзгатувчиларини йиртқич ҳайвонлар, қушлар ва гўшт чивинлари бошқа ҳудудларга тарқатади.

• Носоғлом ҳудудлардан йифилган хашак ёки касал мол экскрементлари билан ифлосланган сув ҳам касаллик тарқатувчи омилга айланиши мумкин.

• Касаллик қўзгатувчиларни кўп ҳолларда қон сўрувчи ҳашоротлар ва кемиравчилар узокларга тарқатиши мумкин.

• Куйдиргидан илгари вақтларда ўлган ва кумилган жойлардан каналлар қозилиши, қурилишлар қилиш, сел келиши ва бошқа табиий оғатлар натижасида касаллик бошқа жойлар-га, мойил ҳайвонлар орасида тарқалиши мумкин.

#### Касалликнинг кечиш шакллари

- Касалликнинг яширин даври-1-3 кун.
- Септик ва карбункулез.
- Карбункулез (терида) кўпроқ қорамолларда, 25% отларда.
- Ичак.
- Ангиноз, атипик (чўчқаларда).
- Ўпка
- Шиддатли(ўта ўткир), ўткир, ярим ўткир, сурункали.
- Шиддатли кечганда ҳайвоннинг тўсатдан нафас олиши оғирлашади ва бурун бўшлиқларидан қонлиқўпик ажralабошлайди. Ҳайвон ҳолсизланиб ҳушини йўқотади ва 1-2 соат орасида ўлади.

- Бундай кечиш кўпроқ қўй, эчки ва қорамолларда учрайди.
- Агар ҳайвон тўсатдан ўлса ёки мажбурий сўйилса.
- Юзада жойлашган тешиклардан (бурун, орқа, жинсий аъзолар) қон чиқса.

• Қон ва мурда қотмаса албатта куйдиргига гумон қилиниши ва унга текширилиши керак.

• Касаллик қўзгатувчиси кислородли муҳитда **спорада ҳосил қилмаслиги учун ҳайвонни ёриши тақиқланади.**

#### Текшириш учун патологик материал олиш

• Юзада жойлашган табиий тешиклардан чиқсан қондан ёки ўлган ҳайвоннинг пастки қулогининг четки қон томиридан буюм шишачага суртма тайёрланади.

• Қон суртмаси ўрнига ётган ҳайвон мурдасини пастки қулогини икки жойидан боғлаб ўртасидан кесиб **қулоқнинг учини** олса ҳам бўлади.

• Бунда ерга қон томишига йўл қўйилмаслиги ва кесилган жой (икки томони) албатта қиздирилган темир билан куйдирилиши шарт.

#### Касалликка диагноз қўйиши

- Клиник белгиларга (тана ҳароратини тез ошиши ( $41\text{-}42^{\circ}\text{C}$ ), нафас олишнинг ва юрак ўришининг тезлашиши, ҳолсизланиш, ҳайвоннинг бурун тешигидан қонли қўпик, орқа тешиклардан қон оқиши ва унинг ивимаслиги).

• Ўлган ҳайвон гавдасидаги ўзгаришларга (мурданинг қотмаслиги ва тез шишиши, табиий тешикларда қотмаган қон кузатилиши, тез фурсат орасида ҳайвоннинг ўлиши, қоннинг қуюқ ва қорароқ бўлиши - дегтга қора дорига ўхшалиши).

- Бактериологик текшириш.

#### Диагностика

- Эпизоотологик маълумотлар
- Клиник белгилар
- Мурдадаги ўзгаришлар.
- Бактериологик текширишлар.
- Микроскопия – капсулали таёқчалар
- Тоза культура ажратиш
- Биопроба

#### Профилактика

- СТИ вакцинаси - 45 йил ишлатилди – имм-т 1 йил.
- №55 штаммидан тайёрланган вакц. – имм-т 1,5 йил
- Куйдиргини олдини олиш учун бацилланинг 55 штаммидан тайёрланган ушбу касалликка қарши вакцина билан барча мойил ҳайвонлар (бузоқлар 3 ойлигидан бошлаб 1-марта, 6 ойдан сўнг 2-марта ва барча ёшдаги катта қорамоллар ҳар йили 1 марта 1мл дозада, қўзи, улоқлар 3 ойлигидан бошлаб 1-марта, 3 ойдан сўнг 2-марта ва барча ёшдаги катта қўй-эчкилар ҳар йили 1 марта 0,5 мл дозада ва чўчқалар ҳам 3 ойлигидан бошлаб 1 мл дозада) тери остига эмланади.

#### Касалликка қарши кураш тадбирлари

- Куйдирги касаллигига диагноз аниқланиши билан ветеринария мутахассиси дарҳол бу ҳақда туман ветеринария бўлимини ва санитария эпидемиология назорати ходимини хабардор қилиши зарур. Касаллик аниқлангандан сўнг у тўғрисида далолатнома ёзилиб туман хокими қарори билан **карантин қўйилади**.

- Ўчоқдаги ҳайвонларнинг тана ҳарорати ўлчанади.
- Касаллар ҳайвонлар даволанади, соғломлари вакцина билан эмланади.

Соғлом, аммо заараланганига гумон қилинган ҳайвонларни сути қайнатилади, касаллардан олинган сут йўқотилади.

#### Карантин шартларига мувофиқ:

- Тақиқланади
- Носоғлом худуддан бирор турдаги ҳайвонларни, транспорт воситасини ўтиши;
- Гўшт, сут маҳсулотлари, тери, жун, озуқа ва бошқа нарсаларни чиқиши ва кириши;

- Носоғлом ўчоқда соғ ҳайвонни гүштга сўйиш, ўлган молни ёриб кўриш, терисини арчиш, ҳайвон-ларни гурухга тўплаш, уларни сотиш, алмаштириш;
- Молбозорлар ёпилади, кўргазмалар ташкил этилишига йўл қўйилмайди.
- Ўлган ҳайвон ётган жой 15-20 см чуқурликда ковланиб, 20% ли хлорли оҳак эритмаси билан аралаштирилади ва 2 метр чуқур қазиб кўмилади.
- Уша жой бетонланиб устига «Куйдирги» ва сана ёзиб қўйилади. У ер туманнинг хўжалик ерларидан фойдаланиш картасига киритилиши керак.
- У ерда қурулиш, мелиоратив ишлари олиб бориш тақиқланади. Колдиқ ҳашак, гўнг ва бошқа чиқандилар куйдирилади.
- Касал ҳайвонлар тўрган жойлар 10% ли иссиқ уювчи натрий, 4% ли формальдегид билан дезинфекция этилади
- Охириги касал ҳайвон ўлгандан ёки тузалгандан 15 кун кейин ва ўчоқда якуний дезинфекция ўтказилгандан кейин карантин олинади.

### **3.4. Қутириш касаллиги ва унинг ижтимоий асоратлари**

Қутириш – инсонлар ва ҳайвонларнинг табиий ўчоқли вирус касаллик бўлиб, асосан уст эмизувчилар орасида кўпроқ тарқалган. Касаллик итсимонлар оиласига мансуб ҳайвонларнинг тишлиши натижасида ёки сўлаги тегши орқал юқиши мумкин. Касалликнинг сабачиси бўлиб қутириш вируси ҳисобланади. Касаллик кўзғатувчиси рибонуклеин кислотасини сақловчи нейротроп вирус бўлиб ҳайвонлар ва ўсимликларни заарлайди, бу вирус табиатда узоқ асрлардан бери сақланиб келмоқда. Бу вируснинг яқин қариндошлари – отларнинг, йирик шохли ҳайвонлар ва чўчқаларнинг хавфли касаллиги везикуляр стоматит касаллигини чақиради, бунинг натижасида оғиз бўшлиғида шишлар пайдо бўлиши, туёқ ва елинларнинг заарланиши, бўлар билан бир қаторда африка ва Австралияда учрайдиган йирик шохли ҳайвонларнинг эфимер лихорадкасини чақиради. Бўлар қаторига умуртқасизларнинг вируслари хам киради. Қутириш касаллиги зооноз касаллик ҳисобланиб (ҳайвондан одамга юқади) вируслар чақиради. Касаллик уй ва ёввойи ҳайвонларнинг бир бирига контакт орқали, сўлаклар тегиши, яралар ва тишлиш орқали юқади.

Қутириш касаллиги бошқа инфекцион касалликларга нисбатан кам бўлса ҳам, лекин ер шарининг ҳамма ерида учраб турайди. Таббий шароитда қутириш касаллиги асосан сут эмизувчилар кўпинча эса итсмионлар оиласига мансуб ҳайвонлар касалланади. Уй ҳайвонлари ичидаги қутириш билан энг кўп касалланадигани йирик шохли ҳайвонлар бўлиб (55% гача), кейинги ўринда итлар (27% гача), майда шохли моллар (11%), чўчқалар (5%) отлар(2%) ни ташкил этади. Қутириш касаллиги

асосан йилнинг бошида (январ-май) ойларида учрайди. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида қутириш касаллигининг тарқалишида ёввойи йиртқич ҳайвонлар асосий ролни ўйнайди. Ҳайвонларнинг қутириш касаллиги билан заарланиши касал ҳайвоннинг соғлом ҳайвонни тишлаши, заарланган терига ёки шиллик пардаларига касал ҳайвоннинг сўлаги тегиши орқали юқади. Қутириш касаллигининг яширин даври ҳайвонларда 1-2 ой (90% ҳолат) кам ҳолатда б ойгача чўзилиши мумкин. Касалликинг юзага чиқиши заарланган ҳайвоннинг ёшига (ёш ҳавонларда камроқ), тишланган жойига, яранинг чуқурлиги ва катталигига (чуқур, кўп, катта яралар, бош қисмига яқин жойдаги тишланган жойлар бўлса тезроқ) боғлиқ ҳолда касаллик юзага чиқади.

**Касаллик қўзғатувчиси.** Қутириш касаллиги қўзғатувчиси нейротроп РНК сақловчи вирус бўлиб *Neuroiuctes rabid*, миксвирус гурухи, *Lyssavirus* авлодига, *Rhabdovtridae* оиласига киради. Вируснинг шакли винтсимон бўлиб катталиги 90-170 дан 110 – 200 нм. гача бўлади.

Табиатда (ёввойи) сут эмизувчи ҳайвонлар учун хавфлироқ бўлган ва фикс (лаборатория) вируси яъни қуёнлар организмида пассаж қилинган қутириш вируси. Ит ва мушуклар қутиришини ҳар хил серотипларга мансуб бўлган вируслар чақириши мумкин. Касаллик қўзғатувчиси паст ҳароратларга чидамли бўлиб бу уларни консервация қилиб қўяди. Чириётган материалда вирус 15 кундан кейин, (1998 й. В.Н.Сюрин ва бошқалар маълумотига кўра) 70°C да инактивация учрайди. Қутриш вирус қўзғатувчиси кимиёвий дезинфекцияловчи моддларга чидамли бўлади.

Вирус фенолга, музлатишга ва антибиотикларга нисбатан чидамли бўлади. Кислоталар, ишқорлар, қиздириш (56°C да 15 минутда инактивацияга учрайди, қайнатишда 2 минутда). вирусни парчалайди. Ултрабинафша ва қуёшнинг тўғри тушган нурларида қуритишда тезда ўлади. Сулеманинг (1:1000), лизолнинг (1-2%), корбол кислотасининг (3-5%), хлораминнинг (2-3%) эритмаларида тезда инактивацияга учрайди.

Касаллик нейротроп вирус чақиради ва марказий нерв системасини заарлайди. Вирус барча сут эмизувчилар ва паррандалар учун ҳам патоген бўлади. Вируснинг табиатда учрайдиган ва лаборатория шароитида тайёрланган турлари фиксвируслар бўлади. Фикс вируслар сўлак билан ажралмайди ва тишланган вақтда касаллик тарқалмайди. Бу вируслар ҳар хил тўқимлар култураларида (бирламчи трипсинланган, одамнинг диплоид тўқималарида ҳужайраларида ва хомякнинг эмбрион фибробластларида) кўпаяди, адаптациядан кейин товуқ ва ўрдак

эмбрионларида антирабик вакцина олиш учун фойдаланилади. Вируснинг хужайрага кириши адсорбцияланган эндоцитоз йўли билан амалга ошади – бунда вирион қўшимчалар сингари, мембрана билан ўралган, лизосим таркибида микротрубкачаларда адсорбцияланган бўлади.

## Бешенство: симптомы и лечение

Бешенство – природно-очаговая вирусная инфекция животных и человека



**Возбудитель** – нейротропный вирус, содержащий рибонуклеиновую кислоту. Может содержаться в слюне, слезах, моче

**Переносчики**



волки  
лиси (основной резервуар инфекции)



шакалы  
барсуки



еноты  
летучие мыши

**Собака**

Основная форма болезни – буйвальная. Продолжительность 6-11 суток



В начале заболевания животное прыгает, избегает людей, либо ласкитается, пытается лизнуть

В середине болезни животное возбуждено, яростно хватает предметы, стремится сорваться с привязи

В последней стадии животное не двигается и погибает в состоянии комы

**Человек**  
Проявления болезни



Гибнут от бешенства (человек в год)

В России

55 000

В мире  
(в основном в Африке и Азии)

+10

Что делать при укусе

в течение 10 минут интенсивно промыть место укуса струей мыльной воды.

обратиться в ближайший травмпункт, провести курс прививок

**Нельзя**

прижигать раны

накладывать швы

РИА НОВОСТИ © 2009

**Brain inflammation**



Virus transmitted by infected saliva through bite or wound



Заарланган тери орқали организмга тушган кутириш касаллиги вируси барча асаб толалари бўйлаб тарқалади ва мраказий нерв системасига қараб харакат қила бошлайди, мраказий асаб системасига етганидан кейин яна марказдан узоклашиб асаб тоалари орқали периферик

асаб тлаларига қараб ҳаракатлана бошлайди ва барча асаб толалпарини заралайди.

Шу ҳаракатлар натижасида касаллик вируси сўлак безларига тушади ва касалдан сўлак орқали ташқи муҳитга ажрала бошлайди. Вируснинг нейроген тарқлашни нерв толаларини боғлаб қўйилиб тажриба ўтказилганда касаллик вируси тарқалишининг олди олинган. Худди шу йўл билан вируснинг марказдан тарқалиши яъни иккинчи фазаси ҳам аниқланган. Вируснинг нерв тўқималари орқали организмга тарқалиш тезлиги соатига 3 мм ташкил этади. Гипотезаларнинг бирига кўра қутириш вируси периферик нерв системаси аксолазмасида маркзий нерв системасига организмнинг электромагнит майдонининг таъсирида вирионларни салбий заарлайди.

Қутириш касаллиги вируси тарқалишининг яна битта гиотезаси шуни кўрсатадики маркзий нерв системасига келаётган вирус периферик нерв системасидаги аксолазма орқали организмнинг электромагнит майдонида вирионлар салбий зардланишини кўрсатади (Anna N., 1984). Тажрибаларда сичқонларни электр майдони таъсирида уларнинг бош миясига, панжаларига эса ижобий таъсир этиш орқали даволаш эфектига яъни салбий электродларни фиксация қилиш орқали эришилганлигини кўрсатади. Шу тажрибани тескарига ўтказилганда инфекциянинг ривожланиши кузатилади. Шу билан бир қаторда инфекциянинг гемотоген ва лифоген усулларда ҳам организмга тарқалишини айтиш лозим бўлади. Яна шуниси қизиқки қутириш касали вируси аминокислота ва гликопротеидларнинг кетма кет жойлашувига кўра илон захрига ўхшаш бўлади, бу эса ацетилхолин рецепторларини сараланган ҳолда боғлайди. Шу ҳолати билан қутириш вирусининг неротроплиги асосланади. Вирус нерв тўқималарида (бош ва орқа мия, сипатик ганглюялар, буйрак усти безининг нерв тугунларида ва сўлак безларида) кўпайиши уларда характерил ўзгаришлар келтириб чиқаради (шиш, қон қуилишлар, нерв тўқималарининг дегенратив ва некротик ўзгаришлари). Нейронларнинг бузилиши бош мия қобиғида ва миячада, кўринадиган бурмаларда, бурмалар атрофида, қора таначада, бош суюк нервлари ядросида, ўрта мияда, мия кўприкчасида ва базал ганглюяларида, кузатилади. Лекин энг кўп ўзгаришлар узунчоқ мияда ва миянинг IV ошқозончаси туб қисмида кузатилади. Заарланган тўқималар атрофида лимфоцитар инфильтратлар пайдо бўлади. Заарланган мия тўқималарининг цитоплазмасида (кўпинча аммон шохларининг нейронларида) оксифил қўшимчалар (Бабеш-Негри таначалари) пайдо бўлади, бўлар эса ўзининг маҳсулотлари яъни қутириш вирионларининг йиғилишига олиб келади.

**Касалликнинг кечиши ва симтомлари.** Қутириш касаллигининг юқиши йўлларининг асосийси контакт орқали бўлиб; касал ҳайвоннинг

бошқа ҳайвонни тишилаши натижасида ёки соғлом ҳайвонни ялаганда унинг шиллик пардаларига (эрозия, кичик яралар ва бошқалар) сўлаги билан ўтади. Лекин ҳамма тишлиланган ҳайвон ёки одам қутириш билан касалланмаслиги мумкин, сабаби касалликнинг яширин кечиш вақтида сўлакда қутириш вируси бўлмаслиги мумкин.

Касалликнинг (инкубацион) ривожланиш даври ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпинча бу вақт уч хафтадан уч ойгача чўзилиши мумкин. Лекин инкубацион даврнинг уч кун ва уч йилгача ҳам чўзилган ҳолатлар қайд этилган.

**Клиник қўриниши бўйича:** одамларда қутиришнинг қўйидаги қўринишлари кузатилади: 1) нерв системасининг сўниш босқичи, бир неча соатдан 2 кунгача чўзилиши мумкин; 2) қўзғалиш босқичи, галюцинация безовта ҳаракатланиш (4 кундан 7 кунгача чўзилади) ва 3) паралич босқичи (бир неча соатдан 2-3 кунгача) ўлим билан тугайди. Яширин (инкубацион) даври одамларни ҳайвон тишиланган ёки сўлак теккан вақтдан ҳисобланганда биринчи клиник қўринишлари 15 кундан 55 кунгача бўлган вақт оралиғида кузатилиши мумкин. Биринчи вақтда тишлиланган жойда сирқираган қаттиқ оғриқ кузатилади, бу оғриқ яранинг усти ёпилиб бита бошлагандан кейин ҳам давом этиши мумкин. Касал одамнинг кайфияти тушкин, уйқуси нотинч бўлади. Ҳар хил галюцинация (кўзига ҳар хил нарсалар қўриниши) – эшитиш, овоз, хид билишида ҳар хил хавфларни сезгандай бўла бошлайди.





Касалланган одамда клиник блегиларида юзага чиқа болаганида 2-3 кунидан бошлаб гаплари қовушмади, галюцинация кучая бошлайди, касал ётган жойида ўзини у бу томонга ташлайди ёки номаълум томонларга чопа бошлайди. Қалтироқ (приступлари) тутқаноқлари касаллик жўрайиши билан кучая боради. Кўп миқдорда сўлак ажаралиши кузатилади. Тезда оёқ ва қўлларнинг параличи кузатилади, юрак параличи юзага чиққандан кейин касал ўлади. Касалликнинг юзага чиққанидан охирига қадар тана ҳарорати ўзгармайди ёки камгина ( $37,3$ — $37,4^{\circ}\text{C}$ ) кўтарилади.

Бошқа ҳайвонларга нисбатан қутириш касаллигининг клиник белиглари итларда яхши ўрганилган.

Вируснинг тарқалишига кўра марказий нерв системасида прогрессив кўпаяди, бош мия ва орқа миянинг ўлимга олиб келувчи яллиғланиши кузатилади. Итларда қутиришнинг бешта клиник шакли кузатилади.

1) Абортив шакли. Касалликнинг ҳамма шаклида ва ҳар хил босқичида (асосан иккинчи даврнинг бошида) касалликнинг бирдан тўхташи кузатилиши мумкин. Қутиришнинг абортив шакли ҳали яхши ўрганилмаган ва шу сабабли ушбу шакл патогенезини ўрганиш (бирламчи типик кўринишлардан кейин соғайиш кузатилади) катта қизиқиш уготади.

2) Қайтиш (ремитириация ёки интермитирация) шакли. Бу шаклда касаллик соғайгандек бўлиб туради ва яна касалликнинг клиник белгилари юзага чиқиб қутириш юзага келади. Бу ҳолатлар икки уч мартағача 2-3 кунда, айрим ҳолларда эса 2-3 ҳафтагача қайталаниши мумкин. (вақтинчалик яхшиланишдан кейин ҳайвон ўлади).

3) Касалликнинг ярим ўткир кечиши билан характерланувчи *атипик* шакли; бунда қўзғалиш ҳолати кузатилмайди. Касал ҳайвон кучли озишга учрайди, ҳарактлантирувчи мушаклар атрофияга учрайди ва гоҳида гастроэнтерит кузатилади.

- 4) Кўзғалиш (Безовта) шакли новбати билан уч хил босқичда ўтади:
- 1) тинч ёки мелонхолик
  - 2) қўзғалиш ёки маниакал
  - 3) паралитик ёки депрессив

#### **Назорат саволлари:**

1. ҚҚГИ касаллигини ташувчи ҳайвонларни санаб беринг
2. ҚҚГИ касаллигини профилактикасида нималарга асосий эътиборни қаратиш керак?
3. Қутириш касаллигини тиббиётда қандай профилактика тадбирлари олиб борилади?
4. Қутириш касаллигига қарши қандай вакциналар самарали ҳисобланади?
5. Куйдирги касаллигини нима учун “Сибир яраси” дейилади?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Tobias Schwarz – Veterinarycomputed tomographi -2011 Германия
2. P. J. Quinn - Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. – 2013. Australia
3. Charles M. Hendrix- Diagnostic Veterinary Parasitology.2013 United Kingdom.

#### **Сайтлар:**

1. Domen.[www.vkb.ru](http://www.vkb.ru).
2. Forum.vetdoefor.ru

#### **4-мавзу: Трематодоз касалларига диагноз қўйишида чет мамлакатлар тажрибасида кўлланилаётган диагностика усулларидан фойдаланиш.**

##### **4.1. Трематодалар ва трематодозлар. Фасциолёз.**

**Режа;**

- 4.1. Трематода ва трематодозлар таърифи, систематикаси, тузилиши, биологияси.
- 4.2 Фасциолёз – таърифи, тарқалиши, иқтисодий заари, морфологияси, биологияси, эпизоотологияси, патогенези, клиник белгилари, патанатомик ўзгаришлари, диагноз, дифференциаль диагноз, даволаш, қарши курашиш ва олдини олиш тадбирлари.

**Таянч иборалари:** Digenia, monogenia, fasciolata, F.hepatica, F.gigantica, Lymnea ўткир ва сурункали кечиши, тананинг турли қисмларида шишлар пайдо бўлиши, кетма-кет ювиш усули, дертил, 4-хлорли углерод, роленол, режали гельминтсизлантириш.

**Трематодалар яssi чувалчанглар типининг** энг йирик синфи бўлиб, у ўз ичига тўлигича паразитлик йўлига ўтган 5000га яқин турларни олади. Ушбу турларнинг қарийиб ярми балиқларнинг, қолганлариэса бошқа умуртқали ҳайвонларнинг паразити бўлиб ҳисобланади. Қушлар, сутэмизувчилар, шу жумладан, қишлоқ хўжалик ҳайвонларида trematodalarning 5000га яқин тури паразитлик қиласида ва уларда ҳар хил трематодоз касалларини чақиради. Одамлар организмида уларнинг 30 дан ортиқ тури яшайди. Айrim trematodalар билан ҳам одамлар, ҳам қишлоқ хўжалик ҳайвонлари зарарланади.

Трематодалар ўз хўжайнларининг барча ичик органларида, шу жумладан овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон айланиш, айриш, жинсий системаларида, жигарида, ўт йўлларида, ошқозон ости безида, талоқда, кўриш органларида, пешона бўшликларида паразитлик қиласида.

**Трематодаларнинг морфологияси.** Трематодозлар билатерал симметрияли чувалчанглар бўлиб, танаси дорсовентрал йўналишда яссилашган, баргсимон, тилсимон, ноксимон, ланцетсимон, ипсимон, узунчоқ шаклларга эга. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида ва паррандаларда паразитлик қилувчи

трематодаларнинг бўйи 1,8 мм дан 75 мм гача, эни 0,5 мм дан 12-14 мм гача бўлади.

Шистосоматидлар оиласидан ташқари барча trematodalар гермафродий организмлардир. Жинсий органлари мураккаб тузилган. Эркаклик жинсий органлари уруғдонлардан, уруғ йўлларидан, уруғ пуфаги ва циррусадан, урғочилик жинсий органлари эса тухумдондан, тухум йўлидан, оотипдан, бачадонлардан, уруғ қабул қилувчи органдан, Мелис таначасидан ва жинсий тешикдан иборат. Оотипда тухумлар шаклланади ва оталанади, Мелис таначаси махсус безлар ёрдамида тухумларни силжишига ёрдам берувчи, оотип ва бачадонга зарар бўлган махсус суюқлик ишлаб чиқади. Ташқи эркакли ва урғочилик тешиклари бир-бирига яқин жойда, кўпинча сўрғичлар ўртасида жойлашган умумий бўшлиқ – клоакага очилади.

**Трематодаларнинг кўпайиши ва ривожланиши.** Барча trematodalар жинсий ва партеногенетик йўллар билан кўпаяди ва хўжайн алмашитириш йўли билан ривожланади. Шунга кўра улар икки, уч ва тўрт хўжайнли бўлади. Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқ ўжалик ҳайвонларида икки ва уч хўжайнли trematodalар учрайди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалар trematodalар учун асосий, яъни дефинитив хўжайн бўлиб ҳисобланади, ушбу организмларда паразит жинсий вояга етади ва уларнинг охиригача яшайди. Оралиқ хўжайнлар организмида trematodalарнинг личинкалик тараққиётининг бир қисми ёки барчаси кечади.

Сувда ва қуруқликда яшовчи ўпкали қориноёкли моллюскалар trematodalарнинг биринчи оралиқ хўжайнини бўлиб ҳисобланади. Уч хўжайн иштирокида ривожланувчи trematodalарда иккинчи оралиқ хўжайн вазифасини ҳашаротлар ва моллюскалар бажаради. Айрим паррандаларда учрайдиган trematodalар (эхиномастиidlар) да ҳатто бақалар ҳам ушбу жараёнда иштирок этади.

**Қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг фасциолёзи.** Фасциолёз қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида дунёning барча мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда кенг тарқалган ва жуда хавфли trematodoz касалликлари гурухига киради.

Фасциолёз ўткир, сурункали ва аралаш, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ўткир, ҳам сурункали оқимларда кечувчи инвазион касаллик бўлиб, у дастлаб ҳайвонларнинг жигар тўқималарида ёшлиқ даврини, сўнгра эса жигар ўт йўлларида вояга етган даврини ўтовчи ҳар хил турдаги фасциолаларнинг паразитлик қилиши натижасида рўй беради.

Фасциолёз барча турдаги қўйчилик, эчкичилик, қорамолчилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказувчи гельминтоздир. Ундан айниқса қўйчилик хўжаликлари катта талофатга учрайди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистоннинг жанубида фасциолёздан қўйларнинг оммавий равишда нобуд бўлиб кетганлиги кузатилган. Айрим туманларда фасциолёзнинг кенг тарқалганлиги ва иқтисодий зарари туфайли қўйчиликдан воз кечишган ҳолатлар ҳам бўлган. Шунингдек Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида ва

Қорақалпоғистон Республикасида қисқа вақтда бир неча юзлаб қорамоллар ҳам унинг ўткир оқимидан нобуд бўлган.

Фасциолёзга чалинган соғим сигирларнинг сут маҳсулоти 20-35% гача камаяди. Барча ҳайвонларнинг гўшт ва жун маҳсулотларининг микдори ва сифати пасаяди. Сўйилган ҳайвонларда эса энг мухим паренхиматоз орган – жигар истеъмолга яроқсиз деб топилади.

Фасциолёз ижтимоий ахамиятга ҳам эга, чунки унга одамлар ҳам чалинади.

**Кўзғатувчилари.** Фасциолёзнинг кўзғатувчиларининг бирнеча тури мавжуд. Ўзбекистонда уларнинг икки тури тарқалган – *Fasciola hepatica*, (1.1756) ва *Fasciola gigantica* (Cobbold, 1858).


*F. hepatica* космополит тур. Чунки у бутун Дуне мамлакатларида тарқалган. Ўзбекистонда у фақат Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида учрамайди холос. Унинг танасининг узунлиги 20-40 мм, эни 11-13 мм, шакли баргсимон, елка қисмлари ривожланган.

*F. gigantica* иссиқлик севувчи ривожланган фасциола, шу сабабли у иқлими бирмунча илиқ мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистоннинг барча сугориладиган, қисман тоғ олди – тоғ агробиоценозларида тарқалган. Ўзбекистонда ушбу трематода, олдинлари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг тарқалишга эга бўлган. 1970 йиллардан буён унинг кучли ўчоқлари бошқа вилоятларда ҳам пайдо бўлди. Эндиликда эса унинг ареали кенгайиб бормоқда. Шунингдек, *F. gigantica* М.Д.Х. орасида барча Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларда, шунингдек Озарбайжон, Грузия ва Арманистонда кенг тарқалган, Россиянинг эса жанубий минтақасида учрайди.

*F. gigantica* морфологик жиҳатдан тана шакли ва ҳажми билан кескин ажralиб туради. Унинг танаси узунчоқ, вояга етган трематода, у 30,0-75 мм ни ташкил қиласи, эни эса қисқа 6,0-11,0 мм га teng, елка қисми ривожланмаган.

Ҳар икала тур фасциолалар гермафродий бўлиб ҳисобланади. Уларнинг уруғдонлари тананинг орқа қисмида жойлашган ва дараҳтдек шохланган. Бачадон ва тухумдан ҳамда жинсий тешиклар тананинг олдинги томонида ўрнашган. Паразитнинг ён томонларида сарифдонлар мавжуд.

*F. gigantica* биологик ва патогенли хусусиятлари билан ҳам *F.hepatica* дан кескин фарқ қиласи. *F. hepatica* нинг оралиқ хўжайинлари доираси, жуда тор ва Ўзбекистонда у фақат кичик лимнеуд *luminala truncatula* моллюскаси билан чегараланган, *F. gigantica* нинг эса оралиқ хўжайинлари тўрт турга оид лимнейидлардир – *L. auricularia*, *L. bactriana*, *L. subilisjuncta* ва *L. impura*, *F. gigantica* ўткир патогенли фасциола бўлиб ҳисобланади.



**Кўзғатувчиларнинг биологияси.** Фасциолалар биогельминт бўлиб ҳисобланади. Фасциолаларнинг барча тараққиёти 4 даврдан иборат.

1. Эмбриогония даври – ўт суюқлиги орқали ичакка ва ундан ташки мухитга тушган паразитнинг оталанган тухумини сувда, нам жойда ривожланишидан бошланиб, тухум ичида киприкли, пигментли кузчали мирадициянинг етилиши ва уни тухумдан чиқиши билан тугалланади.

2. Партеногония даври – мирадицияни оралиқ хўжайин организмига актив ҳолда танасининг олдинги қисмидаги ҳаракатчан ҳартуми ёрдамида ёриб кириб II-авлод личинка-халтасимон спороциста ҳосил қилишдан бошланади. Спороцистанинг генератив ҳужайралари (партеногенетик тухумлари) дан оталанмасдан эмбрион шарлари, улардан эса халтасимон редиялар пайдо бўлади. Редия хўжайраларидан партеногенетик йўл билан узун думли церкариялар ҳосил бўлади. Аммо бу билан фасциоланинг партеногенетик кўпайиш даври тугамайди. Тажрибаларимизда ушбу жараённи моллюска нобуд бўлгунча давом этиши кузатилган.



3. Цистогония даври – етилган церкариялардан моллюска организмидан сувга ажралиб чиқишидан бошланади ва улардан ўсимликлар ва бошқа предметларга ёпишган паразитнинг юқумли личинкаси –adolескарияларни пайдо бўлиши билан тугалланади. Цистогония даврининг кечиши қуидагича боради: текширишларимзга кўра моллюскадан ажралиб чиқсан церкария думи ёрдамида сузаб, бирор предметга (ўсимликга) ёпишади (сўрғичлари билан) танасини йиғиб ўзидан цистогенли безларини маҳсулотини ажратиб чиқаради ва у билан ўралади. Дум қисми эса ташқаридан қолгач, кучли ҳаракат натижасида қобиқ қисиб қолган жойидан узилиб тушади. Шундан сўнг ички қобиқлар ҳосил бўлади, личинка яъниadolескарияни юқумли ҳолга келиши Билан цистогония даври тугалланади.adolескария бита ташки ва 3 та ички қобиқга эга.

4. Маритогония даври –adolескарияларни дефинитив хўжайинга оғиз орқали юқишидан бошланади ва паразит личинкасини уни жигар ўт йўлларига тушиб жинсий вояга етиши Билан тугалланади.

Хайвонларнинг ошқозон ва ингичка ичагидаadolескарияларнинг қобиқлари эрийди, улардан ажралган фасциола личинкалари ичак қон томирлари жигар тўқималарига тушади, ёки ичак деворини ёриб қорин бўшлиғидан жигар капсуласини тешиб киради.

Жигар тўқималарига тушган *F. hepatica* личинкалари икки ой ва ундан ортиқ, *F. gigantica* личинкалари уч ой ва ундан ортиқ вақт ичида доимий равишда ҳаракатланиб жигар қон томирлари, капсуласи, тўқималарини бузади бўйига ва энига ўсиб, ҳажми катталашиб боради. Шу орада *F. hepatica* нинг ёш шаклларининг бўйи 18,0-19,0 мм га, эни 7,0 мм га, *F. gigantica* нинг шаклларининг бўйи 28-30 мм га, эни 4,0 мм га етади. Бундай йирик ҳажмга эга бўлган фасциолалар жинсий вояга етиш ва кўпайиш учун жигар ўт йўллари деворларини ёриб киради ва у ерда бирнеча йил ҳаёт кечиради.

*F. hepatica* нинг эмбрионал тараққиёт даври, 10-20 кунни, партеногония тараққиёт даври 2-3 ойни, маритогония даври 70-75 кунни ташкил қиласи ёки барча тараққиёт цикли минимум 140 кунга, *F. gigantica* нинг эса барча тараққиёт даври минимум 195 кунга тенг.



**Эпизоотологияси.** Фасциолёз Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган. У асосан, суғориладиган ва

тоголди – тоғ биоценозларида учрайди. Унга барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари чалинади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги фасциолёзниңг қўзғатувчиси *F. gigantica*, унинг оралиқ хўжайинлари *Lymnaca auricularia* ва *L.bactriana* моллюскалариридан. Ҳайвонларнинг фациола личинкалари билан зарарланиши июн-июл ойларидан бошланади, кузда кучаяди ва қишида ҳам қисман давом этади. Фасциолёз кузда ўткир оқимда, қишида аралаш оқимда, баҳор ва ёзниңг биринчи ярмида сурункали ҳолда кечади.

Фасциоланиң юқумли личинкалари ташқи муҳитнинг абиотик омилларига анча чидамли. Қулай шароитда сакланганadolескариялар бир неча ойгача ўз ҳаётчанлигини пичанларда сақлаши мумкин. Фасциологенли учоклардан тайёрланган пичанлар ва шоли сомони ҳамда бозорларда сотиладиган фасциолёзга чалинган ёки фасциола ташувчи ҳайвонлар орқали Ушбу касаллик бир хўжаликдан иккинчи хўжаликга, бир томондан бошқа томонга, бир вилоятдан иккинчи вилоятга, ҳатто бир давлатдан бошқа қўшни давлатга тарқалади. Фасциологенли ўчоклардан сув оқими буйлаб ҳам фасциолёз бир мунча узоқ масофаларга тарқалиши мумкин.

**Патогенези.** Ҳайвон организмига барча ёшдаги фасциолалар кучли патогенли таъсир кўрсатади.

1. Механик таъсир
2. Токсик таъсир
3. Иккиламчи инфекцияларга йўл очиб беради.

**Иммунитет.** Фасциолёзга хос иммунитет деярли ўрганилмаган. Шу нарса маълумки, фасциолёзга барча ёшдаги ҳайвонлар чалинади, аммо унинг янги ўчоклари пайдо бўлган ҳудудларда касаллик жуда оғир кечади. Шунга кўра фасциолёзда ортирилган иммунитет, қисман бўлсада, мавжуд деб ҳисоблаш мумкин.

**Клиник белгилари.** Фасциолёзниң клиник белгилари ҳайвон организмидан паразитлик қилувчи ё шва вояга етган фасциолаларнинг миқдорига, ҳайвоннинг озиқлантириш ва асрар шароитига, шунга кўра унинг умумий ҳолатига, фасциолёзниң қайси оқимда кечишига боғлиқ.

**Кечиши.** Табиий шароитда фасциолезниң уч оқимда кузатилади: ўткир оқимли фасциолез, аралаш оқимли фасциолёз, сурункали оқимли фасциолез. Ўткир оқимли фасциолез ҳайвонларнинг жигар тўқималарида паразитлик қилувчи ёш фасциолалар томонидан, сурункали фасциолез эса жигарнинг ўт йўлларида яшовчи вояга етган фасциолалар томонидан қўзғатилади. Фасциолёзниң аралаш оқими эса ҳар икала ёшдаги фасциолаларнинг бир вақтда паразитлик қилиши натижасида рўй беради.

Ўткир ва аралаш оқимларда кечувчи фасолёз, инвазия интенсивлиги юкори бўлганда, жуда хавфлидир (Б.С. Салимов, Ш. Авезимбетов ва бошқалар).

Майда шоҳли ҳайвонларда фасциолёз уч оқимда кечади. Йирик шоҳли ва бошқа турдаги ҳайвонларда у одатда, сурункали ва аралаш оқимларда руй боради.

Фасциолёзниңг ўткир оқими қисқа вақт ичида ҳайвон организмидә күплаб адолоскарияларни юқиши натижасида содир этилади. Ёш фасциолаларниң тараққиёти даврида ўткир гепатит ривожланади, жигарда кучли қон кетиш рўй беради. Натижада кўзларниңг шиллик пардалари оқаради. Ҳайвон танасининг ҳарорати  $41,0\text{-}41,6^{\circ}\text{C}$  га кўтарилади, юрак ўриши 1 дақиқада 160-180 мартагача етади (тахикардия), нафас олиш ҳам тезлашади, ва у бирмунча юзаки бўлади. Қонли ич кетиш, ич қотиш, дамлаш, безовталаниш, тутқаноқ тўтиш ҳолатидан ҳам кузатилиши мумкин. Кўйларда қорин қисми осила бошлайди, ташқи таъсуротга бўлган реакция сусаяди. Бундай ҳолатда специфик ва симптоматик даволаш амалга оширилмаса ҳайвонларниңг умумий ҳолати ёмонлашиб, тезда ёки тўсатдан нобуд бўлади.

Сурункали оқимли фасциолёзда кўйлар ва қорамолларниң жағости бўшлиғида, кўкрак қисмида, қовоғида, совуқ ва вақтинчалик шиши пайдо бўлади, кўз шиллик пардалари сарғаяди, ҳайвон иштаҳаси пасайиб, озғинлана бошлайди, жунлари қуриб синувчан бўлиб қолади ва енгил сугрилади. Тана ҳарорати бироз кўтарилади, юрак уриши ва нафас олиши тезлашади. Фасциолалар миқдори кўп бўлса бўғоз совлиқлар бола ташлайди. Кўйлар орасида сурункали фасциолёзда ўлим кузатилади.

Қорамолларда сурункали фасциолёзда озғинлаш, сигирларниңг сут маҳсулотини камайиши, бола ташлаш ҳоллари рўй беради. Аммо кўйларга нисбатан уларда касаллик анча енгил кечади ва ўлим ҳолати сурункали фасциолёзда, одатда кузатилмайди.

Аралаш оқимли фасциолёзниң клиник белгилари ўткир ёки сурункали оқимларниң бир-бирига нисбатан устунлигига боғлиқ. Ўткир оқим устунлик қилган фасциолёзниң аралаш оқими оғир кечади, ундаги клиник белгилар ўткир оқимда кечадиган касалликнинг клиник белгиларини эслатади. Сурункали оқим устунлик қилган тақдирда сурункали фасциолёзга хос белгилар намоён бўла бошлайди. Аралаш оқимли фасциолёзда кўйларниңг нобуд бўлиши кўплаб кузатилади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Фасциолёзниңг ўткир оқимидан нобуд бўлган кўйларниңг жигари ўз ҳажмига 2-3 марта катталашади, қонга тўлади, қўнғир тусга киради. Унинг юзаси нотекис бўлиб, ёғсимон фибрин билан қопланади. Жигарда ҳар хил ҳажмдаги яралар ва ёш фасциолалар учрайди. Жигар консистенцияси қаттиқ ҳолга келади, циррозга учрайди, қийинчилик билан кесилади. Кесмаларда фибрин турлари ва ҳар хил ҳажмдаги фасциолалар учрайди. Жигар безлари ҳам кескин катталашади, ўт халта ва ўт йўлларида ўт суюқлиги бўлади. Қорин бўшлиғида бирнеча литргача оч сарик ёки сарғич рангли зардоб тўпланади. Ушбу патологоанатомик ўзгаришлар Ўзбекистонниң марказий ва жанубий вилоятларида кузатилган.

Экологик инқирозга учраган Қорақалпоғистон Республикасида фасциолёзниңг ўткир оқимидан нобуд бўлган кўйларда Ш.Д. Авезимбетов

(2006, 2007) ўзгача патологоанатомик ўзгаришларни кузатган. Унинг текширишларига кўра ушбу ҳудудда кечадиган фасциолёзнинг ўткир оқимида фибриноген, ундан ҳосил бўлувчи фибрин тўрлари ва жигар юзасида фибрин қоплами бўлмайди, жигарда кучли қон кетиш натижасида у бирмунча аҳамиятга учрайди, консистенцияси юмшоқроқ бўлиб, енгил кесилади. Жигар паренхимаси кесмаларида суюқ ва ивиган қон тўпламлари, ўт йўлларига ёриб кира бошлаган фасциолалар изидан кўп микдорда қонни ўтиши натижасида эса уларда ва ўт халтада кўп микдорда қон тўпланади. Қорин бўшлиғида ҳам қон рангини эслатувчи геморрагик экссудат йифилади. Ушбу илмий далиллар Корақалпоғистон шароитида фасциолёзнинг ўткир оқимини жуда оғир кечишидан, жигардаги патологик жараёнларни ўта мураккаблашишидан далолат беради. Айнан шуларга асосан муаллиф фасциолёзнинг ўткир оқимини ушбу касалликнинг паренхиматози ёки тўқимали оқими деб юритишни тавсия қиласи. Ушбу таклифни фанга киритишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Сурункали фасциоёзда жигар ҳажми ва унинг безлари бироз катталашид,

Ўт йўллари яллиғланади (катаралли холангит), кенгаяди, деворлари қалинлашади, жигар юзасига бўртиб чиқади. Жигар ўт йўлларида қуюқлашган ўт суюқлиги ва вояга етган фасциолалар учрайди. Жигарнинг яллиғланиши ва циррози кузатилади. Айрим ҳолатларда ўпкаларда, талоқ ва ошқозон ости безида капсулага ўралган фасциолалар учрайди. Ҳайвон гавдаси ориқланади, унинг барча бўшлиқларида суюқлик тўпланиб қолади.

**Диагноз қўйиш ва дифференциаль диагноз.** Касалликка диагноз қўйишида клиник белгилари, эпизоотологияси, патологоанатомик ўзгаришлари пухта ўрганилиши билан бирга, якуний хулоса копрологик (тезак, нажасни) текширувдан кейин, яъни микроскоп остида фасциола тухумларини кўргандан сўнг қўйилади.

Фасциолёз тухумлари парамфистоматидлар ва дикроцелий тухумларидан фарқ қилиш керак. Фасциола тухумлар тўқ сариқ рангда бўлади, ичи сариқлик ҳужайралилар билан зич тўлдирилган. *F. hepatica* тухумлари  $0,13 \times 0,14 \times 0,07-0,09$  мм ҳажмда, *F. gigantica* тухумлари анча йирикроқ ( $0,16 \times 0,10$  мм гача).

Парамфистоматид тухумлари ҳажми жиҳатидан фасциола тухумларига яқин бўлсада, улар оч кулранг тусда бўлиб, тухум ичидағи сариқлик ҳужайралилари унинг фақат бир қисмини эгаллаган. Дикроцелий тухумлари майда, тўқ жигар рангда, ичида эмбрионнинг «кўзчалари» ялтираб туради.

Ҳайвон нобуд бўлганда унинг жигари тўлиқ гельминтологик ёриш йўли Билан ё шва вояга етган фасциолаларга текширилади. Ёш *F. hepatica* нинг бўйи 1,0 мм дан 18,0-19,0 мм гача, *F. gigantica* нинг ёш шаклларининг бўйи 1,0 мм дан 28-29,0 мм гача, оқ, сутсимон рангда. Уларнинг бачадонларида тухумлар шаклланмаган ёки етилмаган.

Вояга етган *F. hepatica* 20-40 мм узунликда, баргсимон шаклга эга, *F. gigantica* эса 30-70 мм узунликга эга, тана шакли узунчоқ.

**Даволаш.** Фасциолёз билан касалланган ҳайвонларни қуйидаги антигельминтиклар билан гижжасизлантирилади: альбендазол (10,0% ли эмульсия) йирик ва майда шоҳли ҳайвонларга 1 мл/10 кг микдорда; альбен – 1

таблеткадан 50 кг тирик оғирликка; альбазен (2,5% ли эмульсия) – қорамолларга 4 мл/10 кг, қўйларга 2 мл/10 кг; альбенол йирик ва майда шоҳли ҳайвонларга 1 мл/10 кг; клозальбен (порошок – 1 кг нинг таркибида 50 мг клозантел ва 50 мг альбендазол) 2 г/10 кг; фенбендазол (22,2% ли гранула (панакурнинг синоними) – қўйларга 0,2 г/10 кг, қорамолларга 0,35 г/10 кг. Ушбу препаратларнинг барчаси оғиз орқали берилади.

Роленол (сионимии прозонтекс) қўйларга 1 мл/10 кг, қорамолларга 1 мл/20 кг тери остига ёки мускул орасига (бир неча жойга) юборилади. Ушбу антигельминтикни ва дертил «О» ва «Б» ларни фасциолёзнинг ўткир оқимиға қарши қўллаш тавсия этилади.

Сурункали фасциолёзда тўрт хлорли углерод яхши Самара беради. Қўйларнинг катта қорнига 1-2 мл дан тоза ҳолда, қорамолларнинг мускул остига доғланган пахта ёғида 1:1 миқдорда аралаштириб 10 мл/100 кг га юборилади. Шунингдекрафоксанид, урсоверсамит, фасковерм, фазинекс препаратларини ҳам уларнинг йўриқномаси асосида қўллаш мумкин.

**Олдини олиш чоралари.** Фасциолёзнинг олдини олиш учун уйғунашган ветеринария-санитария тадбирлари ўтказилади. Бу тадбирлар қўзгатувчи биологияси ва қасаллик эпизоотологияси асосида олиб борилади. Бу тадбирларнинг бош бўғинлари: яйловнинг гельминтологик ҳолатини ўрганиш, режали текширишлар олиб бориш, ҳайвонларни гижжасизлантириш ва гўнгни зарарсизлантириш ҳисобланади.

Фасциолёз билан заарланган ҳайвонлар учрайдиган хўжайниларда яйлов ва сув ҳавзалари оралиқ хўжайнилар – моллюскалар бор – йўқлигига текширилади. Ҳайвонлар ҳар икки ойда янги боқиладиган жойларга ўтказилади. Бундай имконият мавжуд бўлмаганида, яйлов мавсум ўрталарида бир марта алмаштирилади (июль охири ва август бошларида). Носоғлом ҳудудлардан тайёрланган пичанлар, уларни йиғандан кейин 3-6 ойдан кейин ҳайвонларга едирилади. Фасциолёз бўйича носоғлом хўжаликларда моллюскалар биотопларини йўқотиш бўйича тадбирлар ўтказилади. Моллюска биотоплари мавжуд яйловлар моллюскоцид препаратлар Билан ишлов берилади. Бу мақсадда мис кўпорос ва 5,4 – дихлорсалициланилидлардан фойдаланилади. Мис кўпороси 1 м<sup>2</sup> моллюскалар биотипига 2 г ҳисобида қўлланилади. Кичик сув ҳавзаларига (қўлмаклар, ариқлар) 0,2 г/л концентрация миқдорида, оқиб турувчи ариқ ва сугорувчи каналлар сувларига 1 соатга 0,2-0,3 г/л миқдорида қўлланилади.

5,4 – дихлорсалициланилид кўлмаклар, ариқ сувларига 1 г 1 м<sup>2</sup> майдонга ишлатилади. Ҳайвонларни боқиши учун фойдаланиладиган яйловларга моллюскаларнинг 0,01% ли концентрацияси 1 м<sup>2</sup> майдонга 0,2 г ҳисобида пуркалади. Моллюскацид прерпаратларни пуркаш учун ДУК, ВДМ, ЛСД каби маҳсус механизмлардан фойдаланилади.

Моллюскалар биотопларда мис кўпороси моллюскалар анча фаол харакатда бўлган вақтда қўлланилади. Моллюскацидлар билан биотоплар бир йилда уч марта ишланади: биринчи марта апрель ойида, иккинчи – июль-август ойларида, учинчи – сентябрь ойида. Моллюскацид прерапатларини

қўлланилганда, препаратнинг балиқчилик хўжаликлари сув ҳавзаларига тушмаслиги чоралари кўрилиши лозим.

Мелиорация йўли билан яйловлардаги захкаш жойлар қуритилади, хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган сув ҳавзалари, майда суғориш каналлари ва ташландиқ артезиан қудуклари йўқотилади.

Фасциолаларнинг оралиқ хўжайини кенг тарқалган қўйларда, сув қочириш каналларида ўрдак ва ғозларни сақлаш ва қўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳайвонлар ўртасида камида икки марта профилактик мақсадда гижжасизлантириш ўтказиш зарур: биринчи марта – боғлаб боқишига ўтказишдан олдин, иккинчиси – орадан 2-3 ойдан ўтгандан сўнг. Йил бўйи яйловлarda боқиладиган ҳайвонлар ўртасида гижжасизлантириш муддати гельминтозларнинг ўлка эпизоотологиясини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ветеринария органлари томонидан белгиланади. Унинг самарадорлиги ҳайвонларга препарат берилгандан 20-30 кун ўтгандан сўнг гельмintoовоскопик текшириш йўли билан аниқланади.

Ҳайвонларни боғлаб боқиши фасциолёзнинг олдини олишда энг самарали усул ҳисобланади. Ҳайвонларни боғлаб боқишига ўтказилгандан кейин (декабрь-январь) гельмintonокрологик текшириш ўтказилади.

Корамоллар ушланадиган бинолар ва қўй қўралари ҳудудида маҳсус гўнг сақлайдиган жойларнинг қурилиши ва гўнгнинг биотермик заарсизлантирилиши, фасциола тухумларининг ташқи муҳитга тарқалишининг олдини олишда ишончли воситадир.

## **4.2. Кавшовчи ҳайвонларнинг парамфистоматозлари ва ориентобильхарциози.**

**Режа:**

4.2.1 Парамфистоматоз- таърифи, тарқалиши, иқтисодий зарари, унинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патогенези, диагноз ва олдини олиш тадбирлари.

4.2.2 Ориентобильхарциоз - таърифи, тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчиси, биологияси, патогенези, клиник белгилари, диагноз, даволаш ва олдини олиш тадбирлари.

**Таянч иборалари:** Парамфистомалар, церкарий, мираксидий, метацеркарий, O.turkestanica, оралиқ ва қўшимча хўжайинлар. Гельмintoовоскопия.

**Парамфистоматозлар** – йирик ва майда шохли ҳайвонларда ҳамда ёввойи кавш қайтурвчиларнинг ёки сурункали кечувчи касаллигидир. Касаллик

қўзгатувчиси *Paramphistomata* кенжা туркумига мансуб бўлиб, паразитнинг вояга етган шакллари ошқозон олди бўлимларида (кatta қоринда, баъзан тўр қоринда), ёш паразитлар эса ширдин ва ингичка ичакнинг шиллиқ пардаси остида яшайди. Уй ва ёввойи кавш қайтарувчиларда 60 турдан зиёд парафистоматлар паразитлик қиласи.

Касалликнинг ўткир кечишида 50-100% бузоқлар нобуд бўлади, сурункали шаклида ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги камаяди, баъзан ўлим кузатилади.

**Қўзғатувчилари.** Парамфистоматозлардан қорамолларда ва қўйларда *Paramphistomum*, *Calicophoron*, *Gastrothylax* ва *Liorchis* авлодларига мансуб бир неча тур трематода паразитлик қиласидар.

Улар ичида Ўзбекистон шароитида энг кенг тарқалганлари: *Liorchis scotiae*, *Paramphistomum ichikawai*, *Calicophoron calicophorum*, *C.erschowi* ва *Gastrothylax crumenifer*.

Трематодалар танаси учруксимон ёки цилиндриксимон, узунлиги 5-20 мм бўлиб, уларда оғиз сўргичи бўлмайди. Қорин сўргичи яхши ривожланган бўлиб, тананинг орқа қисмида яқин жойлашади. Парамфистомат тухумлари овал шаклга, кулранг, тухум пўсти сариқлик хужайралилари билан зич тўлмаган, ўлчами 0,11-0,16x0,07-0,08 мм. Фасциола тухумларидан ранги ва сариқлик хужайралилари жойлашиши билан фарқ қиласи.

**Қўзғатувчиларниң ривожланиши.** *Paramphistomata* кенжা туркумига киравчи барча турларнинг ривожланиш босқичлари деярли бир хил ўтади. Улар оралиқ ва асосий (дефинитив) хўжайинлар иштироқида ривожланади. Оралиқ хўжайин вазифасини *Planorbidae* оиласига мансуб чучук сув моллюскалари бажарадилар. Паразит тухуми тезак билан ташқи муҳитга ажралади. Тухум сувга тушгач, унда мирадији етилади.  $19^{\circ}\text{C}$ - $27^{\circ}\text{C}$  ҳароратда тухумдан 12-13 кундан кейин мирадији чиқиб, моллюска организмига киради. Моллюска организмидаги личинкалик – спорациста, редий ва церкарий босқичларини ўтади. Церкарийлар моллюска зааралангандан 1,5-3 ойдан кейин ташқи муҳитга чиқа бошлади ва сувда ўсимликлар юзасида цистага ўралиб,adolескарийга айланади.

Асосий хўжайинлари сув ва ўт орқали паразитнингadolескарийларини ўзларига юқтирадилар. Ёш парамфистоматлар ширдон ва ингичка ичак деворларига кириб, унда тўқималик даврини ўтайди. Кейинчалик эса улар катта ва тўр қоринларга қайтиб, унинг шиллиқ пардаларида паразитлик қиласи ва жинсий томондан вояга етади.

Паразитларнинг жинсий вояга етиши турли муддатда амалга ошади: лиорхислар қорамолларда 97-130 кунда, қўйларда 26-107 кунда; парамфистоматлар қорамолларда 40-100 кунда, қўйларда 103-115 кунда. Трематодаларнинг вояга етиши учун ўртacha 3-4 ой талаб этилади. Жинсий вояга етган паразитлар 4-5 йил яшашлиги тўғрисида маълумотлар бор.

**Эпизоотологик маълумотлар.** Ҳайвонларнинг заарланиш манбалари бўлиб, батқоқли, намли яйловлар ва инвазия бўйича носоғлом (заараланган моллюскалар мавжуд бўлган) сув ҳавзалари хисобланади. Инвазияни тарқатиш

манбалари – касал ҳайвонлар ва парамфистоматлар личинкалари билан заарланган моллюскалар. Инвазия манбаи бўлиб, ёввойи кавш қайтарувчилар ҳам бўлиши мумкин. Заарланган моллюскалар қишлиб чиқади ва инвазиянинг манбаи бўлиб қолади. Адолескарийлар чидамсиз, биотоплар қуриганда тез нобуд бўлади. Одатда парамфистоматознинг ўткир шакли бузоқлар яйловга ҳайдагандан 1-2 ойдан кейин кузатилади. Паразитнинг вояга етган шакллари ҳайвонлар организмида бир неча йил яшаб, уларни катта ва тўр қоринларда йилнинг ҳамма фаслларида топиш мумкин.

Ўзбекистоннинг жанубий худудларида (Сурхондарё вилояти) *Calicophoron* авлодига мунсуб трематодалар, шимолий-гарбий худудларида эса парамфистоматларнинг қолган авлод вакиллари кенг тарқалган. Ундан ташқари Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятлари худудларида ҳам қорамоллар ва қўйлар орасида парамфистоматозлар қайд этилган. Инвазия экстенсивлиги 1,6% дан 30% гачани, инвазия интенсивлиги эса 100000 гача нусхани ташкил этишлиги мумкин. Сўнгги йилларда Самарқанд вилоятининг Ургут ва Тайлоқ туманларида каликофороз, гастротиляксоз ва морхозларнинг кучли ўчиқлари пайдо бўлган. Айrim қишлоқларда аҳоли қорамолларининг улар билан 100% гача заарланганлиги ва айrim ҳолларда нобуд бўлиши кузатилмоқда.

**Касалликнинг клиник белгилари.** Парамфистоматоз ўтки рва сурункали шаклда кечади. Ўткир парамфистоматоз 1,5-2 ёшдаги бузоқларда кузатилади ва трематодаларнинг ичак ва ширдоннинг шиллиқ парадаларида миграция қўлиш даврига тўғри келади. Ҳайвонларда иштаҳа йўқолади, ҳолсизланади, узоқ вақт ётади, кўзга кўринадиган шиллиқ парадалари қонсизланади. Ич кетиш ич қотиши билан алманиб туради. Сурункали парамфистоматозни вояга етган гельминтлар чақириб, трематодаларнинг ошқозон олди бўлимларида паразитлик қилишидан келиб чиқади. Касалликнинг бу шаклида ошқозон олди бўлимлари атонияси кузатилади, ҳайвонлар кескин озғинланади, кўпинча ётади, қорамолларнинг сут маҳсулоти камаяди.

Ўткир оқимли парамфистоматозда айrim ҳолларда санчик белгилари пайдо бўлади, бузоқлар безовталанади, оёқлари билан депсинади, тез ётиб тез туради.

Касалликнинг сурункали оқимида жағ ости бўшлиғи ва тўш бўлимларида шиш пайдо бўлади. Шунингдек, қоннинг кўрсаткичлари ҳам ўзгаради: эритроцитлар сони ва гемоглобин микдори камаяди, нейтрофилли лейкоцитоз рўй беради.

**Патогенези.** Парамфистоматлар паразитлик қилиш даврида, биринчи навбатда, ширдон ва ингичка ичакнинг олдинги бўлимларида чуқур патологик ўзгаришларни пайдо бўлишига олиб келади. Сўнгра патологик жараён ошқозонларнинг олдинги бўлимларига ўтади. Натижада овқат ҳазм қилиш тизимида тузилишлар рўй беради, ҳайвонлар кучли даражада озғинланиб кетади. Парамфистоматлар қонхўр паразитлардир.

**Паталогоанатомик ўзгаришлар.** Ўткир шаклдаги парамфистоматоз касаллигидан ўлган ҳайван ёриб кўрилганда ингичка ичак ва ширдон катарал-геморрагик яллигланган бўлади. Энг кучли жароҳат 12 бармоқли ичакда юз беради: ичак кенгаяди, унинг девори қалинлашади ва шишади, сероз пардаси қизаради.

Шиллиқ қават юзасида кўплаб митти парамфистоматлар кўзга ташланади.

Катта қоринда кўп микдорда қизил рангли (анор донаси рангидек, айрим ҳолатда ҳатто унинг шаклини эслатувчи) йирик парамфистоматлар учрайди. Бу паразитлар қорин сурувчилари орасида ошқозоннинг ички деворига мустаҳкам ёпишиб ётади (каналар ҳайвон терисига ёпишгандек).

**Диагноз ва дифференциаль диагноз.** Ҳайвон тириклик вақтида касалликнинг клиник белгилари, эпизоотологик маълумотлар, тезакни гельминтоскопия усулида текшириш (касалликнинг ўткир шаклида ёш трематодаларни кўриш учун) ёки гельминтоовоскопия натижалари асосида ташҳис қўйилади. Ўлган ҳайвонни ёриб кўриб трематодаларни топиш орқали ташҳис тасдиқланади.

Парамфистоматозларнинг ўткир шаклини пастереллёз, паратуберкулёз ва эймериоздан фарқ қилиш керак.

**Давола什.** Сурункали парамфистоматозларда битионол (0,07 г/кг) яхши натижа беради. Альбен (грануласи ва таблеткаси) ва панакур 7,5 мг/кг тирик вазнга озуқа бериш Билан бирга бериш тавсия этилади. Гексахлорэтан, фреон (R 112) каби препаратларни ҳам парамфистоматозлардан ташқари ҳайвонлар симптоматик воситалар билан ҳам даволанади.

**Олдини олиш чоралари** фасциолёздаги сингари ўтказилади. Подада касалликнинг ўткир шакли рўй берса, ҳайвонлар боғлаб боқишига ўтказилади ёки яйлов алмаштириллади. Шартли соғлом ҳайвонлар сувсиз водийдаги яйловларга боқишига ўтказилади. Барча ҳайвонлар 10 кун оралиқ билан гиҷжасизлантириллади. Касал ҳайвонларга симптоматик даволаш тайинланади.

Профилактик гиҷжасизлантириш ҳайвонлар боғлаб боқишига ўтгандан кейин, декабрь-январь ойларида амалга ошириллади. Эҳтиёж тутатилганда 2 ҳафтадан кейин профилактик гиҷжасизлантириш қайтариллади. Июнь, июль ойларида икки ёшгача бўлган ҳайвонлар ўртасида, улар яйловга чиқарилганда 3-4 ҳафтадан кейин 10 кун оралиқ Билан 2 марта преимагинал гиҷжасизлантириш ўтказилади.

#### **4.2.2. ОРИЕНТОБИЛЬХАРЦИОЗ.**

Ориентобильгарциоз йигирмага яқин тур сут эмизувларнинг трематодоз касаллиги бўлиб, у айрим жинсли трематодаларнинг ичак тутқичлари ва жигар қон томирларида паразитлик қилиши оқибатида рўй беради.



**Кўзғатувчиси.** Orientobilharzia turkestanica ўзига хос айрим жинсли трематода бўлиб, Schistomatida туркумига Schistomatidae оиласига мансуб.

Эркакларининг узунлиги 6,4-12,9 мм, эни 0,8-0,64 мм. Оғиз сўрғичи юмалоқ, 70-80 тагача бўлган уруғдонларни чўзинчоқ-овал шаклга эга.

Уруғдонлари ичак найлари орасида икки қатор бўлиб жойлашади. Урғочиларининг узунлиги 4,8-6,8 мм, эни 0,08-0,14 мм. Сўрғичлари рудиментар. Бачадонда битта тухум узунчоқ-овал шаклда бўлиб, ҳар бир қутбидан биттадан илмоқчалари мавжуд. Етилган тухумларининг ўлчами 0,13-0,14x0,04-0,06 мм, ичида эса ҳаракатчан мирадий жойлашган.

**Кўзғатувчисининг ривожланиши.** Ориентабильгарциялар хўжайин алмаштириш йўли билан ривожланиб, Ўзбекистонда оралиқ хўжайин вазифасини *Lymnaea auricularia* чучук сув моллюскаси бажаради. Урғочи трекатодалар бевосита ичак деворига яқин жойлардаги майдада қон томирларига ўтади ваши у жойларга ҳали тўлик етилмаган тухум ажаратади. Тухумнинг кейинги ривожланниши ва тухум ичида мирадий шаклланиши хўжайин тўқимасида амалга ошади. Тухум ўзида мавжуд бўлган илмоқчалар ёрдамида майдада қон томирларини ёриб ичакга ўтиб олади ва тезак билан ташқи муҳитга чиқади.

Тухум сувга тушганида унинг ичидаги мирадий чиқади ва чучук сув моллюскалари организмига мантия бўшлиқлари орқали ўтиб олади. Моллюска организмидан паразит личинкалари партеногенетик йўл билан ривожланиб, она ва қиз спорацисталар, кейин эса церкарийлар ҳосил қиласди. Церкарийлар моллюска организмидан сувга чиқиб, дефинитив хўжайин организмига фаол йўл билан, ҳайвон терисини тешиб ўтади. Кўйлар организмидан ориентабильгарцияларнинг жинсий вояга этиши учун 35-40 кун талаб этилади. Етилган тухумларнинг тезак билан ажралиб чиқиши заарлангандан кейин 50 кундан сўнг кузатилади.



**Эпизоотологик маълумотлар.** Республикаизда бу касаллик асосан орол бўйи ҳудудида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти хўжаликларига тегишли ҳайвонлар орасид кенг тарқалган. Касаллик мамлакатимизнинг шимолий-шарқий ҳудудларида ҳам қайд этилган.

Ориентобильгарцитозга барча ёшдаги қўйлар ва қорамоллар чалинади. Йилнинг ҳамма фаслларида ориентобильгарциоз қайд этилиши мумкин, аммо куз-қиши даврида инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги энг юқори даражага етади. Ҳайвонлар моллюскалар яшайдиган сув ҳавзаларида заҳарланади.

Инвазия экстенсивлиги қорамоллар ўртасида - 43,7%, қўйлар – 20,9%, эчкилар – 12,2%;, туялар – 8,3%, отлар – 18,7% чўчқалар – 5,0% ни, инвазия интенсивлиги 110000 гача нусхани ташкил этади.

Сўнгги йилларда Орол бўйи минтақасида ориентобильгарциознинг кучли ўчоқларини тугалланиши туфайли ушбу касаллик кескин орқага чекинмоқда. Аммо ҳали уни локалли микроўчоқлари мавжуд (Ш. Авезимбетов).

Orientobilharzia turkestanica трематодаси церкариялари одамларда шистоматид «церкариози» ёки «дерматитти» касаллигини келтириб чиқаришлиги мумкин. Бу касаллик O. turkestanica трематодаларининг оралиқ хўжайнинлари мавжуд сувларда чўмилиш вақтида, балиқ тутишда, сув ҳавзалари билан боғлиқ ишларни бажараётганда пайдо бўлади.

**Касалликнинг клиник белгилари.** Ориентобильгарциялар ёпиқ тизимда паразитлик қилиб, қон томирларини ўз тухумлари ва модда алмашинувининг сўнгги маҳсулотлари билан тўлдирилади. Церкариялар организмга Кириши ва миграция қилиши, тухумларнинг тўқималардан ўтиш даврида организмга механик таъсир кўрсатади. Паразитларнинг модда алмасиши маҳсулотлари эса токсик таъсир этади.

Қўйларни тажриба шароитида ориентобильгарция билан заарлаб кўриш орқали, касаллик бир неча босқичда кечиши аниқланган.

Касалликнинг биринчи босқичида дерматит, умумий гиперемия, тана ҳароратининг кўтарилиши, пульс ва нафас олиши тезлашуви кузатилиб, ориентобильгарциоз церкариози билан ҳарактерланади. Ушбу ўзгаришлар ҳайвонлар заарлангандан кейин 10-12 кун ичida кузатилади.

Иккинчи босқич – организмда сезиларли физиологик функциялар бузилиши кузатилмайди. Бу давр ориентобильгарциларнинг қон томирларида ўсиш ва ривожланиш вақтига тўғри келади.

Касалликнинг учинчи (ўтқир) босқичи ҳайвонлар заарлангандан 5-6 ҳаафта ўтгач пайдо бўлиб, кучли ич кетиши кузатилади, тезакда қон ва фибрин пардалари пайдо бўлади. Барча клиник белгилар яққол намоён бўлади: конъюктивалар оқарган, тана ҳарорати  $41,6^{\circ}\text{C}$  га кўтарилган, пульс минутига 180 тагача етади, аритмия, тез-тез нафас олади. Кучли заарланган ҳайвонлар нобуд бўлади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Қорамоллар ориентобильгар-циозида асосан ингичка ичаклар жароҳатланади. Ичак ичидаги масса қуюқ, қон ва фибрин парда аралаш бўлади. Ичак шиллик пардаларига қон қуйилишлари кузатилади. Ичак тутқичлари қон томирлари қаралганда, улар трематодаларни кўриш мумикн. Жигар ҳажми катталашади. Вена томирлари олинган қирмани микроскоп остида текширганда, паразитнинг тухумлари кўринади.

**Диагноз ва дифференциаль диагноз.** Ориентобильгарциозга ташхис уйғунлашган ҳолда – эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилар,

патологоанатомик ўзгаришлар ва лаборатория текшируви натижалари асосида қўйилади. Ҳайвонлар тириклик вақтида ориентобильгарциозга ташҳис қўйишда тезакни кетма-кет ювиш, мирадиоскопия, аллергик ва серологик текшириш усулларидан фойдаланилади.

Ҳайвон ўлгандан кейин ичак тутқичи, жигар вена томирларидағи паразитларнинг учрашлиги ва патологоанатомик ўзгаришлар асосида ориентобильгарциозга аниқ ташҳис қўйилади.

**Даволаш.** Ҳайвонларни гижжасизлантириш учун празиквантел (дронцит) 0,025 г/кг дозада бир маротаба қўлланилади. Альбен таблеткаси ва грануласини синаб қўриш мумкин.

**Олдини олиш чоралари.** Ориентобильгарциознинг олдини олиш чоралари ҳайвонларнинг ориентобильгарция церкариялари билан зааррланишига ва моллюскаларнинг эса мирадиоляр билан зааррланишига йўл қўймасликка асосланиши керак.

Оралиқ хўжайнин билан курашишнинг назарий жиҳатдан уч хил имконияти мавжуд: а) биологик кураш чоралари (сув ҳавзаларида моллюскаларни ейдиган жониворларни кўпайтириш); б) моллюскалар биотопларини йўқотиш (ботқоқ ва ботқоқли яйловларни қуритиш, сув ҳавзаларини тозалаш); в) яйлов ва сув ҳавзаларида моллюскаларни моллюскоцидлар қўллаш йўли билан йўқотиш.

Моллюскоцид сифатида мис кўпороси ва 5,4-дихлорсалициланид қўлланилади.

Мис кўпороси оқаётган сув ҳавзаларига ва кўлмакларга 1:5000 концентрацияда, яйловларнинг нам жойларига  $1\text{ m}^2$  га 2 г ҳисобида қўлланилади.

5,4-дихлорсалициланид  $1\text{ m}^3$  сувга 1 г тоза модда ёки 10 г концентрат миқдорида қўлланилади. Ҳайвонларни боқиши учун фойдаланиладиган яйловларга моллюскоциднинг 0,01% ли концентрацияси пуркалади. Бунда 0,2 г тоза модда  $1\text{ m}^2$  майдонга тўғри келиши керак.

Биотопларга моллюскоцид препаратларни қўллашда, улардаги сувнинг ҳажмини билиш керак бўлади.

Туриб қолган, кўлмак сувларнинг ҳажми, уларнинг узунлиги, эни ва чуқурлигини ўлчаш ва кўпайтириш орқали топилади.

Моллюскоцидларни кичик худудларга пуркаш учун қўлда ишлатиладиган пуркагичлар, катта майдонлар учун ДУК, ВДМ, ЛСД каби трактор пуркагичлардан фойдаланилади. Бошқа тадбирлар фасциолёздаги сингари олиб борилади.

## 4.3 Ҳайвонларнинг дикроцелиози ва эуритрематоз касалликлари

**Режа:**

4.3.1 Дикроцелиоз – таърифи, тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчиси ва унинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси,

патогенези, иммунитети клиник белгилари, патанатомик ўзгаришлари, диагноз, даволаш ва олдини олиш тадбирлари.

#### 4.3.2 Эуритрематоз, юқорида кўрсатилган тартибда тушунтирилади.

**Таянч иборалари:** *Dicrocoelium lanceatum*, *Hellcello Lebrina*, *Forinica*, *Proformica*, мирадий церкарий, метацеркарий, ностерил, механик, токсик, иккиламчи инфекцияларга йўл очиб бериш, шишларни пайдо бўлиши, гельминтоовоскопия.

**4.3.1. Дикроцелиоз** – у *Dicrocoeliidae* оиласига кирувчи *Dicrocoelium lanceatum* томонидан кўзгатиладиган, сурункали ҳолатда кечадиган трематодоз бўлиб ҳисобланади. Ушбу паразит 70 турдан ортиқ уй ва ёввойи сут эмизувчиларнинг жигар ўт йўлари ва ёт халтасида паразитлик қиласи. Дикроцелиозга қўйлар, эчкилар, қорамоллар қўпроқ чалинади. Бу касаллик маймун ва одамларда ҳам учраб туради.


. Мажбурий ёки гўшт маҳсулоти учун сўйилганларида жигар истеъмолга яроқсиз деб топилади. Ёш ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши сусаяди, айрим она қўйлар қисир қолади.

**Кўзғатувчисининг морфологияси.** Дикроцелиум анча майда трематода бўлиб, унинг танасининг узунлиги 6,0-15,0 мм атрофида, эни 1,5-2,5 мм га тенг, ранги олд томондан қорамтири, орқа томондан жигарранг, тўқ сариқ рангда. Паразитнинг ранги унинг бачадонидаги етилган ва етилмаган тухумлар ранги билан ифодаланади. *D.lanceatum* нинг оғиз ва қорин сўргичлари бир-бирига яқин жойлашган. Уруғдон ва тухумдонлар қорин сўргичининг остида жойлашган, бачадонлар эса тананинг ўрта ва орқа қисмини эгаллаган. Иккала ён томонда сариғдонлар жойлашган. Жинсий тешиклар қорин сўргичининг олд томонида очилади. Ўрта ичаги иккита учлари берк ён найчалардан иборат.

**Кўзғатувчининг биологияси.** *D.lanceatum* уч хўжайнли тремада. Дефинитив хўжайнлари – ўтхўр сут эмизувчилар. Биринчи оралиқ хўжайнини қуруқликда, аммо нам жойларда яшовчи ўпкали қориноёқли моллюскалар, иккинчи, яъни қўшимча оралиқ хўжайнин – *Formica* ва *Proformica* авлодига мансуб кирувчи чумолилар.

*D.lanceatum* нинг партеногенетик даври 4,5-5,5 ойгача давом этади, цистогония даври 1-2 ойга тенг.

Одатда чумоли организмига тушган церкариялардан бири унинг бош қисмига ўтади ва марказий нерв системасини заарлайди. Бундай ҳолатда чумолилар жағлари билан ўсимликларни тишлаб, ҳаракатсиз ҳолга келади. Чумолиларни карахт ҳолга ўтиши ҳаво намлиги ошиб, ҳарорат пасайган вақтга тўғри келади. Узлуксиз ёғингарчилик ва булутли қунларда бундай чумолилар бир неча сутка давомида ўз ҳолатларини ўзгартира олмайди.



**Эпизоотологияси.** Дикроцелиумлар сүғориладиган ва тоғолди – тоғ биоценозларида тарқалган. Ўзбекистонда паразитнинг биринчи оралиқ хўжайин вазифасини 8 турга оид қуруқлик моллюска утайди. Улар орасида энг кенг тарқалгани *X.canolacharica* бўлиб ҳисобланади. Моллюскалар эрта

баҳордан ёзниг бошланишига қадар ва куз ойларида актив ҳолда бўлади. Йилнинг қолган даврларида улар ёзги ва қишки «уйқу»га кетади. Уларнинг активлиги ҳаво ҳарорати  $4-5^{\circ}\text{C}$  дан  $34^{\circ}$  гача ва намлиги 50,0 фоиздан юқори бўлганда намлиги кузатилади. Моллюскаларни *D.lanceatum* нинг партенитлари билан 1,5 фоиздан 25,0 фоизгача заарланганлиги аниқланган. Моллюскалар организмида *D.lanceatum* партенитлари қишлийди ва эрта баҳордан чумолиларнинг заарланиши учун манба бўлиб ҳисобланади. Паразитнинг иккинчи оралиқ хўжайин вазифасини *Formica* ва *Proformica* авлодларига мансуб б тур чумолилар бажаради.

*D.lanceatum*-нинг тухумлари ҳам ташки муҳитнинг таъсуротига чидамли. Улар бир ҳафта  $18-20^{\circ}\text{C}$  да қурилганда ҳам нобуд бўлмайди,  $50^{\circ}\text{C}$  гача чидамли, паст ҳарорат ҳам уларга таъсир кўрсатаолмайди. Шундай қилиб паразитнинг тухумлари ҳам қишида ўз ҳаётчанлигини сақлай олади.

Дикроцелиозга барча ёшдаги ҳар хил ҳайвон турлари чалинади. У шунингдек табиий ўчоқли инвазион касалликдир, чунки дикроцелиозга ёввойи тўрт оёқли сутэмувчилар ва айрим кемирувчилар ҳам чалинади.

**Патогенези.** Дикроцелиумлар жигар ўт йўлларига механик таъсир кўрсатади ва уларни яллиғлайди. Модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўлган маҳсулотлари билан хўжайин организмини заҳарлайди. Ўт йўлларини тўсиб, уни йиғилишига, қуюқлашишига олиб келади, ичак бўшлиғига тушишини секинлаштиради. Натижада овқат ҳазм қилиш жараёни, А ва С витаминаларнинг алмашинуви бузилади, уларнинг микдори жигарда ва бошқа органларда камайиб кетади. Дикроцелиоз, шунингдек организмда кечётган оксил алмашинувига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

**Иммунитет.** Дикроцелиозда орттирилган иммунитет ўта паст даражада. Дикроцелиумларнинг узоқ муҳлат яшашлари ва уларни антигельминтикларга анча чидамлилиги туфайли ҳайвонларнинг ёши ошган сари уларда паразитларнинг микдори оша боради.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Дикроцелиозга кучли чалинган ҳайвонларда жигарнинг ва унинг ўт йўлларининг ҳажми катталашади, ўт йўллари катарал ва пролефератик яллиғланишга учрайди, буларнинг деворлари катталашиб, жигар юзасига кўқимтири рангда ажралиб чиқа бошлайди. Ўт халтани ҳам катарал ялликланиши кузатилади.

Касалликнинг ўзоқ давом этиши натижасида билларли, цирроз, гепатит, баъзан жигар атрофиясига қайд этилади.

Дикроцелиоздан ўлган қўйларнинг гавдаси ориқ, кўринарли шиллиқ пардаларининг ранги сарғич тусда бўлиб, тўш қисмининг ва жағ ости бўшлиқларининг тери ости клетчаткасида илвираган моддаларни шимилиб, қотиб қолиши (инфилтратия) кузатилади.

**Диагноз қўйиш ва уни фарқлаш.** Ҳайвон тириклигига унинг тезак намунасиникетма-кет ивиш йўли билан гельминтоовоскопик текширишдан ўтказилади. Дикроцелиум тухумлари тўқ жигар ранга эга, ичидаги мирадиция ва унинг 2 та пигментли кўзчаси мавжуд. Тухумлар майдага, узунлиги 0,038-0,045 мм, эни 0,02-0,03 мм га teng, қалин қобиқга эга, бир кутибида қопқоқчаси

мавжуд. Дикроцелиум тухумларини эуретрем, хасстилезий тухумларидан, замбуруғлар спораларидан ва айрим ўсимликлар уруғларидан фарқлаш керак.

Хайвон ўлганда ёки мажбурий суйилгандан жигар ўт халтаси ва ўт йўллари ёриб кўрилади.

**Даволаш.** Хайвонларни гижжасизлантириш учун альбендазол гуруҳига киравчи кимёвий дори воситаларидан фойдаланиш мумкин. Улар йўриқномада кўрсатилган миқдорда қўлланилади. Дикроцелиумлар вояга етган фасциолаларга нисбатан антигельментикларга анча чидамли, шу сабабли ҳайвонлар бир ой ичидаги гижжасизлантирилади.

**Олидини олиш чоралари.** Дикроцелиоз бўйича носоғлом бўлган ҳудудларда эрта баҳордан маҳсус кузатишлар олиб борилади. Тонг ёришиши билан қуруқлик моллюскалари биотопларида қишки «уйқу» дан чиқсан дикроцелий метацеркариялари билан зааралланган чумолиларни яшил ўтлар танасидан карахт ҳолда ётганини кўриш мумкин. Бу ҳолда ушбу ҳудадда ҳайвонларни сақлаш тақиқланади. Парранда ушлаш йўли билан ундаги моллюскалар ва касалланган чумолилар миқдорини камайтириш мумкин.

Дикроцелиоз бўйича носоғлом бўлган ҳўжаликларда ҳайвонлар режали асосда йилига икки марта – ноябрь ва декабрь – январь ойларида гижжасизлантирилади.

Кўй қўралари ва молхоналарда маҳсус гўнг сақлайдиган жойлар ташкил қилиш ва уларни дала майдонларига фақат биотермик усулда қайта ишлангандан сўнг чиқариш зарур.

#### 4.3.2. ЭУРИТРЕМАТОЗ

бу асосан қўй, эчки, қорамол, тuya, чўчқа шимол буғулари ҳамда бошқа ёввойи кавшовчи ҳайвонларнинг сурункали оқимда кечувчи трематодоз касаллиги бўлиб, уни ҳайвонларнинг ошқазон ости безида ва баъзан жигарида *Eurytrema pancreaticum*-нинг паразитлик қилиши туфайли қўзғатилиб, касаллик ҳолсизланиш, ҳазм орган фаолиятининг издан чиқиши, ич ўтиш, тананинг турли қисмларида шишларни ҳосил бўлиши, ўсиш-ривожланишдан орқада қолиш, маҳсулдорликни пасайиши, кучли ориқланиш ва айрим пайтларда қаҳексиянинг ривожланиши оқибатида ҳайвоннинг нобуд бўлиши билан характерланади.

**Касалликни тарқалиши ва келтирадиган иқтисодий зарари.** Эуритрематоз Марказий Осиё давлатларида, Қозогистонда, Россиянинг Олтой ўлкасида, Узоқ Шарқда кенг тарқалган. Касалликка чалинган ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги камаяди, гўшт, сут ва жуннинг сифати пасаяди, ёш ҳайвонлар ўсиш-ривожланишдан орқада қолади, ошқазон ости безининг издан чиқиши натижасијда ҳайвонлар брак қилинади, мажбуран сўйилади ва тиббиёт учун қимматли эндокрин хом ошъёси (маҳсулоти) олинмай қолади, ҳамда касалликка чалинган ҳайвонларни даволаш ва олдини олиш учун сарфланадиган ветеринария харажотлари ортади.

**Кўзғатувчиси, систематикаси ва анатомо-морфологияси.** *Eurytrema pancreaticum* систематика бўйича қўйидагича жойлашган: *Plathelminthes* типи,

Trematoda синфи, Digenia кенжә синфи, Fasciolata түркүми, Dicrocoeliidae оиласи ва Eutyptemta авлодига киради. **Eurytrema pancreaticum** - түқ-қизил тусда бўлиб, узунлиги 8-16 мм, эса эса 5,5-8,5 мм га тенг, Катта ва кучли ривожланган оғиз ва қорин сўрғичлари бўртиб чиқсан. Уруғдонлари овалсимон шаклда бўлиб, қорин сўрғичининг икки ёнида сисметрик равища жойлашган, тухумдени шарсимон шаклда бўлиб, қорин сўрғичининг орқасида жойлашган бўлиб, уруғдонларга нисбатан бироз кичик ҳажмда, бачадони дараҳтимон шохланган бўлиб, тананинг пастки қисминин тўлдириб туради., сариқлик тана эса тананинг икки томонида, уруғдонларининг остида жойлашган.

**Кўзғатувчининг биологияси.** Паразит биогельмінт, оралиқ хўжайини Eulota lantzi турига мансуб бўлган қуруқликда яшовчи моллюскалар бўлса, қўшимча хўжайнин вазифасини эса Conocephalus ва Oecanthus авлодларига мансуб бўлган чигирткалар бажаради.

Ташқи муҳитга тушган церкарийларни чигирткалар алиментар равища исъемол қилганларида, уларнинг организмида 2-3 ойдан сўнг метацеркарийлар ҳосил бўлади.

Асосий хўжайнлари ўтлар билан биргаликда заарланган чигирткаларни исъемол қилганларида касалликка чалинади. Эуритремаларнинг жинсий вояга этиш муддати 2-3 ойни ташкил қилса, паразитлик қилиш даври эса ўрта ҳисобда 10-12 ойга тенгdir

**Эпизоотологик маълумотлар.** Эуритрематоз Россиянинг Олтой, Узок Шарқ ўлкаларида, Кримда, Қозогистон, Марказий Осий давлатларида қайд этилган. Ташқи муҳитга тушган спороцисталарнинг ташқи қобиғи жуда ҳам қалин бўлганлиги туфайли, ичидаги церкарийларни ташқи муҳит таъсиrlаридан ҳимоя қилади. Эуритремаа тухумларнинг ички қрбиғи ҳам яхши ривожланганилиги сабабли, 5% гача бўлган неорганик тузларнинг тўйинган эритмаларида, кислоталар, кучсиз ишқорлар ва айрим органик бирикмалар (ацетон, глицерин, фенол) нинг таъсирида чидамлидир. Эуритремалар билан ёш қўзилар ва катта ёшдаги қўйларнинг заарланиши баҳор ва ёз фаслларида бошлаб кузатилади. Ҳайвонларнинг ёши ошган сари инвазиянинг интенсивлиги ҳам ортиб боради.

**Патогенези.** Эуритремалар ошқазон ости безининг ички чиқарув йўлларида жойлашганлиги сабабли, уларнинг деформацияланишига, кенгайишига, баъзан эса паразитлар билан тўлиб, тиқилиб қолишига олиб келади. Ошқазон ости бези паренхимасининг безли бўлаги атрофияга учрайди.

**Касалликнинг клиник белгилари.** Касалликнинг клиник белгилари инвазиянинг интенсивлигига боғлиқ бўлиб, у жуда ҳам юқори бўлган пайтларда ҳайвонларда ҳолсизланиш, иштахани пасайиши, ҳазм орган фаолиятининг издан чиқиши, ич ўтиш, кучли орикланиш, тананинг турли қисмларида шишларни ҳосил бўлиши кузатилади. Баъзан эса қахексия оқибатида ҳайвоннинг нобуд бўлиши кузатилади.

**Патологоанатомик ўзгаришлари.** Ошқазон ости бези катталашган, очқизил тусда бўлиб юмшоқ консистенцияда, ошқазон ости безининг йўллари

кенгайган бўлиб, унда кўп миқдорда эуритремаларни учратиш мумкин. Безнинг паренхимасида эса чуқур ва мураккаб некротик жараённинг кетаётганлиги кузатилади.

**Диагноз ва дифференциаль диагноз.** Касалликка диагноз комплекс усулларда қўйилади: эпизоотологик маълумотлар инобатга олинган ҳолда касалликнинг клиник белгилариға қараб ҳамда аниқ диагноз лаборатория шароитида гумон қилинган ҳайвонларнинг тезак намунаси гельмintoовоскопия (кетма-кет ювиш усули ёки Дарлинг усули) усуллари билан текширилиб, паразитнинг тухумларини топиш асосида қўйилади. Эуритрема тухумлари овалсимон шаклда, қорамтири-қўнғир тусда бўлиб, узунлиги 0,044-0,048 мм, эни – 0,032-0,036 мм га teng. Тухумнинг бир томонида тугмачасимон қапқоқчаси, иккинчи томонида эса тугмачасимон ўсимтаси мавжуд.

Ҳайвон ўлгандан сўнг ёки мажбуран сўйилганида патологоанатомик ўзгаришларига қараб ҳамда кўзғатувчини ўзини топиш асосида қўйилади.

Эуритрематоз касаллигини дикроцелиоз, панкреатит, гепатит, лептоспироз касалликларидан фарқ қила олиш керак.

**Даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш чора-тадбирлари.** Даволаш усули ишлаб чиқилмаган. Бироқ, фасциолёз, дикроцелиоз касалликларига ишлатиладиган антгельминтикларни ишлатиб кўришни тавсия этамиз.

**Касалликни олдини олиш мақсадида қуийдаги тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш талаб этилади:**

- Йилнинг ҳар чорагида режа асосида гельмитсизлантириш;
- Оралиқ ва қўшимча хўжайнларига қарши курашиш;
- Ҳайвон тезакларини биотермик усулда зарарсизлантириб бориш;
- Ҳайвонларни рацион асосида тўйимли озуқалар билан озиқлантириб бориш;

### **5.1. Цестода ва цестодозлар. Қорамол ва чўчқа цистицеркозлари.**

**Режа:**

- 5.1.1. Цестодларга умумий характеристика, уларнинг систематикаси, тузилиши ва ривожланиши (биологияси)
- 5.1.2. Қорамол цистицеркози (финнози) – таърифи, тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчиси ва унинг биологик ривожланиши. Касалликнинг эпизоотологияси, патогенези, клиник белгилари, ёриб кўришдаги ўзгаришлар, диагноз ва олдини олиш чора-тадбирлари.

**Таянч иборалари:** Занжирлилар ва тасмалилар, цистицерк, ценур, цистицеркоид, стробилцерк, плероцеркоид, аноплоцефалята, довениата, геминоленидата, мезоцестоидата, *Cysticercus bovis*, *taenterhinchus saginatus*, сколекс, стробила, гермафрордит ва етилган бўғин, онкосфера, қуролланган.

## **Цестодаларнинг умумий тавсифи**

**Цестодалар** – лентасимон яssi гельминт – (чувалчанг) лар бўлиб *Plathelmintes* (Schneider) типига, *Cestoda* (Rudolhi) синфига мансубдир. Ветеринария тиббиёт оламида бу гельминтларнинг *Cyclophyllidea* – занжирсимонлилар ва *Pacudophillidea* – лентасимонлилар туркумига мансуб турлари катта аҳамиятга эга. Ушбу турларнинг ҳайвон ва одам аъзоларида маразийлик қилиб яшashi оқибатида қўзғатиладиган касалликлар эса **цестодозлар** деб аталади.

**Анатомик тузилиши ва ривожланиш схемаси.** Цестодозларнинг танаси яssi ва тасма (лента) шаклида бўлиб, учта: бошқа сколекс, бўйин ва бўғин-проглатид қисмларидан иборат. Уларнинг турларига қараб бўғинлари бир нача ўнлаб, юзлаб ва ҳатто ундан ҳам қўп бўлиши мумкин.

Цестода танасининг – стробиласининг узунлиги 0,5 см дан 10 метргача ва ундан ҳам узун бўлади. Сколекс – фақат хўжайн органларида унинг шиллиқ пардасини шимиб, мустаҳкам ҳолда ёпишиш вазифасини бажаради.

Сколексдан кейинги қисми паразитнинг бўйни бўлиб, бу ўсиш зонасидир. У ердан аста-секин Янги-янги бўғинлар (стробилалар) ўса бошлайди. Цестодларнинг бўғинларитурли хил: тўртбурчак, бодринг уруғига ўхшаш ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

Бўғинларнинг эни ва бўйи ҳам паразитнинг турига боғлиқ. Ҳар бир бўғин ичида органлар системаси жойлашган. Цестодларнинг овқат ҳазм қилиш канали йўқ, улар осмотик усулда бутун танаси билан озиқланади. Жинсий вояга етган цестодлар асосан ингичка ва йўғон ичакларда, уларнинг личинкалари эса турли хил ички аъзо тўқималарида паразитлик қиласди.

**Цестодларнинг танаси** хитин (кутикула) билан ўралган ва унинг остида юпқагина мускул толалари жойлашган бўлади. Паразитнинг асаб системаси сколексда жойлашган марказий асаб тугунчасидан иборат бўлиб, ундан бутун тана бўйлаб давом этадиган асаб толалари бошланади. Ҳар қайси бўғиндан ўтаётган асаб толалари ўзларининг кўндаланг ўсимталари ёрдамида бир-бири билан бириккан бўлади.

**Цестодларнинг чақирав (экскректор)** системаси тебранувчи эпителиал ҳужайралидан тузилган бўлиб, юқоридаги (дорсал) ва пастки (вентрал) чақирав каналларидан иборат.

**Цестодларнинг жинсий системаси** жуда ҳам қучли ривожланган. Деярли барча цестодлар хунаса (гермафродит) лардир. Ҳар бир цестод бўғинларида эркаклик ва ургочилик органлари жойлашади. Лекин бўғинда пайдо бўлган биринчи бўғинлар ёш бўлганлиги учун жинсий бўлади.

Бўғиндаги ургочилик жинсий аъзоси уруғлангандан кейин паразитнинг эркаклик жинсий аъзолари атрофияга учрайди. Шунинг учун текинхўр стробиласидаги кейинги бўғинларда фақатгина ургочилик жинсий аъзоларининг элементлари мавжуд бўлади. Танадан ажралаётган бўғин эса тухум билан тўлган бачадондан иборат. Бачадон эса бўғин ичида зич

жойлашган бўлади. Тухум билан тўлган энг охирги бўғинлар стробиладан ажралиб, тезак билан бирга ташқи муҳитга чиқариб ташланади.

Цестодларнинг жинсий вояга етган бўғинлари ташқи муҳитда бир неча соатгача ўз ҳаракатини сақлаб қолиб, ҳаракат қилаётган вақтида маълум миқдордаги тухумини сиқиб чиқариб туради.

Цестодларнинг эркаклик жинсий аъзоси худи трематодаларникига ўхшашиб уруғдонлардан, уруғдон йўлларидан, жинсий бурса, циррус, эркаклик жинсий тешиги билан тугалланувчи умумий уруғ ўтказувчи йўлдан ташкил топган.

Урғочилик жинсий аъзоси оотип билан таъминланиб, унга тухумдон, ариклик ҳужайралилари, мелис танаҷалари, бачадон ва қин туташган бўлади. Қин уруғ ташувчи йўлга яқин жойлашган, унинг бир уни очилсанда очилган бўлади. Тухумлар вояга етгандан кейин бачадонга тушади. Цестодларнинг айrim гуруҳлари лентасимонлар, яъни *Pseudophyllidae* туркумига киравчи турларнинг бачадани очиқ типда бўлиб, унинг тешиги орқали паразитнинг тухумлари ташқи муҳитга чиқариб ташланади.

Занжирсимон гуруҳ, яъни *Cyclophyllidae* туркумига киравчи турдаги лентасимон гельминтларнинг бачадони эса берк бўлиб, дараҳт бутоқлари каби шоҳлари бўлади. Шунинг учун уларнинг тухумлари бачадонда тўпланади ва вояга етган бўғинлари билан бирга тезакка аралашиб, ташқи муҳитга чиқариб ташланади. Айrim турларнинг бўғинлари ҳаракатчан бўлиб, орқа чиқарув тешикка – анусга қараб ҳаракат қиласи.

**Лентасимон гельминтларнинг тухуми** юмалоқ ёки овал шаклида бўлиб, тўрт қават парда билан ўралган. Тухумдон ичидаги тайёр уч жуфт илмоқли эмбрион бўлиб, икки қаватдан иборат кўндаланг йўлли пардада онкосфера жойлашган. Лентасимон гуруҳига, яъни *Pseudophyllidae* туркумига киравчи цестодларнинг тухумлари эса трематодаларникига ўхшашdir.

Цестодлар одатда икки ёки уч оралиқ хўжайин иштироқида ривожланади. Тезак билан ташқи муҳитга чиқариб ташланган тухум оралиқ хўжайин организмига тушиб, личинкалик босқичигача ривожланади. Айrim цестодларнинг онкосферасидаги (эмбрионидан) оралиқ хўжайин танасидан цистицеркоид деб аталувчи личинка, бошқа турлардаги цестодларнинг тухумларидағи эмбрионлардан эса цистицерк, ценурус, эхинококк, стробилоцерк, дитридий ёки процеркоид деб аталувчи личинкалар ривожланади.

Хар қайси турдаги цестодларнинг тухумидан ўзига хос, махсус шаклдаги сўргичли бир ёки бир неча бошчаси (сколекси) бўлган личинкалар етишади. Паразитнинг хар қайси бошчасидан охирги асосий хўжайин танасида лента (тасма) шаклидаги цестода пайдо бўлади.

**Цистицеркоид** – жуда ҳам оддий тузилган личинкалардир. Унинг олд қисми узунроқ бўлиб, қўшимча (ортиқча)га ўхшайди. Цистицеркоидлар орибатид деб аталаған тупроқда яшовчи канна танасига тушган *Moniezia* онкосферасидан, жунхўрлар билан бурга танасида эса *Dipilidium caninum* онкосфераларидан ривожланади.

**Цистицерк** ёки ғұмбак (финна) – юмалоқ ёки овал шаклдаги пұфакча бўлиб, ташқи томонидан бириктирувчи тўқима билан ўралган. Пұфакча тиниқ суюқлик билан тўлган ва унинг ички пардасига биттагина бошча бирлашган. Ушбу бошча қонуний равишда тескари ўгирилган қўлқоп бармоғи каби ичкарига қайрилган бўлади.

Пұфакча ичида сколекс бор-йўқлигини аниқлаш учун уни ёриб, парадаларни ажратиб бошчани кўриш мумкин. Ғұмбак одатда тариқ донидан каттароқ нўхатдек: масалан, чўчқа гўштидаги – *Cysticercus suis*, қорамол гўштидаги – *Cysticercus bovis*, қуёнларнинг қорин бўшлиғида учраб турадиган – *Cysticercus pisiformis*, товук тухуми касаллигидаги – *Cysticercus tenuidea* ичак чарвиларида, жигар устида учрайдиган ингичка ўғинли бўлиши мумкин.

**Ценурус** - тузилиш жиҳатидан юмалоқ, овал шаклидаги ингичка бўйинли *Cysticercus tenuicollis* га ўхшаш. У ташқи томонидан жуда зич ва қаттиқ бириктирувчи тўқимадан тузилган парда билан ўралган бўлиб, ички суюқлик билан тўлган текинхўр бошчаси – сколекси товланиб кўриниб туради.

Ценуруснинг герментатив парда деб аталувчи энг ички қатламида жуда кўп (100 тадан 600-700 тагача) бошча – сколекс жойлашганлиги бош миясида (айрим ҳолларда қорамолларда ҳам) текинхўрлик қилиб, *Caenurus cerebralis* деб аталади. Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг тери ости ҳамда гўшт қатламида *Caenurus cerealis* деб аталувчи ценуруслар ҳам жуда кўп учрайди.

**Эхинококк** – тасмасимон ясси гельминтлар орасида энг мураккаб шаклдаги пұфакдир. Эхинококк пұфаклари нўхатдек ва ундан каттароқ, ҳатто одам боши катталигича бўлиши мумкин. Пұфак суюқлик билан таранг тортилган. У ташқи томонидан уч қатламли парда билан қопланган бўлиб, ташқи биринчи парда бириктирувчи тўқимадан тузилган, иккинчи хитинлашган ва энг ички учинчи қатламга герминатив, яъни эмбрионли қатлам деб юритилади.

Эмбрион парда деворларидан жуда кўп миқдорда илмоқли сколекслар ва қин пұфакчалар куртаклаб туради. Ушбу кичкина-кичкина қум донаси ҳажмидаги сколекс ва қин пұфакчалар парда деворидан суюқликка тушиб, эркин сузуб юради.

Айрим хилдаги она эхинококк пұфакчаларнинг ичида иккинчи ва унинг ичида яна навбатдаги пұфакчалар жойлашиб, уларнинг ҳаммаси суюқлик билан тўлиб, ичида сколекслари бўлади.

Шундай қилиб, эхинококкнинг она пұфакчалари ичида иккинчи ва учинчи личинкалар бўлиб, уларнинг ичида яна вояга етмаган навбатдаги личинкалар бўлиши ҳамда герменатив пардасига жуда кўп миқдорда сколекс ва қин пұфакчалари борлиги билан бошқа ҳар қандай пұфакчалардан фарқ қиласи. Бу пұфакни аниқлаш ва бошқалардан фарқ қила билиш ветеринария амалиётида эхинококкоз касаллигига қарши кўрашиш тадбирларини ўтказишида катта аҳамиятга эга.

**Стробилоцерк** – сколекси қуролланган танасининг охирги кичкина пұфакчаси бўлиб, у узун ўғинли стробила билан таъминланган личинкадир. Бунга сичқон ва бошқа кемирувчиларнинг жигаридаги яшовчи личинка –

*Hydatigera faenformis* стробилоцерки мисол бўла олади. Одатда Ушбу цестоднинг тасмасимон шакли мушук ичакларида яшайди.

**Дитиридий** – сколекси қуролланмаган, фақат тўртта сўргич билан таъминланган, думидаги қўшимча ўсимтасининг пуфакчаси йўқ личинкадир. Бунга гўштхўр ҳайвонларнинг ичагида паразитлик қиладиган *Mesocestoides Lineatus* мисол бўлиб, унинг личинкаси – дитиридий кемирувчи ҳайвонларнинг тана бўшлиғида текинхўрлик қиласи.

**Процеркоид** – танасининг олд қисмида сўргичсимон чуқурчаси, дум томонида эса шарсимон пуфакча шаклидаги илмоқли қўшимчаси бўлган личинкадир. Проперкоид икки оралиқ хўжайн (балиқ) танасида плероцеркоидга айланиб, унинг бош томонида жўяксимон сўргич-ботрия ривожланади.

Цестодлар (*Cestoda*) беш туркумга бўлиниб, ветеринария нуқтаи назаридан куйидаги икки туркумни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

1.«Лентасимонлилар» (*Pseudophyllidea*) туркумига киравчи вакилларнинг бошчасида – сколексида иккита жўяксимон сўргичи бўлади ёки фақат танасининг олд қисмида битта ботрияси бор. Уларнинг бачадонлари юмалоқ ёки халта шаклида бўлиб, бўғин ўртасида очиладиган жинсий тешиги мавжуд. Тухумларида қопқоқчаси бўлади.

2.«Занжирсимонлилар» (*Cyclophyllidea*) туркумига киравчи вакилларнинг боши – сколекси тўртта сўргич билан таъминланган бўлиб, жинсий тешиги бўлмайди. Етилган бўғинлари (проглоттилари) танадан узилиб ажралади ва тухумларида қопқоқчаси бўлмайди.

**Қорамолларни цистицеркози (финноз) ва одамларнинг тениаринхози.** Цистицеркоз – гельминтоз касаллик бўлиб, *Cysticercus bovis* личинкалари билан ҳайвоннинг мускул тўқималари ва баъзан бошқа аъзоларининг заарланиши натижасида келиб чиқади. Кўзгатувчисининг вояга етган турлари (солитерлар) – *Taeniarhynchus saginatus* эса одамларнинг ингичка ичагида паразитлик қилиб, уларда тениаринхоз касаллигини чақиради.

Одамларнинг ичагида қорамолларнинг қуролланмаган солитёри учрайди. Бу гельминтозларда қорамоллар оралиқ, одамлар эса асосий хўжайн ҳисобланади. Баъзи ҳолларда одамлар оралиқ хўжайн бўлишлари ҳам мумкин.

Оралиқ хўжайн (қорамол) озуқа билан гельминт тухумларини ютиб юбориши натижасида заарланишса, асосий хўжайн (одамлар) ғумбак (финна) билан заарланган гўшtlарни яхши пиширмасдан истеъмол қилиш натижасида заарланадилар.

**Касалликнинг тарқалиши ва иқтисодий заари.** Кўп сонли гельминтологик текширувлар шуни қўрсатдики, қорамол цистицеркози билан барча вилоятларнинг фермаларида учраб туради. Бу касаллик тарқалган оддий хўжаликларда 2,6 – 8,9% моллар заарланган бўлса, чорвачилик комплексларида у 1,3 – 10,3% гача учрайди. Комплексларда цистицеркознинг кенг тарқалишига асосий сабаблардан бири кичикроқ ҳудудда кўп молларни тўплашдан иборат.

Шунингдек, тениаринхоз билан оғриган кишиларнинг узоқ вақт давомида паразитнинг етук бўғинлари билан тухумларини ажратиши ва уларнинг ташқи муҳитда 12 ойгача, чорвачилик биноларида 18 ойгача, ахлат ва сийдикда 8 ойгача, сувда 6 ойгача, ўт-пичанда 4 ойгача сакланиши каби омиллар ҳам инвазиянинг ривожланишига олиб келади.

Республикамиз вилоятларида қуйидаги миқдорда учраши қайд этилган: Қорақалпоғистонда – 7,7, Самарқандда – 7,3, Бухорода – 9,8, Қашқадарёда – 9,3, Фарғонада – 12, Навоийда – 11,5, Наманганда – 13,5, сурхондарёда – 10,3% учрайди. Ваҳоланки, шу вилоятлар гўшт комбинатларининг ишлаб чиқариш ветеринария назорати бўлими ходимлари эса 0,02 – 0,79% учрайди деб ахборот беришган.

Ўзбекистонда бир йилда ҳар ўн минг кишидан ўртача 24 киши тениаринхоз билан оғрийди. Ана шу ҳисобга жумладан, Хоразм вилоятида 240 киши, Андижонда 323, Қашқадарёда 539, Наманганда 228, Тошкентда 1200, Фарғонада 585, Самарқандда 2800, Қорақалпоғистонда 950 киши Ушбу дард билан шифокорларга мурожаат қилишган.

Ўзбекситон шароитида асосан қорамолларда кўпроқ учрайдиган цистицеркоз касаллиги сўйилаётган молларнинг 10% га яқинида мавжудлиги аниқланмоқда. Ветеринария мутахассислари бу касалга чалиниб сўйилган моллар гўштининг 1% ини истеъмолга яроқсиз деб топмоқдалар.

Бундан ташқари, цистицеркоз касалига чалинган боқувдаги ёш мол ўртача 40 кг вазнда семизликдан қолади.

**Касаллик қўзғатувчининг тузилиши.** Одамлар ингичка ичагида яшовчи занжирсимон гельминтларнинг вояга етган турлари тасмасимон шаклдаги узунчоқ ясси танадан иборат бўлиб, қуйидаги қисмларга: бошчаси (сколекс), бўйинча ва ундан чиқувчи кўп сонли ясси бўғинлар – стробилага бўлинади.

Гельминтнинг бошчаси (сколекс) текинхўрнинг ичак деворига ёпишиб олишида қўл келади. Унинг ёпишиб олишида 4 та сўрғичи асосий восита ҳисобланади. Гельминтнинг ўсиши қуйидаги тартибда бўлади: бўйинчада бурмача ҳосил бўлиб, у ўсади ва биринчи бўғинга айланади, кейин улар орасидан иккинчи бўғин ўсиб чиқади ва шу тахлитда давом этаверади. Шундай қилиб, дастлабки бўғин бошчадан анча узоқлашгандан кейин унда тўла тухум ҳосил бўлади ва мустақил равишда узилиб, ичакдан ахлат билан ташқи муҳитга чиқади.

Паразит танасининг умумий узунлиги 2 м.гача етади. Ҳар бир бўғин алоҳида организмдек ўзининг барча аъзоларига эга бўлади. Бўғиннинг катта қисмини хунаса жинсий аъзолар эгаллаб олган бўлади. Дастлаб эркаклик жинсий аъзолар – уруғдон ва уруғ йўли, сўнгра эса ургочилик аъзолар – тухумдон, бачадон ва қинлар тарақкий этади.


**Ривожланиши.** Одам ахлати билан ташқи муҳитга тушган етук бўғинлар ахлат билан чириб парчалангач, ундаги тухумлар ёруғликка чиқади. Битта гельминт бир йилда 440 миллионгacha тухуми бўлган 25 мингта етук бўғин ажратади.

Тухумлар уч қават парда билан қопланган бўлиб, юмалоқ ёки овалсимон шаклга эга. Унинг катталиги 0,031-0,038 мм гача бўлади. Тухум ичида онкосфералар сақланиб, унинг уч жуфт хитинлик илмоқчалари бўлади. Айнан шулар (онкосфера) одам ва ҳайвонларнинг заарланиш манбаи ҳисобланади.

Таркибида тухуми бўлган одам ахлатларининг яйловларга тушиши натижасида сув ва ем-хашак ҳам заарланади. Натижада заарланган озуқа ва сув орқали паразит тухуми ҳайвон организмига ўтади ҳамда ошқозон шираси таъсирида тухумнинг пўсти ҳазмланиб, муртаклар (онкосфералар) озодликка чиқади. Кейин эса илмоқчалари ёрдамида ичак деворини тешиб, қон ва лимфа томирларига тушади. У ердан қон ва лимфа оқими орқали барча аъзолар томон ҳаракат қилади.

Сўнгра мускул тўқималарида ва бошқа аъзоларда жойлашиб олиб, секинлик билан ўсади, илмоқчаларидан ажралади ва бошчаси ичига қайтган ғумбакка (финна) айланиб, уларнинг личинкалик босқичи тугайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорамолларнинг цистеркоз билан заарланишида ягона манба одамлар бўлса, одамларнинг тениаринхоз билан оғришларида эса ёлғиз манба – касал қорамоллардир.



**Клиник белгилари.** В.С.Ершовнинг (1933) маълумотига қараганда, цистицеркоз билан заарланирилган бузоқларда ва катта ёшдаги молларда дастлаб тана ҳарорати 40-41 даражага кўтарилиб, нимжонлик, ширроқи ич ўтиши бошланган ва бу ҳол 4-5 кундан кейин тўхтаган. Ҳайвонлар иштаҳасизланиб, кавш қайтариш, ошқозон олди бўлмаларининг ҳаракати тўхтаган.

Ширдон ва тўр қорин босиб кўтарилганда ҳамда оёқ чайнаш, елка ва қорни мускуллари пайпасланганда, ҳайвонлар қаттиқ безовталанган. Шунингдек, кўринарли шиллиқ пардаларнинг оқариши ва намсизланиши кузатилиб, кўз шиллиғи сарғайган ҳамда нафас олиш ва юрак уриши ортиб, минутига 90 тага етган.

6-7 кун ўтгач, ҳайвонлар ўзларини тутиб оладилар ва 8-12 кунга бориб клиник белгилар йўқолади. Айrim ҳолларда касал молларнинг ўндан бир қисми нобуд бўлиши мумкин. Бунда 7-куни тана ҳарорати кескин пасайиб, 8-куни ўлади.

Одамлар ичагидаги ёш паразитлар 7-10 см ўсса, унинг етук турлари 6-7 см ўсади. Бу асосий хўжайин (одам) организми ҳисобидан бўлиб, у кишини ориқлашга, бўшашишга, уйқучан бўлиб қолишга олиб келади. Айниқса, ёш болалар ва ўсмирларда касаллик оғир кечади. Шўх, ҳаракатчан болалар ялқов ва инжиқ бўлиб қолишади.

**Паталогоанатомик ўзгаришлар.** Цистицеркоздан ўлган ҳайвон танасининг шикастланган қисмларида мускуллар, қон томирлари ва асаб қисмларининг сезиларли даражада морфологик ўзгариши қайд этилади. Гистологик текширувда ғумбаклар жойлашган қисмларда эозино菲尔 лейкоцитларнинг тўпланиб қолганлиги кузатилади. Кичик веналар ва капиллярлар кенгайиб, қон билан тўлганлигини, айrim томирлар атрофида қон қуйилганлиги сезилади. Мускул толалари бироз шишган ва лойқаланган бўлади.

**Касалликнинг олдини олишдаги умумий тадбирлар.** Бунда қорамолларнинг цичтицеркоз билан заарланишининг олдини олишда қуйидаги тадбирлар муҳим аҳамияга эга.

1.Чорвачилик ферма ва комплексларида ветеринария-санитария қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

2.Маълумки, цистицеркоз билан касалланган ҳайвонларни ўз вақтида аниқлаш учун уларнинг тили пастки томонидан пайпаслаб кўрилади. Бунда тилнинг пастки қисми шиллиғи тагида буғдой дони ёки нўхатдек бўлган цистицерклар яхши кўриниб туради. Бу усул билан 65-70% заарлланган ҳайвонни аниқлаш мумкин. Шунингдек, цистицеркоз кўп учрайдиган хўжаликларда бу усулни кенг қўллаш;

3.Нософлом деб ҳисобланган хўжаликларда нилверм (тетрамизол) дорисини қўллаш йўли билан ҳар бир молни гельминтсизлантириш тавсия этилади. Бунда 100 мл дистилланган сувга 10-12 г нилверм эритилиб, асептик эритма тайёрлаш тавсия этилади.

4. Молларни хўжалик шароитида сўйиш учун албатта маҳсус жиҳозланган жой бўлиши лозим. Бунда совутгич хоналар ҳам зарурлигини унумаслик керак;

5. Сўйилган мол гўшти ва бошқа органларни албатта ветеринария кўригидан ўтказилиб, лозим топилганлари заарсизлантирилади, ўта шикастланганлари эса қуидириш ёки қўмиш йўли билан йўқотилади;

6. Ўлик жасадларни йифиш ва утилизация қилишни тўғри ташкил этиш, уни яхшилаб жиҳозлаш лозим.

**Қорамол цистицеркозига қарши қўрашишнинг ветеринария-санитария тадбирлари.** Барча чорвачилик хўжаликларида цистицеркоз касаллигининг олдини олиш учун қўлланиладиган тадбирлар режали равишда ташкил этилиб, унга тўла амал қилиниши лозим.

Бу тадбирлар қуидаги талабларни бажаришдан иборат:

1. Қорамол гўштини цистицеркозга қарши ветеринария-санитария экспертизаси қилиш.

2. Экспертиза ветеринария врачи ёки фельдшер қуидаги ўтказиши лозим: дастлаб тил ва чайнаш мускуллари, сўнгра юрак, ички органлар ва тана мускуллари текшириб кўрилади.

3. Ташқи чайнаш мускуллари ҳар икала томонидан узунасига 2-3 мм чуқурликда ва 8-11 кенгликда юпқа қилиб кесилади, у ташқи юзасига параллел ва пастки жағнинг қуий қисмидан ёноқ суюгига йўналган бўлади. Ички чайнаш мускуллари эса битта узунасига кесилиб пастки жағ юзасига параллел ва унинг четки қисмидан қанотсимон суюкка қараб йўналтирилади.

4. Юракни текшириш эса, унинг кўйлакчасини ёриш ва эпикардни кўрикдан ўтказишдан юошланади. Цистицеркларнинг эпикард тагида учраши кўп кузатилади. Сўнгра эса узунасига икки-уч марта кесилиб, ўнг ва чап бўлмалар ҳамда қоринчалар очилгач миокард ва эндокардга қаралади.

5. Ҳайвон гўшти текширилганда, елка-кўрак бўғин мускуллари, диафрагма, бўйин, энса ва чуқур бел мускуллари кесб кўрилади. Бўйин мускулларини кесганда, дастлаб трапециясимон мускул кўрак суюгининг олдинги қисмидан биринчи бўйин умуртқасига (атлантга) қаратиб кесилади ва кўрилгач, мускул толалари йўналишида кесиш давом эттирилади.

6. 40 квадрат сантиметр юзада учтадан ортиқ цистицерк қайд этилганда, жами гўштлар, ички органлар, тил ва кала утилизацияга юборилади. 40 квадрат сантиметр юзада учтадан кам цистицерк бўлган ҳолда эса гўшт, ички органлар, ёғ, мия, елка ва оёқлари тўла заарсизлантирилади.

**Цистицеркоз билан заарланган қорамоллар гўштларини заарсизлантириш.** Бунда асосан уч хил – қайнатиш, музлатиш ва тузлаш усуслари мавжуд бўлиб, қуидаги тартибда амалга оширилади.:

1. Қайнатиш учун гўшт 8 см қалинликда ва 1,5-2 кг оғирликдаги бўлакларга бўлинib, очиқ буғ қозонларда 3 соат, 0,5 атмосфера босимдаги буғли ёпиқ қозонларда эса 2,5 соат давомида қайнатилади. Гўшт бўлакларининг ички ҳарорати 80 даражага етгандагина, заарсизлантирилган ҳисобланади;

2. Музлатиш усулида заарсизлантирилганда, гўштнинг ички ҳарорати бирданига – 12 даражагача совутилади ёки – 6 даражагача совутилиб, - 9 даражали музхонада 24 соат давомида сақланади. Агар музхона – 16-17 даражада бўлса, гўшт қотадиган ҳарорат 3 суткадан кейингина – 6 даражада совуши мумкин;

3. Гўштни тузлаб заарсизлантирилганда, қишлоқ усулдан фойдаланилади: гўшт 2,5 кг дан ортиқ бўлмаган бўлакларга бўлиниб, унга туз сепилади ва қават-қават қилиб идишларга тахлаб жойлаштирилади. Устидан эса гўшт умумий оғирлигининг 10 фойизини ташкил этадиган микдорига етгунча туз сепилади. Сўнгра Бомэ усули бўйича 24 даражада иссиқликдаги шўр сув қўйилиб, 20 кун сақланади;

4. Цистицеркоз қайд этилган барча ҳолда ветеринария ходимлари табобат (медицина) ташкилотларини огоҳлантириши ва инвазия манбаи аниқланиб, уни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилиши лозим. Шунингдек, гельминтологик билимларини чорвадорлар ва барча аҳолига кенг тушунтириш ҳам ветеринария мутахассислари билан шифокорлар зиммасига юклатилади.

**Цистицеркоз ва тениаринхоз касалликларининг олдини олишда тиббий-санитария тадбирлари:** 1. Йилнинг ҳар чорагида бир марта барча чорвадорлар, уларнинг оила аъзолари ва яқин атрофда яшовчиларда тениаринхоз ташувчиси бор ёки йўқлигини текшириб туриш.

2. Тениаринхоз билан касалланганларни шифохоналарга ётқизиш ва даволаш (гельминтсизлантириш, ахлат (экскремент) ларини ва тушган гельминтларни қайнатиш йўли билан заарсизлантириш).

3. Тениаринхоз ва цистицеркоз кенг тарқалган ўчоқларда чорвадорларга йилига икки марта фенасал ичириб, химиявий усулда касалликнинг олдини олиш.

4. Чорвачилик ферма ва комплекслар атрофида 100 м дан узоқ бўлмаган масофада чуқур қазиб, томи ёпилган ҳожатхоналар қуриш ва уларни юз-қўл ювгич, совун, сочиқ билан жиҳозлаш.

5. Заарсизлантирилмаган ҳожатхона чиқиндиларини ўғит сифатида далаларга сепишни манн этиш.

6. Аҳоли ўртасида доимий равишда санитария-тушунтириш ишлари олиб бориши.

7. Барча кишиларга тениаринхоз ва цистицеркоз қўзғатувчисининг ривожланиши босқичларини тушунтриш.

8. Аҳолига хом ва яхши пишмаган гўшт ҳамда гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш хавфли эканлигини ўқтириш.

9. Ҳар бир киши ўз ахлатида гельминт бўғинчалари борлигини сезганида, дархол шифокорларга учрашиши лозимлигини билиши шарт.

## 1.2. Эхинококкоз ва ценуроз

## **Режа:**

5.2.1 Эхинококкоз – таърифи, тарқалиши, иқтисодий зарари, ижтимоий аҳамияти, қўзғатувчиси, биологияси, патогенези, клиник белгилари, диагноз, олдини олиш тдбирлари.

5.2.2. Ценуроз – таърифи, тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчиси, биологияси, патогенези, клиник белгилари, диагноз, даволаш ва олдини олиш тадбирлари.

**Таянч иборалари:** Эхинококк, ценур, онкосфера, стробила, ценур пуфаги, стрел пуфак, асефацистикус, *hominus*, ларвал пуфак, етилган бўғин.

**5.2.1. Эхинококкоз** - гельминтозооноз касаллик бўлиб, *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) нинг паразитлик қилиши натижасида келиб чиқади. Эхинококкларнинг личинкалик формалари 60 турдан ортиқ сут эмизувчиларда, жумладан қўйлар, қорамоллар, чўчқалар, эчкилар, туялар, йилқилар ва эшакларнинг организмларида паразитлик қиласи.

Шунингдек, эхинококкоз касаллиги билан одамлар ҳам касалланади. Паразитнинг личинкалик формалари асосан жигар, ўпка, юрак, талоқ, буйрак ва бошқа органларда жойлашади.

Паразитнинг вояга етган турлари эса ит, чиябўри, ёввойи ит (динго), бўри, тулки, Шер ва қоплонларнинг ингичка ичак бўлимларида паразитлик қиласи.

**Тарқалиши ва иқтисодий зарари.** Эхинококкоз барча жойларда тарқалган бўлиб, қўйчилик ривожланган зоналарда эса кўпроқ учрайди. Қоракўлчилик зоналарида *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) нинг вояга етган формасини биринчи бўлиб рус сайёхи А.П. Федченко маълум қилган.

Эхинококкоз Республикамиз чорвачилигига – қўй-эчкилар, қора моллар ва чўчқалар орасида кенг тарқалган инвазион касаллик ҳисобланади (Н.Баданин, Н.матчонов, Э.Эргашев).

Республикамиз бўйича-26-57% гача, шаҳар шароитида итлар орасида эса-10-18% дан иборат. Шунингдек, жумҳуриятимиз шароитида тулки ва бўриларнинг ҳам ингичка ичагидан Эхинококкнинг етук турлари топилган.

Эхинококкоз одамларда ҳам учраб туради. Эхинококкоз касаллиги сўйилаётган қорамолларда 38,6% гача учрамоқда. Чорва моллари турлича касалланишини ҳисобга олиб, касаллиқдан кўрилаётган иқтисодий зарарни моллар турлари бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

**Қорамолчиликда** – эхинококкоз касалига чалинган 1000 бош молдан хўжалик қуидагича иқтисодий зарар кўради:

1. Касал молларнинг 5% и (50 боши) чиқилиш бўлиши мумкин.
2. Қолган молларнинг ўсиш-семиришдан ортда қолишидан анча кам гўшт маҳсулоти олинади.
3. Ўша минг бош қорамолнинг 40% и соғин сигир деб олинса, унинг ҳар бири йил давомида сутини ўртacha 180 килограммга камайтиrsa, жами 27 792 кг маҳсулот олинмаслигидан зарар кўради. Ҳар юз бош касал сигирда 3 тадан жами 12 бош бузоқ олинмай қолиниши ҳам катта йўқотиш ҳисобланади.

4. Сигирлардан ташқари, ёш ва боқувдаги молларнинг 50% и сўйилса, улардан олинмай қоладиган ички ёғ – чарвиси, уларнинг 50% идан олинган ўпка, жигар маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз деб топилади. Сўйилган моллар гўштининг 50% и иккинчи категорияли деб баҳоланса, у ҳам заарга олиб келади.

**Қўйчиликда** ҳам Э.Эргашев ва В.Содиковнинг маълумотларига кўра бу касалликнинг зарари жуда катта. Касаллик қоракўл қўйлари орасида 59,2% гача учрайди. Бундай ҳолда 1000 бош қўйли отар қўрадиган зарар қуидагича бўлади:

1. Касал қўйлардан 10% и ёки 59 боши нобуд бўлади.

2. Ҳар бир касал қўйдан сўйилган вазнда 2,5 кг гўшт, 400г ёғ ва 400 г жун, ҳар юз бош совлиқдан 10 тадан қўзи олинмай қолади.

3. Агар хозирча ветеринария врачларининг хulosасига кўра, бу касалликни даволашнинг иложи йўқлигидан касал қўйлар сўйилса, ундан олинадиган қўшимча гўшт маҳсулотларининг 50% и истеъмолга яроқсиздир.

**Касаллик қўзғатувчисининг тузилиши.** Стробила 2,7-5,4 мм узунлиқда бўлиб, унча катта бўлмаган – 0,258-0,369 мм диаметрдаги сколекс ва 3-4та бўғинчалардан ташкил топган.

Сўрғичининг диаметри 0,098-0,133 мм, ҳартумчасиники эса 0,110-0,140 мм атрофида бўлади. Ҳартумча икки қаторли илмоқчалар билан (36-40) қуролланган бўлиб, уларнинг шакли ва катталиклари ниҳоятда хилма-хилдир. Биринчи қатор илмоқчалари 0,032-0,043 мм узунлиқда бўлса, иккинчи қатордагилар 0,020-0,036 мм га тенгдир.

Илмоқчалар дастаси нотекис бўлиб, уларнинг узунлигитигиниiga нисбатан қисман узунроқ бўлади. Баъзан илмоқча дастаси кучли кенгайган бўлиб, ғадир-будир шаклда, айrim ҳолларда эса узунлиги тиф узунлиги билан teng ёки қисқароқ ўсимта шаклида бўлади.

Урғочи жинсий органлари гермафродит бўғиннинг орқа учидан бир қисмида жойлашган.

Тухумдон ингичка бўйинча билан туташган иккита овалсимон компакт моддадан иборат. Сариқлиги тухумдон ортида ёки бўғиннинг орқа қисмига яқин ётади. Тухумдон ва сариқлиги орасида эса Мелис таначаси жойлашган.


Уруғдонлар сони 32 тадан 40 тагача бўлади. Жинсий бурса узунлиги 0,225-0,266 мм бўлиб, бўғиннинг қарийиб ўртасигача етади. Жинсий тешиклари доим бўғиннинг орқа ярмига очилади. Етилган бўғиннинг узунлиги 1,271-3,175 мм, жинсий тешик эса бўғиннинг олдинги қисмидан 0,697-1,658 мм масофада очилади. Бачадон етилган бўғиннинг бутун танасай бўйлаб жойлашган бўлиб, шакли ва миқдори доимий бўлмаган ёнбош шохчалари ва бўртмаларига эга.

Эхинококк пуфакларининг 3 тури фарқланади:

**1.E.veterinorum**-нинг герментатив пардасида чиқувчи капсула жойлашган бўлиб, унинг эхинококк ларвоцистлари шаклланади. Кўп ҳолларда сколекс капсуладан пуфак суюқлигига узилиб тушадива эркин сузуб юради.

**2.E.hominis**-нинг герментатив пардасида эса иккиламчи ёки қиз пуфаклар ўсиб чиқиб, уларда эса «невара» пуфаклар ривожланади.

**3.E.acephalocystis** – стерил (тоза) пуфаклар ҳисобланиб, уларда сколекслар бўлмайди. Эхинококк пуфаклари устки томонида сурункали яллиғланиш оқибатида хўжайин тўқималари ҳисобидан ҳосил бўлган бириктирувчи тўқималик, фибринли капсула билан қопланган. Капсула зич, нисбатан юпқа, сарғиш-оқ тусда бўлиб паразит шаклига мос равишда унинг хитин пардасини қоплаб туради.



**Ривожланиши.** *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) нинг вояга етган формаси ит, чиябўри, ёввойи ит, бўри, тулки, Шер ва қоплонларнинг ингичка ичакларининг олдинги бўлимларида паразитлик қиласи. Ҳайвонлар ва одамларга эхинококкларни асосан итлар тарқатадилар.

Ўзбекистондаги чорвачилик фермаларида зааррланган итлар ўртача 16% ни ташкил қиласа, отарда юрадиган итларда эса янада интенсивроқ (бир неча мингдан миллионтагача стробила) бўлади.

Жумхуриятимизнинг шаҳарлари шароитидаги итлар ўртача 18% заарланган бўлиб, интенсивлиги камроқ – 15-18 нусхагача бўлади. Асосий хўжайинлар (итлар) инвазияни яйловлар, қўтонлар, сугориш жойлари, қудуқлар, ҳовузлар, турар жойлар, томорқалар ва бошқа жойларда тарқатадилар.

Битта етук бўғинда 800 тагача тухум (онкосфера) бўлади.

**Оралиқ хўжайинлар** – қўй-эчки, қорамол, қўтос, түя, кийик, тоғ такаси, буғу, тоғ эчкиси (архар), жайрон, жирафа, йилқи, эшак, кемирувчилар, сув ва ем-хашак орқали, шунингдек, одамлар ҳам эхинококк (онкосфералари) тухумлари билан заарланадилар.

Ошқозонда ошқозон шираси таъсирида тухумнинг (онкосферанинг) пўсти ҳазмланиб, эмбрион озодликка чиқади ва ичак деворига кириб олади.

Сўнгра эса қон ёки лимфа йўллари орқали хўжайиннинг бошқа органларига тарқалади. Улар асосан ўпка, жигар, талоқ ва буйракларда жойлашиб олиб, бу аъзоларни кучли шикастлантиради.

Эхинококк пуфаклари инвазион босқичгача 5 ой муддат давомида ривожланади. Улар тараққиётининг давомийлиги ҳайвоннинг тури, ёши, зоти ва жинсига узвий боғлиқ бўлади. Асосий хўжайинлар эса ўзи ўлган ёки сўйилган молларнинг эхинококк пуфаги билан заарланган орган ва тўқималарини ёйиш оқибатида касалланадилар. Паразитнинг вояга етиши учун 42-64 қун етарли бўлиб, етук формаларнинг ҳаётийлиги итлар организмида бир йилгача давом этади.

**Клиник белгилари.** Эхинококкоз қоракўл қўйларида сурункали оқимда кечиб, йиллаб давом этади.

Клиник белгилар эхинококк пуфакларнинг жойлашган ўрни, унинг миқдори ва тараққиёти даражасига боғлиқ бўлади. Жигар шикастланганда, ҳайвон ориклайди, отардан ортда қолади, кўринарли шиллик пардалар сарҳаяди, юпқа ёғ пардалик ич ўтиши кузатилиб, жигарнинг катталашуви, қўп касалланиши, дамлаш (тимпания) ва кавшашнинг сустлашуви қайд этилади.

Ўпка заарланганда эса, умумий ўзгаришлардан ташқари, нафаснинг сиқилиши-ҳансираш, давомли қурук йўтал, перкуссияда ўтмаслашув, эшитган (аускультация) да шикастланган бўлакларда везикуляр нафаснинг сустлашуви ёки умуман йўқлиги сезилади. Пуфак бош мияда жойлашган ҳолларда эса асабий бузилишлар – довдираб юриш, ўз ўқи атрофида каби ҳолатлар кузатилади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Эхинококкоз касаллиги оқибатида ўлган ҳайвон танаси ёриб қўрилганда, ўпка, жигар ва бошқа органларда эхинококк пуфаклари борлиги қайд этилади. Заарланган органларнинг ҳажми катталashiб, баъзан қўйлар жигарининг вазни меъёридаги 400-450 г ўрнига 6-7 кг га етади.

**Диагноз қўйиш ва уни фарқлаш.** Эхинококкозни асосан ценуроздан фарқлаш лозим. Ценуроз қўзғатувчилари фақат марказий асаб системасида – кўпроқ бош мияда, баъзан эса орқа мияда жойлашади. Эхинококк пуфаклари

эса турли хил орган ва тўқималарда, кўпчилик ҳолларда эса жигар ва ўпкада жойлашадилар.

Ценуроз касаллиги билан асосан 1-1,5 ёшгача бўлган моллар касалланади. Катталарида эса иммунитет пайдо бўлади. Шунинг учун вояга етган ҳайвонлар ценуроз касаллиги билан деярлик оғримайди. Демак, асосий эътибор жорий йил ва ўтган йилда тўғилган ёш молларга қаратилиши лозим.

Эхинококкоз билан касалланганда эса ҳайвонда ёшига боғлиқ бўлган иммунитетлик хусусияти бўлмайди. Ҳайвонлар ўзларининг бутун хаётлари давомида заарланади ва инвазия тўплайдилар. Катта ёшдаги ҳайвонлар ёш молларга қараганда тез-тез ва кучли заарланади. Ценуроз касаллиги секин ривожланади, заарланган ҳайвон 3-6 ойдан кейин сўнг нобуд бўлади.

Ўз-ўзидан соғайиш ҳоллари камдан-кам кузатилади. Эхинококкоз эса йиллаб ривожланиб, субклиник формада кечади ва ўз-ўзидан соғайиш ҳоллари қайд этилади. Ценуроз касаллигидан барча ҳайвонлар, эхинококқдан эса айрим моллар нобуд бўлади. Бир ёки бир неча эхинококк пуфаги борлигига асосланиб диагноз қўйиш тавсия этилади.

Эхинококкознинг клиник белгилари диагноз қўйишда асос бўлолмайди. Шунинг учун эхинококкозни диагноз қилишда аллергик реакция қўйиш усулидан фойдаланилади. Бунинг учун эхинококк пуфакларидан стериллаб олинган суюқлик намуналари тери остига юборилади.

**Казони реакцияси.** Қуруқ аллерген қукуни-порошоги (Қозон илмий тадқиқот ветеринария институти) натрий хлорнинг физиологик эритмаси билан аралаштирилиб (1:750), ҳосил бўлган аралашмани 1-2 граммлик шприц ва ингичка игна ёрдамида қўзнинг юқори қовоғи териси орасига ёки тананинг бошқа қисмига қуидаги дозаларда: қўйларга-0,2 мл, қорамолларга-0,5-0,75 мл юборилади. Аралашма юборилган жойда қўйларда ингичка, қорамолларда катта нўхатдек ғурра пайдо бўлади.

Реакция натижасида 2-3 соатдан кейин ўқилади. Аллергенни кўз қовоғи терисига юборилганда, штангенциркул ёрдамида босмадан ўлчанади. Бошқа бўлимларнинг териси орасига юборилганда эса терининг сифат ўзгаришлари (эрitema) ҳам ҳисобга олинади. Реакцияни баҳолашда юқоридаги стандарт шартларига риоя қилинади.

**Эхинококкоз** – инсонлар ҳаётига ҳам хавф туғдирадиган касаллик. Бунда уларни даволашда асосий усул – жарроҳ муолажасида эҳтиётсизлик қилинса, операциядан кейин бир неча ой ўтиши билан дард қайталаниши (рецидив) мумкин. Ю.С.Шлевич (1979) 20% операция қилинган беморларда худи шуни қайд этади.

Бундай ҳолларда консерватив даволаш усулидан фойдаланилиб, формалин, спирт, маҳаллий трипофлавин қўлланилса, тэпал цитостатиклар ва акрисалин оғиз орқали ичкарига юборилган. Сўнгги йилларда вермокс (мебендазол) нинг юқори Самара беришини таъкидловчи бир неча илмий тажрибалар ўтказилган.

Беморнинг аҳволи, унинг физиологик ҳолати, сийдик, қон ва бошқа биохимик кўрсаткичлар ҳамда ЭКГ маълумотлари орқали аниқладик.

Муаллифларнинг таъкидлашларича, препарат ортиқча салбий таъсирга эга эмас.

**5.2.2. ЦЕНУРОЗ.** Ценуроз – инвазион касаллик бўлиб, *Multiceps* (Goeze 1782) авлодига кирувчи цестодаларнинг личинкалиқ формалари (ценуралари) чақиради. Ҳайвонларда асосан *Multiceps* авлодининг иккита вакили – *Multiceps multiceps* (Leske, 1790) ва *M.skriabini* (Popov, 1937) Лар паразитлик қилади.

Бош мия ценурози (гирра, айланчиқ, тентак) – цестодоз касаллик бўлиб, қўй, эчки, қорамол, йилқи, тuya, шимол буғуси, як ва оққуйруқ (сайғоқ) ларнинг асосан бош миясида, баъзан эса орқа миясида *Coenurus cerebralis* нинг личинкалиқ формаларининг паразитлик қилиши оқибатида келиб чиқади. *M. multiceps* (Leske, 1790) нинг вояга етган турлари эса ит ва бўриларнинг ингичка бўлим ичакларида паразитлик қилади.

**Тарқалиши ва иқтисодий зарари.** Ценуроз Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатларида тарқалган. Ўзбекистонда асосан қўйчилик ривожланган вилоятларда кўп учрайди. Н.Матчонов, Э.Эргашев, П.Мўминов, М.Аминжанов ва уларнинг шогирдлари томонидан чукур ўрганилиб Республиkanинг барча ҳудудларида кенг тарқалганлиги аниқланган.

Ўзбекситонда *M. Multiceps* (Leske, 1780) ни ilk бор рус сайёҳи А.П.Федченко итларда учратган.

Ценуроз касаллиги қўйларда, асосан қўйларда учрайди. Ветеринария ходимларининг ҳисоб-китобларига кўра бу касалликка қоракўлчилик хўжаликларида 1% гача қўйлар мазкур касалга чалинади. Бу касалланган ҳайвонлар ичida тахсинан 86% ини шу йилги қўзилар ташкил қилади, қолганлари эса ўтган йилги ва бошқа кичик ёшдаги моллар ҳисобланади. Шу касалланган моллардан моллардан 10% и, нобуд бўлади.

Ўлмай қолган қўйларнинг ҳар биридан 10-12 кг гўшт йўқотилиши ҳисоблаб топилган. Мана шу таҳлил асосида мазкур касалликни туман, вилоят ва жумҳуриятимиз чорвачилигига қанча зиён етказишини ҳисоблаб кўриш мумкин.

**Касаллик қўзғатувчисининг тузилиши.** Цестода (стробила) тасмасининг узунлиги 40-100 см бўлиб, 5 мм энликдаги 200-250 бўғиндан ташкил топган.

Ноксимон сколекси 0,8 мм диаметрга эга. Кам ривожланган ҳартумчасининг диаметри 0,3 мм ва икки қаторда жойлашган 22-32 тагача илмоқчалар билан қуролланган.

Катта илмоқчалар 0,15-0,17 мм узунликда бўлиб, ўткир ва эгилган тифга эга. Кичик илмоқчалар эса 0,09-0,13 мм узунликка эга ва қисман эгилган ўткир тифлари мавжуд.

Сўркичлари эса 0,290-0,300 мм диаметрда бўалид. Бўйинчасининг узунлиги 2-3 мм. Яхши ифодаланган жинсий тешиклари бош қисмидан 47 мм масофада ёки 18-20-бўғинларда жойлашади.

Хунаса (гермафродит) бўғилари қарийиб квадрат шаклида бўлсада: эни узунлигидан қисқароқ бўлади. Орқа қимидаги етук бўғинлари (12-20) 6-11 мм

узунлиқда ва 3-5 мм кенгликка эга. Унчалик катта бўлмаган экскректор томирлари бўғин четидан 0,420 мм масофада узунасига жойлашган. Кетмакетлиги бузилган жинсий тешиклар эса бўртмалар ҳолида ёнбош бўйлаб жойлашган.

Эрқаклик жинсий органлари асосан 200 га яқин уруғдонлардан иборат бўлиб, бўғиннинг ўрта қисмида жойлашади. Уларнинг асосий тўплами бўйлама жойлашган томирлар яқинига йифилган. Бўғинларнинг ёнбош қисмларида уруғдонлар бўлмайди, шунингдек, уруғ йўли ва қин орасида ҳам учрамайди. Уруғ йўли бачадон танасининг ўртасидан бошланиб, эгилган ҳолда бўғиннинг четки ёнбошига, ундан ўтиб эса бурсага тушади.

Тухумдоннинг ҳар икала бўлаги қарийиб teng ва улар узунчоқ-овалсимон шаклга эга. Кичикроқ, учбурчаксимон сариқлиги бўғиннинг орқа қисми яқинида жойлашиб, унинг ёнбош қисмлари бўғин четларига етмайди. Мелис таначаси унча катта бўлмаган киритма бўлиб, тухумдон ва сариқлик орасида ётади. Қин ярим найсимон қин тухумдоннинг бир бўлаги эгилиши ҳисобига кенгайиб уруғ халтаси ҳосил қиласи. Етук бўғинларда бачадоннинг ўртанги ўқидан ҳар икала томонга 9-26 тадан шохчалар тармоқланган.

Тухуми (онкосфераси) 0,029-0,029 мм диаметрда бўлиб, 0,004 мм қалинликдаги парда билан қопланган. Тухум ўзида онкосферани, яъни шарсимон З жуфтдан жойлашган ҳаракатчан (муртак) илмоқчалари бўлган тузилмани сақлайди.

Тухумнинг ташқи (оқсил) пардаси ташқи муҳитда тез емирилади, қалин пардаси эса сақланиб қолади.

Битта етук стробила 21-66 мингтагача тухум сақлайди, у ўртacha 30 минггача бўлиши мумкин.

**Coenurus cerebralis** -нинг личинкалик босқичи одатда юмалоқ ёки овалсимон шаклдаги йирик ценураларга эга. Ценураларнинг пардаси тиниқ бўлиб, герментатив қобиқнинг ичида кўплаб сколекслар бўлади.

Ценураларнинг ичида рангиз суюқлик бўлиб, уларнинг катталиклари турли хил. Мияда жойлашувига ва ҳайвон турига боғлиқ ҳолда улардаги суюқлик миқдори 150-200 мл етади. Сколекслар тўда-тўда бўлиб розеткасимон, кўпчилик ҳолларда ценуранинг бир томонида жойлашган. Улар тескари қайрилган ҳолда бўлиб, 4 та сўрғичи ва жуфт илмоқчаси бўлади. Ценура пуфаги суюқлигининг таркибида тирозин, триптофан, аргинин, калий, кальций, магний, натрий, хлор, фосфатидлар ва бошқа моддалар учрайди.

**Ривожланиши.** Асосий (дефинитив) хўжайнин итлар, бўрилар, шоғоллар, енотсимон итлар ва тулкилар ҳисобланади. Тулкиларда мультицепслар кам учрайди.

Битта асосий хўжайнининг ингичка ичагида биттадан бир неча юзтагача стробила тасмалари бўлиши мумкин. Ҳар бир стробила бир сутка давомида ўзида кўп миқдордаги тухум (онкосфера) сақловчи 4-6 та етук бўғин ажратади. Ахлат билан ташқи муҳитга тушган тухумларнинг пўстлоғи емирилиб, яйловлар, тўшамалар ва сувлар онкосфера билан заарланади.

Мультицепсларнинг итлар ичагида яшаш муддати 6-8 ой, лекин, баъзан 1,5-2 йилгача давом этади.

**Эпизоотологияси.** Касалликнинг мавсумиялиги иқлим шароитига ва чорвачиликни юритишга боғлиқ бўлади. Қорақалпоғистонда ҳайвонларнинг энг кам заарланиши қиши фаслига тўғқри келса, баҳорда эса касаллик 2-3 марта кўпаяди. Ёз мавсуми бошланиши билан касал ҳайвонлар сони ортиб, кузда яна камайиб боради.

Ўзбекистонда (Э.Эргашев, 1973) асосан жорий йилда туғилган ёш моллар заарланади. Касаллик улар орасида ўткир оқимда кечиб, май-июнда кўп учрайди. Касалликнинг охирги формаси 2 ёшгача бўлган моллар орасида бутун йил давомида, кўпроқ ноябрь-март ойларида учрайди.

**Клиник белгилари.** Клиник белгилари қоракўл қўйларида уч босқичда намоён бўлади. Биринчи босқич заарлангандан 10-15 кун ўтиши билан бошланади. Бу белгилар қон билан актив ҳаракатланиб, ёш ценура муртаклари мияга тушганда пайдо

Биринчи босқичдаги белгилар бўлган яллиғланиш натижасида билинади. Касал ҳайвоннинг асаб системаси издан чиқиши билан ҳарактерланиб, ҳар беш бош молдан бирида сезилиши мумкин. Касал қўйлар мудраш, довдираф юриш, отардан ортда қолищ, иштаҳасизланиш, мажбурий ҳаракатланиш, кўз шиллиқ пардасининг қизариши, бефарқлик, бош суюги бўлимида ҳароратнинг ортиши каби белгилар қузатилади. Ҳайвон баъзан асабийлашади, шунингдек, қўрқоқ бўлиб қолади, ҳар томонга қараб мақсадсиз югуради, жойида тепинади, бир нуқта атрофида айланиб, тез-тез тўқишиб йиқилади, довдираф талvasаланади. Одатда бу ҳолат 1-2 ҳафтадан кейин ўтиб кетади. Айрим ҳолларда касал ҳайвонларнинг йигирмадан бир қисми ўлиши мумкин.

Иккинчи босқич ценура пуфагининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, 3-6 ой давом этади. Бу давр мобайнида ҳайвон соғломдек кўринса-да тиқилинч ва дим биноларда паст реакция эканлигини сезиш мумкин, тоза ҳавода эса ўзини яна ўнглаб олади.

Учинчи босқичда мия тўқимаси ценура пуфагининг катталашувидан емирилади ва бу ҳолат бир ёки бир неча ой давом этиб, ҳайвон ориқлайди ва нобуд бўлади.

Касал қўйнинг телбаланиши, отардан ортда қолиши, довдираф одимлаши, кўп қоқилиши, бошининг осилиши каби аломатлар бу босқичнинг ҳарактерли белгилари ҳисобланади. Шунингдек, ҳайвон бефарқ, камҳаркат, бекорга айланадиган, тишларини ғижирлатиб, кўп сўлак ажратадиган бўлиб қолади.

Мажбурий ҳаракатлар ценура пуфагининг мияда жойлашувига қараб хилма-хил бўлади. Касал ҳайвон айланма, гоҳ эса у ёқ бу ёққа ҳаракат қиласи, бошини осилтириб ёки ўта кўтариб юради. Баъзан ҳайвоннинг кўриш қобилияти пасайиши ёки йўқолиши мумкин.

Айрим ҳолларда ценура пуфагининг босими таъсирида мияни қопловчи суюклар юпқалашиши мумкин. Уни пайпаслаганда яхши сезилади. Ўша жойни босганда эса қўй чўкади ва йиқилиб, унда талvasаланиш ҳолати бошланади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Жасад ориқ, қонсизланган, ички органларда ценурозга хос белгилар кузатилмайды. Ҳарактерли белгилар бош мияда учрайди.

Биринчи босқичда миянинг бўртиқ юзаси эгри-бугри бўлиб, унда 1 мм диаметрдаги йиринг-қонли сарғиш тасма учрайди. Унинг атрофидаги қаттиқ парданинг ички юзасидан йиринг-фибринли қатлам хосил қилган бўлади.

Мия тўқималари ва томир боғламчаларида кам ёки кўп микдорда қон қуишиш, мия қоринчаларида лойқаланган суюқлик тўпланганлиги қайд этилади.

Учинчи босқичда ўлган ҳайвонлар бош миясида эса катталиги каптарнинг тухумидан тортиб товуқ тухумигача келадиган битта, баъзан иккита овалсимон пуфак топилади. Бош мия атрофияга учраб, ценура пуфаги яқинидаги қисмлари кичик доналар ёки қизғиши аталасимон моддага айланиб, зичлашиб қолади. Кўп ҳолларда битта, баъзан ҳар икала яrim шарлар атрофияга учрайди. Айрим ҳолларда ценура пуфаги ўзини қоплаб турган суяқ қопламасини тешиб юбориши ҳам мумкин.

**Диагноз қўйиш ва уни фарқлаш.** Диагноз қўйишда эпизоотологик маълумотлардан касал ҳайвоннинг ёши, йил фасли, ўтган йилда инвазиянинг бўлган-бўлмаганлиги ҳисобга олинади.

Маълумки, қоракўлчилик хўжаликларида касалликнинг ўткир формаси май-июнь ойларида қўзилар орасида кўп учрайди. Унинг охирги формаси эса куз-қиши мавсумларига тўғри келади. Кўзиларда ўткир формада ўта қўзгалувчанлик ёки мудроқлик белгилари намоён бўлади, кейинги формада – айланчиқлик, безовталиқ ҳолатига учраб, унга қўл уриб кўрилганда ценура бор жойларидан ўтмас товуш эшитилиши каби аломатлар маълум бўлади. Мия гумбазининг юпқалашуви ҳар доим ҳам пуфак ўрни билан мос келмаслигини ёдда тутмоқ лозим.

Қўйларда ценурани бефарқ диагностика қилиш учун Г.И.Ронжина (1952) томонидан офтальмоскопия усули тавсия этилган. Оддий оефлектор ёрдамида кундузги ёруғликда кўз тубига қаралади. Кўз қорачигини сунъий катталаштириш мақсадида ҳар икала кўзга 2-3 томчидан 0,5% ли атропин томизилади. Оқ жунли соғлом қўйларда кўриш асабининг сўрғичи шакли ловиясимон, ранги оқ-сариқ бўлади.

Тўқ рангли жунли қўйларда эса тўқ-сарғиш ёки сариқ ранга эга бўлиб, тўр пардаси доналар ва тўқ пигментлашган бўлади. Сўрғич ва асаб чегаралари ажралиб туради. Ценуроз билан касалланган қўйларнинг қўзи табида турғунлик ҳолати бўлади. Бу ҳол ценура пуфаги жойлашган қисмининг қарши тмоонидан бошлаб асаб сўрғичи ва тўр пардаси ўзаро қўшилиб кетади.

Вақт ўтиши билан уларда турғунлик ҳолати юз бериб, сўрғичнинг ранги ва шакли ўзгаради. Шунингдек, ҳайвонларда ценуроз касаллигини диагноз қилишда аллергик усулдан ҳам фойдаланилади.

Г.И.Ронжина томонидан (1940) илк бор аллерген сифатида сколекс ёки ценура пуфаги пардасидан тайёрланган эмульсия, яъни бир ҳисса мода ва 20

ҳисса 1% ли ош тузи эритмаси ҳамда стериллаб олинган 1:10 нисбатда 0,5% ли фенол билан концентланган ценура суюқлиги яратилди.

Аллергенни 0,2 мл миқдорда шприц ва ингичка игна ёрдамида қўзнинг юқори қовоқ териси остига юборилади. Ценуроз билан заараланган қўйларда бир соатдан кейин игна ўрнида 1,75-4,2 см диаметрда шиш-ғурра ҳосил бўлади.

Р.Г.Исмагилова томонидан антиген сифатида сколекс ва ценуроз суюқлиги тайёрланган оқ қуқун (порошок) ҳолидаги тўла қийматли Янги антиген тавсия этилган бўлиб, у ампулада чиқарилади ва ўз активлигини З йилгача сақлайди.

Аллергенни қўллашдан аввал у физиологик эритмада (1:750) эритилади ва 1-2 граммлик шприцдан фойдаланиб, асептика, антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда 0,2 мл миқдорда қўзнинг юқори қовоқ териси остига юборилади.

Муолажа тўғри бажарилса, игна ўрнида яққол сезиладиган бўртма шиш пайдо бўлади. Реакция З соатдан кейин шишни штагенциркулда ўлчаш йўли билан баҳоланади:

- а) шиш 2 см гача бўлса – салбий;
- б) 2,1-2,5 см бўлса – шубҳали;
- в) 6 см ва ундан катта бўлса – ижобий ҳисобланади.

Марказий асаб системасининг бузилиш ҳоллари юқумли касалликларда ҳам бўлиб туради, лекин уларнинг ўткир оқимда кечиши, ихтиёrsиз ҳаракатларнинг ва тажовузкорликнинг йўқлиги билан ценуроздан фарқ қиласи.

**Қоқшолда** – тетаник типирчилаш ҳарактерли бўлса, ценурозда бу ҳол бўлмайди. Ауески касаллиги эса ўткир оқимда кечиб, 2-3 кундан кейин ҳайвон ўлади. Шунингдек, ҳайвон танасининг жунсиз қисмларида кучли қичиш сезади.

**Листереллөз** – кам учрайди ва ўткир оқимда кечади. Инвазион касалликлардан қўйларнинг эстрозида албатта ринит кузатилади ва барча ёшдаги моллар оғриди.

Мониезиознинг асабий формасида ич ўтиши ва ҳайвон тезаги билан мониезия бўғинларининг ажralишига таянилади. Каналар чақирадиган шоллик (паралич) касалидан фарқлашга албатта яйлов каналарининг бор-йўқлиги инобатга олинади.

### **Асосий адабиётлар**

1. Шустрова М.В. Паразитология и инвазионные болезни животных. Россия, «Колос», 2006.
2. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларининг гельминтоз касалликлари, Тошкент, «Мехнат», 1992.
3. Ҳақбердиев П.С., Қурбонов Ш.Х. «Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари», Ўқув қўлланма., Тошкент, 2015.

### **Кўшимча адабиётлар**

2. Каримов И.А. «Юксак маънавият энгилмас куч». Маънавият Т, 2008.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
6. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э. Қоракўл қўйларнинг асосий гельминтозлари. , Тошкент, 2009.
7. Зооветеринария журнали. Тошкент, 2006-2014.

### **Интернет ва Ziyonet сайтлари**

1. [www.sea@mail.net21.ru](http://www.sea@mail.net21.ru)
2. [www.veterinary@actavis.ru](http://www.veterinary@actavis.ru)
3. [www.fvat@academy.uzsci.net](http://www.fvat@academy.uzsci.net)
4. [www.dbugs.net/page/6](http://www.dbugs.net/page/6)
5. [www.book.tr200.net/v.php?id=1329599](http://www.book.tr200.net/v.php?id=1329599)
6. [www.zivotnovodstvo.net.ru/parazitologiya/179.html](http://www.zivotnovodstvo.net.ru/parazitologiya/179.html)
7. [www.zivotnovodstvo.net.ru/parazitologiya/181.html](http://www.zivotnovodstvo.net.ru/parazitologiya/181.html)
8. [www.zivotnovodstvo.net.ru/parazitologiya/180.html](http://www.zivotnovodstvo.net.ru/parazitologiya/180.html)
9. [www.goldenpages.uz](http://www.goldenpages.uz)
10. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1- амалий машғулот: Эпизоотологик текшириш**

**Ишнинг мақсади:** Тинловчиларга эпизоотологик текширишнинг моҳияти, эпизоотик карта тузиш ва далотнома ёзиш, эпизоотик холатни ўргатиш.

Тинловчилар учун вазифалар:

Тинловчилар 4-5 киши бўлинишиб хўжаликни эпизоотик холати билан танишадилар ва эпизоотик текшириш далолатномасини тузадилар.

Эпизоотик текшириш маълум режа асосида бажарилади. Бу режа б босқичдан иборат.

#### **1. Хўжаликнинг умумий характеристикаси.**

Бунда хўжалик, туман, вилоят номи текшириш санаси, комиссия хайъати, топографик ер, иқлим шароитлари, хўжаликнинг ихтисосланиши, чорвачиликнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсатгичлари, ҳайвонларнинг турига ёшига қараб сони, уларнинг жойлашиши, сақланиши, емишлар билан таъминланиши, яйлов, ёзги яйлов ҳамда сувлоқлик билан таъминланиши, қон сўрувчи ҳамда ёввойи ҳайвонлар ёндашишига имконият борлиги фермаларни моллар билан тўлдириш имкониятини борлиги аниқланади.

#### **2. Ветеринария санитария холатига характеристика**

Хўжаликда ветеринария шифохонаси, аптека, лаборатория ва профилактика карантин учун хона-жой, қушхона, санитария ўтказиш пункти, дезинфекцион ғов, дизенфекцион гиламчалар, ҳайвонлар ўлихоналари ва биотермик қудуқларнинг мавжудлиги ва уларнинг ахволини ёритиш керак.

#### **3. Эпизоотик ахволни характеристикаси.**

Бунда хўжаликда бир неча йил олдин юқумли касалликлар учраган ва учрамаганлиги ҳақида маълумотлар олинади.

#### **4. Эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирлар ҳақида характеристика.**

Бу йўналишда хўжаликни носоғлом деб эълон қилингандан кейин ўтказилган барча профилактика карантин тадбирлари сўралади.

#### **5. Хулоса.**

Бунда касаллик борасида охирги диагноз қўйилади, инфекция қўзғатувчи манбай ва унинг тарқалиш йўллари тўғрисида маълумотлар тўпланади.

#### **6. Тавсиялар.**

Хўжаликдан олдин қўлланилаётган тадбирларга аниқ қилиб қўшимча тадбирлар ёки бундай тадбирлар режасини аниқ қилиб қайтадан тузадилар.

### **Назорат саволлари:**

1. Эпизоотик текшириш нима асосида олиб борилади?
2. Эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирларга ҳақида тушунча беринг.
3. Эпизоотик харита нима?
4. Биронта инфекцион касалликка таъриф келтиринг

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуганиев Ш.А, Вохидова Д.С, Абдулатипов А Зоогигиена Тошкент., “Янги аср авлоди” 2013 й.
2. Вохидова Д.С Эпизоотология ва микробиология Тошкент “Энциклопедия” 2010 й.
3. Ganti A. Sastry. Veterinary Pathology 2011 Германия
4. Tobias Schwarz – Veterinarycomputed tomographi -2011 Германия
5. P. J. Quinn - Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. – 2013. Australia
6. Charles M. Hendrix- Diagnostic Veterinary Parasitology. 2013 United Kingdom.
7. Bryan Markey, Finola Leonard, Marie Archambault, Ann Cullinane.- Clinical Veterinary Microbiology. 2013 США

### **2- амалий машғулот:**

#### **Хўжаликни эпизоотологик ахволини ўрганиш усуллари.**

**Ишнинг мақсади:** Тинловчиларга хўжаликни эпизоотологик текширишнинг моҳияти, эпизоотик карта тузиш ва далотнома ёзиш, эпизоотик холатни ўргатиш.

#### **Тинловчилар учун вазифалар:**

Талабалар 4-5 киши бўлинишиб хўжаликни эпизоотик холати билан танишадилар ва эпизоотик текшириш далолатномасини тузадилар.

Эпизоотик текшириш усуллари қўйидагилардан иборат:

- 1.Хўжаликни эпизоотологик текшириш ва уни кузатиш.
- 2.Эпизоотик жараённи қиёсий-тарихий ва географик таққослаш.
- 3.Эпизоотологик тажриба ўтказиш.
- 4.Статистик текшириш ва эпизоотологик таҳлил қилиш.

Хўжаликни эпизоотик ахволини ўрганиш вақтида қўйидаги саволларга жавоб топилади:

1. Хўжалик територияси, яйловлари, сув манбалари ва биноларнинг юқумли касалликлар бўйича соғломлиги.
2. Яқин қўшни хўжаликлар ва аҳоли пунктларининг юқумли касалликлар бўйича соғломлиги.
3. Хўжалик юқумли касаллик кириб келишидан қандай сақланади? (сотиш, сотиб олиш, транспорт, ёввойи ҳайвонлар, кемирувчилар, одамлар ва бошқалар).

4. Хўжаликнинг бошқа хўжалик билан алоқаси ҳамда бозор, ярмарка кўргазмалари орқали.

5. Хўжаликда карантин қоидаларига риоя қилиниши.

6. Ўтган йиллар мобайнида қачон, қаерда ва қанча, қайси ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар билан касалланиш ва ўлган ҳолатлар учраган.

Ушбу саволарга жавоб топилган кейин хўжаликни эпизоотик текшириш акти тузилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Эпизоотик текшириш режасини тузинг.
2. Эпизоотик жараённи қиёсий таққосланг
3. Хўжаликни соғломлигини нима асосида таръифланади?
4. Худудда эпизоотик вазиятёмонлашганда қандай тадбирлар амалга оширилади?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуганиев Ш.А, Вохидова Д.С, Абдулатипов А Зоогигиена Тошкент., “Янги аср авлоди” 2013 й.
2. Вохидова Д.С. Эпизоотология ва микробиология Тошкент “Энциклопедия” 2010 й.
3. Маматова М.Н Хусусий ва умумий эпизоотология Тошкент – 2010 й.
1. R.S. Chauhan. Veterinary Pathology 2010 Германия
2. Ganti A. Sastry. Veterinary Pathology 2011 Германия
3. Tobias Schwarz – Veterinary computed tomography -2011 Германия
4. P. J. Quinn - Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. – 2013. Australia
5. Charles M. Hendrix- Diagnostic Veterinary Parasitology. 2013 United Kingdom.

### **3- амалий машғулот:**

#### **Ветеринария изоляторлари билан танишиш**

**Ишнинг мақсади:** Касал ҳайвонларни ажратиш, изоляторлар, уларга қўйиладиган талаблар, изоляторларнинг тузилиши, иш тартиби, анжом ва асбоб ускуналар билан жиҳозланиши хақида тингловчиларга батафсил тушунча бериш.

#### **Тингловчилар учун вазифалар:**

1. Изолятор қурилишининг лойиҳасини мустақил чизиб олинг.
2. Изоляторга ҳайвонларни ўтказиш, уларга қараш учун маҳсус кишиларни ажратиш, дори дармонлар билан таъминлаш борасида буйруқ лойиҳасини тайёрланг.

Изоляция деган сўз ажратиш деган маънони билдиради. Касал ва касалликка гумон моллар умумий подасидан ажратиб олинади. Бу эса ўз

навбатида юқумли касалликка қарши курашнинг асосий талабидир. Касал ҳайвонга қараш маҳсус тайёргарликдан ўтган кишилар тамонидан бажарилади.

Улар маҳсус кийим-кечак билан таъминланади. Кийим-кечаклар изоляторда маҳсус шкафда сақланади ва вақти-вақти билан заарсизлантирилиб турилади.

Гўнгларни тозалаш, хашак тайёrlаш, сув билан таъминлаш жараёнида касалликнинг тарқалмалигига эътибор бериш керак. Оёқ кийимлар эса бўсаға ва эшик олдида қурилган дезоматларда заарсизлантирилади.

Касал моллар маҳсус хоналарда, баъзан эса тўдаси билан сақланади. Бир ҳил диагноз билан касалланаган ҳайвонлар кўпинча бирга сақланади. Касал ҳайвонга боғлиқ бўлган ҳамма ишлар маҳсус кийим – кечакда бажарилади. Касал ва унга гумон қилинган ҳайвонларни қабўл қилиш маълум изчиллик тартибида амалга оширилади.

Изолятор маҳсу лойиха асосида қурилиб, аҳоли яшайдиган пунктлардан, парранда фермаларидан 500 метр, автомобиль ва темир йўлдан 300 метр, чорвачилик ва мўйнали ҳайвонлар етиштириш хўжалигидан 200 метр, вилоят ва маҳаллий йўллардан камида 50-150 метр узоқликда бўлиши зарур. Изоляторларнинг баландлиги отлар учун 2,7 метр, бошқа ҳайвонлар учун 2,4 метр бўлиши керак. Изолятор хажми умумий пода бош сонининг 3-5 % ни ташкил қилиши керак.

### **Назорат саволлари:**

1. Изолятор сўзини маъноси?
2. Изоляторда нечта ветеринария врачи ишлаши мумкин?
3. Изоляторлар нималардан ташкил топган?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуганиев Ш.А, Вохидова Д.С, Абдулатипов А Зоогигиена Тошкент., “Янги аср авлоди” 2013 й.
2. Вохидова Д.С Эпизоотология ва микробиология Тошкент “Энциклопедия” 2010 й.
3. Маматова М.Н Хусусий ва умумий эпизоотология Тошкент – 2010 й.
4. R.S. Chauhan. Veterinary Pathology 2010 Германия
5. Ganti A. Sastry. Veterinary Pathology 2011 Германия
6. Tobias Schwarz – Veterinarycomputed tomographi -2011 Германия
7. P. J. Quinn - Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. – 2013. Australia
8. Charles M. Hendrix- Diagnostic Veterinary Parasitology. 2013 United Kingdom.
9. Bryan Markey, Finola Leonard, Marie Archambault, Ann Cullinane.- Clinical Veterinary Microbiology. 2013 США

**4- амалий машғулот:**  
**Юқумли касалліклар билан касалланған ҳайвонларни клиник текшириш.**

**Ишнинг мақсади:** Юқумли касаллик билан касалланған ҳайвонларни клиник текшириш усулдарини батавсил тушунтириш ва ўргатиш.

**Тингловчилар учун вазифалар:**

Юқумли касалліклар касалланиш даражаси ўрганиш. Ўта хавфли касалліклардан фарқлаш усулдарини ўзлаштириш.

Юқумли касалліклар билан касалланған ҳайвонларни клиник текширишда асосан уларни юқумсиз ҳамда ўта хавфли юқумли касалліклардан фарқлаш зарур, акс холда юқумли касаллікларни эпизоотик тарқалиши олиб келиши мүмкін.

Юқумли касаллікларни текшириш жарёнида қуидагиларга эътибор қаратиш зарур. Бизга маълумки айрим юқумли касалліклар ўтқир формада кечиб касаллик клиник белгилари тез намаён бўлади. Айрим юқумли касалліклар масалан Тебуркуллөз, бруцеллөз каби касалліклар сурункали формада кечиб клиник белгилар намаён бўлмайди.

Клиник белгилари асосида юқумли касаллікларга диагноз қўйиш бир мунча қийинчиликлар туғдиради, шу боисдан юқумли касаллікларга диагноз лаборатория шароитида амалга оширилади.

**Назорат саволлари:**

1. Юқумли касаллікларни нима мақсадда ўрганилади?
2. Туберкулезнинг йирик шрхли молларда кечишини таърифланг.
3. Бруцеллез касаллигини таърифланг.
4. Юқумли касаллікларга диагноз қўйишнинг замонавий усулдарини айтинг.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуганиев Ш.А, Вохидова Д.С, Абдулатипов А Зоогигиена Тошкент., “Янги аср авлоди” 2013 й.
2. Азимов Ж.А. Шакарбоев Э.Б. Ҳайвонлар триматодозлари Тошкент – 2003 й.
3. Вохидова Д.С Эпизоотология ва микробиология Тошкент “Энциклопедия” 2010 й.
4. Маматова М.Н Хусусий ва умумий эпизоотология Тошкент – 2010 й.
5. Tobias Schwarz – Veterinarycomputed tomographi -2011 Германия
6. P. J. Quinn - Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. – 2013. Australia
7. Bryan Markey, Finola Leonard, Marie Archambault, Ann Cullinane.- Clinical Veterinary Microbiology. 2013 США

## **5- амалий машғулот: Инвазион касалликларни профилактикаси. Умумий ва хусусий.**

**Ишнинг мақсади:** Инфекцион касалликларни олдини олиш тадбирлари билан талабаларни танишириш ҳамда умумий ва хусусий профилактика ишларини тушунтириш.

### **Тингловчилар учун вазифалар:**

Инвазион касалликлар касалланган ҳайвонларга қарши профилактика таларида фаол иштирок этиб керакли воситаларни рўйхатини тузиш.

Паразитар касалликларга ўтказиладиган олдини олиш ва соғломлаштириш ишлари илмий асослангандир.

Асосий вазифа ҳайвонларни паразитар касалликлардан асрash, касал юқтирмаслик ҳамда режа асосида чорвачиликн ривожлантириш, махсулдорлигини ошириш, ахолини зооантропоноз касалликлардан ҳимоя қилишдир.

**Амалиёт шароитида Паразитар касалликларга қарши ишлар учта ўзаро йўналишда олиб борилади:**

1. Соғлом хўжаликларда яъни жамоа, давлат хўжаликлиги, туман, вилоят, республика ва бошқа жойларда касаллик тарқалишининг олдини олиш чораларини кўриш лозим.

2. Паразитар касалликларликлар бор носоғлом хўжаликларда, соғломлаштириш ва касалликни йўқотишнинг ани чора тадбирларини ишлаб чиқиши.

3. Инсон ва ҳайвонларни Паразитар касаллик қўзғатувчиларидан асрash, зооантропоноз касалликлардан.

4. Давлат характери бериш, Паразитар касалликларни ҳисобга олиш. Ҳисобот бериш, эпизоотияга асосий олдини олиш тадбирларини белгилаш лозим.

Умумий инвазион касалликларга қарши профилактика тадбирларига хўжаликда тарқалган айrim гельминтоз касалликларни олидини олиш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар киради.

Хусусий профилактика тадбирларига эса бир турга таълуқли бўлган касалликларга қарши ўтказиладиган профилактика тадбирлари киради.

### **Назорат саволлари:**

1. Гелминтозларга қарши курашда керакли жихозлар деганда нима тушинилади?

2. Зооантропоноз касалликларни санаб беринг.

3. Носоғлом хўжалик деганда нима назарда тутилади?

4. Инвазияга қарши тадбирлар ниадан иборат?

1. Шустрова М.В. Паразитология и инвазионные болезни животных. Россия, «Колос», 2006.

2. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларининг гельминтоз

- касалликлари, Тошкент, «Меҳнат», 1992.
3. Ҳақбердиев П.С., Қурбонов Ш.Х. «Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари», Ўқув қўлланма., Тошкент, 2015.

### **Кўшимча адабиётлар**

7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
6. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э. Қоракўл қўйларнинг асосий гельминтозлари. , Тошкент, 2009.
7. Зооветеринария журнали. Тошкент, 2006-2014.

#### **6- амалий машғулот:**

#### **Хўжаликларда умумий ва хусусий профилактик тадбирларнинг лойихаси ва календар иш режасини тузиш**

**Ишнинг мақсади:** Инфекцион касалликларни олдини олиш тадбирлари билан тингловчиларни танишириш ҳамда умумий ва хусусий профилактика лойихасини тушунтириш.

#### **Тингловчилар учун вазифалар:**

Юқумли ва инвазион касалликлар касаллинган ҳайвонларга қарши профилактика таларида фаол иштирок этиб керакли воситаларни рўйхатини тузиш.

Умумий профилактика тадбирлари- бу ҳар доим таъсир этадиган ишлардан яъни хўжаликнинг ветеринария санитария холати, хўжаликдаги ташкилий ишлар, юқумли ва инвазион касалликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши керак.

Бу гурухга қуйидагилар киради:

1. Ҳайвонларни ташиш ва ҳайвон хомашёсини ишлаш пайтида сақлаш, ҳамда фермаларда, янги подада ва отарларни ташкил қилишни назорат қилиш.
2. Хўжаликка келган янги ҳайвонларни (30 кун) ичида карантинда сақлаш.
3. Ҳайвонларни ўрчишида зотлар авлодлар чидамлилигини ошириш.
4. Тўлиқ ва тўйимли озуқалар билан озуклантириш, ҳайвонларни нормал жойлаштириш ва эксплуатация қилиш.

5. Режа бўйича ветеринария назорати ўтказиш, соғлом ҳайвонлардан касал ҳайвонларни ўз вақтида ажратиш ва даволаш.

6. Асбоб ускуналарни, майдонларни, хоналарни ўз вақтида тозалаш ва дезинфекция қилиш.

7. Ўз вақтида начасларни, ҳайвон ўликларини йиғишириб зарарсизлантириш ва йўқотиш.

8. ўз вақтида дератизация, дезинфекция, дезакаризация қилиш.

9. Ҳайвонларни ҳайдаб ўтадиган йўлларни ва сув ичадиган манбалар ва яйловларни санитария холатини яхшилаш.

10. Чорвачилик хўжаликларини ёпиқ корхоналар типида сақлаш.

11. Чорвадорлар маҳсус кийим-кечак, оёқ кийими, шахсий гигиеник предматлар билан таъминланиши лозим.

